БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ
ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ
МИНИСТРЛИГИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1956 ЙИЛ
4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

1989 ЙИЛ

13 ОКТЯБРЬ
№ 42 (3042)
ЖУМА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг ДАВЛАТ ТИЛИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР Олий Совети Қонун лойиҳаларини тайёрлаш, миллатлараро муносабатлар ва интернационал тарбия масалалари, халқ маорифи ва маданият доимий комиссиялари томонидан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси давомида тушган таклифлар ва мулоҳазалар асосида қайта пухта ишлаб чиқилганлиги ва янги таҳрирда Президиумга тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қайта пухта ишлаб чиқилган Қонун лойиҳасини Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессиясида кўриб чиқиш ва аҳолининг танишиши учун матбуотда эълон қилиш зарур деб топилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. ИБРОҲИМОВ
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККУЛБЕКОВА
Тошкент шаҳри

«МЕҲРОБДАН ЧАЁН» РОМАНИ ЯРАТИЛГАНИГА 60 ЙИЛ ТЎЛДИ

Раъно ва Хайём

ҲА, АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ романларидан мен маърифат излайман. Чунки маърифат ва маданият орқасидангина биз барча эзгу тилакларимизга эришамиз.

Йигирманчи асрнинг илк йилларида бизда, яъни Ўрта Осиёда роман ҳақида бокира тасаввурлар пайдо бўлди. Ҳамза, Фитрат, Чўлпон, Қодирий сингари халқ маърифатпарварлари юрагида роман яратиш орзуи туғилди. Фитрат ва Ҳамзанинг аср бошларидаги насрий уринишлари (Фитратнинг ўнинчи йиллардаги барча насрий асарларида романга интилиш борлигини сезиш қийин эмас) халқ ижтимоий-маданий, маиший ҳаётига бадиий ойна бўлоладиган асар яратиш иштиёқи кучли бўлганлигини англаш мумкин.

Мана шу орзулар йигирманчи йилларнинг бошларига келиб «Ўтган кунлар»ни юзага чиқарди. Ўрта Осиё зиёлиларининг роман ҳақидаги орзулари «Ўтган кунлар»да мужассамлашди. Бу Ўрта Осиё маданий ҳаётида улуғ воқеа эди. Бадиий тафаккурнинг роман қадар ўсиб чиқишида жуда катта тарихий маъно бор эди. Бу Ўрта Осиё интеллигенцияси романча тафаккурга томон ўсиб етилганлигини кўрсатар эди. Европа, Шарқ, Россия романлари муҳташам қасрлари қошидаги қўрқув, ҳадиксираш, чоғсизлик, ожизлик енгиб ўтилган эди. Мазмуни тўлиқ, бадиияти етук роман халқ учун мактаб, яъни маънавият ва фикрлаш мактаби. Ўзбек халқи «Ўтган кунлар»ни худди шундай қабул қилди. Тўнғич фарзанд жуда севимли бўлиб туғилди. Ҳозир «Ўтган кунлар» деса ийиб кетмайдиган ўзбек йўқ. Роман миллий бадиий тафаккурнинг барча қирраларига ўз таъсирини ўтказгани бежиз эмас. «Ўтган кунлар» қоғозга тушаётган маҳаллардаёқ Қодирий мозий бир романга сиғмаслиги, у юзлаб жуда ўткир йирик асарларга мавзу беражагини теран англаб етган эди.

Ажаб эмаски, «Ўтган кунлар» ёзилаётган чоғдаёқ бошқа бир роман фикри ёзувчини безовта қила бошлаганди.

Кўп ўтмай бу безовталик «Меҳробдан чаён» либосларини кийди. Йигирма саккизинчи йилнинг бошларида ёзувчи бу романга охирги нуқтани қўйди. Бу икки романни мен ўзбек адабиёти тарихидаги бокира романлар деб атагим келади. Чунки уларга ҳали шу йилларда жаҳон адабиётида кучли мавқега эга бўлиб қолган экспрессионизм ёки модернизмнинг минг исни қориштириб бир ис яратган шабадалари ўз таъсирини кўрсатиб улгурмаган эди. Ҳолбуки, бул романлардан салгина кейинроқ яратилган «Обид кетмон» ва «Кеча ва кундуз»да ички, монолог, ички психологик таҳлил, шахснинг ички иккиланиши, сюжетнинг «исталган» ерда бошланиши ва «исталган» ерда тугаши, кутилмаган янги воқеа чизиқлари куртаклаши каби экспрессион ҳолатларнинг бошланғич зуҳуротларини кузатамиз.

Бокира романлар деб аташимга Қодирийнинг ўзининг бир ажойиб шаҳодати сабаб бўлди. У «Меҳробдан чаён»га ёзган дебочасида роман ва унинг қаҳрамонларини яратишда ўзи танлаган принцип устида тўхталади. Бу гапни у киши билмасдай айтиб ўтади. Лекин эътибор бериб қараган одам учун унда жуда чуқур фикр очилади. Бу фикр Ўрта Осиёда янги роман йўналишини, унинг методологик сарҳадларини белгилайди. Албатта, бадиий адабиёт ҳар қандай сарҳадлардан баландроқ туради. Уни маълум сарҳадлар ичида чеклаб қўйиш узоқ ўтмай таназзулга олиб боради. Лекин бадиий адабиёт бир сарҳадни босиб янги, бошқача бир сарҳадга кўтарилади. Шунинг учун бу ерда «сарҳад» деган сўзни ишлатдим. Қодирий дебочада ёзади: «Албатта, мен бу сўнгги марғуб қаҳрамонларни (яъни меҳнаткаш камбағалларни назарда тутади — **И. Ғ.**) ўзбек тарихининг ҳазми кўтарган қадар ўз ҳолича олишга тиришдим». Кўчирманинг давоми бор. Лекин шу ерда андак тўхтаб ўтайлик. Бу аввало «ўзбек тарихининг ҳазми кўтарган қадар» деган жумла. Чамаси, бу тарихий ҳаққоният масаласи. Кейинчалик биз ўзбек тарихидан олиб ёзилган бир қанча турли жанрларга мансуб асарларда қаҳрамонлар ўзбек тарихининг ҳазми кўтарган қадар олинмаганлиги — улар ё ҳаддан ташқари бўяб ва ёки ҳаддан ташқари янги замон фикрига мослаштириб тасвирланганлигидан юзаки таъсирчан ёхуд тўғрироғи сохта таъсирчан бўлиб қолганлигини биламиз. Бу тарихнинг ҳазми кўтармаган нарсаларни унинг бўғзига тиқиштириш, тарихни, бошқача айтганда, «зўрлаш» оқибатида юзага чиқди. Ҳазми кўтармаган таом еса киши касал бўлади. То ҳазми оғир озуқдан қутулмагунча ўзини қўярга жой тополмайди. Назаримда, адабиётимиз кўп замонлар ана шундай ҳазмига тўғри келмайдиган таом еб юрди. Эндиликда эркин шароитда ижод қилиш учун у ўзини тозалаши керак. Қодирийнинг эътиборни ўзига қаттиқ жалб этадиган иккинчи жумласи: «ўз ҳолича олишга тиришдим»дир. Бу Толстойнинг ҳаётни биз истаганча эмас, борича тасвирлаш керак, деган машҳур фикрига тўғри келади. «Ўз ҳолича олиш» — реалистик ҳаққоний тасвирнинг онасидир. Афсуски, адабиёт кўп даврлар ҳаёт ва инсон манзараларини ўз ҳолича олиб тасвирлашдан йироқлашди. Идеаллаштириш, йўқ нарсаларни бўрттириш, борича эмас идеалга тўғри келадиганча ёзиш, ўзбекона содда қилиб айтганда, аравани қуруқ олиб қочиш адабиётга бўлган ишончни сўндирди. Қодирий кейинги жумлада «ўз ҳолича олиш»нинг афзаллигини яна шундай тушунтиради: «Чунки шундан ортиғи сохта бўлиши устига, китобнинг қадрини ҳам туширар эди». Қодирий йигирманчи йиллардаёқ адабиётнинг қадрсизланиш эҳтимоли борлигини сезган эди.

«ҲАЗМИ КЎТАРИШ» ва ҳазми кўтармаслик қандай бўлишини романдан кўрайлик. Анвар мирзо оғир шароитда сиғинди бўлиб ўсган йигит. Уни сармуншийликка кўтармоқчилар. Лекин Анвар мирзо буни истамайди. Анварнинг хон саройидаги катта лавозимдан ўзини олиб қочиши ғалати бўлиб туюлади. Шу ўринда Қодирий ўз даврининг илғор кишиси бўлган, илм ва фаросат эгаси Анварнинг ички изтиробларини, аламли ўйларини, сарой ҳаёти ва умуман, ўша давр ўзбек турмуши ҳақидаги тасаввурларини кенг йўсинда тасвирлаши мумкин эди. Шундай тасвирларга романда ҳаддан ташқари кўп ўрин бор. Бироқ Анвар ҳар қанча илғор ёшлардан бўлмасин, ўша даврда «изтироб оқими» ичида яшашга қобилмиди? Мураккаб ички изтироб оқими — Европа адабиётининг энг зўр кашфиётлари ва қадриятларидан. Бу қадрият оз деганда Оксфорд ёки Петербург университетлари таълими, жаҳон фалсафий тафаккуридан теран хабардорликни тақазо қилади. Анварнинг билимлари эса араб, форс, турк тилларини билиш, ҳисоб ва иншо қоидаларини яхши ўзлаштириш билан чекланади. Лекин унинг билимлари ўрдада Муҳаммад Ражаб пойгачи қўл остида тажрибали мирзолар қаторидан жой олиш учун етарли. Шундай экан, мураккаб ички изтироблар оқимини на Анварнинг тарбияси ва на у тарбия топган шароит кўтарар эди.

Ёки бошқа бир ҳолни олайлик. Раънонинг юлдузи Анварнинг юлдузига ғоятда мос. Улар ўртасидаги ана шу уйғунликни Қодирий зўр шоирона мақомда гавдалантиради. Бу ўзи жуда нозик симфония. Бундай нозик уйғунликка Тагор ғоят моҳир. Раъно ибтидоий мактаб маърифатини олган. Қодирий унинг ўқиган китобларини батафсил айтиб ўтади: «Ҳафтияк», «Қуръон», «Чаҳор китоб», «Сўфи Оллоёр», «Маслаки муттақин», Навоийнинг барча асарлари, Фузулий девони, Амирий, Фазлий, Шерозий, Бедил, Саъдий... Раъно ўзи севган шоирларнинг шеърларидан мажмуалар тузади. Манзумалар ёзади. Лекин шуларгина эмас. Қодирий бизни романнинг икки ерида Раъно... Умар Хайём китобини ўқиб турганига шоҳид этади. Нега бирдан Хайём? Менинг, мисол учун, ожиз ақлимча Хайёмни Анвар мирзо ўқиса, кўпроқ тўғри келарди. Лекин Қодирий Хайёмни Раънога ўқитади. Нега? Ростдан нега? Эҳтимол, Раънода шоирона завқ Анвардан кўра кучлироқдир. У бекорга мушоараларда доим Анвардан устун келмайди. Лекин, қани, Хайём эсланган саҳифаларга қарайлик-чи, қандай сирлар бор экан:

«Раъно айвоннинг устунига суяниб китоб ўқир, Нигор ойим ўчоқ бошида овқат пишириш билан машғул эди. Раъно ўзига қараб келувчи Анварга ер остидан кулимсиб олгач, бир оз кўриниб турган оёқ учларини сариқ атлас кўйлаги билан яширди, атлас кўйлакни яхшигина туртиб турган сирли кўкраги устига ён ўрим сочларини олиб ташлади. Анвар яқинлашгач, секингина китобдан кўзини олиб, «Ҳорманг», деди яна китобга юз ўгирди, Анвар келди ва унинг қўлидаги китобга қаради.

— Умар Хайём! — деди ва Раънонинг қаршисига, ҳовлига оёқ солинтириб ўтирди. — Қани, ўқи-чи эшитайлик!

Раъно китобни секингина ёпиб, Анварга узатди:

— Сиз ўқинг, мен эшитай.

— Ўзинг ўқи, бахилсан-да!

— Мен тўғри ўқий олмасам, тунов кундагидек куласиз...

— Жўрттага хато ўқиб, ўзинг кулдирдинг... Ўқи, Раъно!

Раъно китобни ерга қўйди:

— Мен ўқиб зерикдим...»

Бунда хайёмча шўхлик барқ уриб турибди. Шўхлик Раънонинг рангига ранг, жозибасига жозиба қўшаяпти. Хайём Раънонинг зуваласидаги завққа латофатли руҳ бағишлаяпти. Лекин Раъно шу тобда, Анвар кириб келган маҳалда, оқшомнинг шаҳ нурлари оқариб ёйилганда Хайёмнинг қайси рубоийсини ўқиётган, ёдлаётган эди? Қайси? Нега ёзувчи буни айтмади? Мен ожиз ақлим билан буни дарҳол шошиб-пишиб айтиб ўқувчини тинчлантирган ва бундай саволларга ўрин қолдирмаган бўлардим.

Кўза-ю косангни кўтар, эй дилдор,
Кўклам сув бўйи, салқин жойга бор,
Бу чарх кўп сарвқад, ой юзлиларни
Гоҳ кўза, гоҳ коса қилмиш неча бор...

Шу сатрларни ўқиб терга тушмадимикан Раъно — шоира? Ахир бундан кейинги тасвирлар қанчалар хайёмона: кўкда ўн уч кунлик гўзал ой сузади. Майин шамол гулларни аллалайди. Раъно ўғринча Анварнинг ёзувига боқади... коинотда, ўзбекнинг осуда масканларида шеър руҳи кезинади. Раъно шундай шеър баҳсида ҳам, тиб баҳсида ҳам мирзони енгади... Бу парчани Хайёмсиз тасаввур қилиш мумкинми? Барча шоирона оқим ундан бошланди. «Оёқ учларини сариқ атлас кўйлаги билан яшириш» ҳам тўла хаёмона. Кўкрак устига ташланган ўрим сочлар тўлғанишида ҳам Хайём сезими.

Хаёмга биз «Фотиҳа — муҳри худодир» бобида яна бир карра дуч келамиз. Лекин бунда энди вазият мутлақо ўзгарган. Ўрдадан Раънога совчи келган. Маҳдум учун бу «хайри фол, файзи илоҳий...» Раъно учун эса... «Ўзича саодат бўлиб кўринган бу фожиа хабари билан Нигор ойимни эсанкиратди, йиғлатди, Раъно эса танчада ўқиб ўтирган Хайём рубоиёти устига ҳушсиз бошини қўйди». Аввалги манзара билан бу манзара ўртасида қанчалар буюк зиддият ва фарқ бор. Ҳаётнинг шундай зиддиятларини куйламаганми Хайём? Унинг ҳар бир рубоийси олам зиддиятининг муҳрини ташийди.

Шу ерда ёзувчи қанча-қанчалаб саҳифаларни қоралаши мумкин эди Раънонинг эзгин ҳолати ва ички кайфиятларини тасвирлаб. Лекин адиб бундай қилмайди. У: «Раънонинг ҳозирги аҳволини биз ёзиб ўтирмаймиз», деб изоҳ беради. Лекин Хайём рубоийлари устига ҳушсиз бош қўйишнинг ўзи том-том тасвирлар ўрнини босолмайдими? У зукко одам учун қанчадан-қанча ўй ва маълумот беради.

Лекин... лекин худди шу шум хабар келган чоғда Раъно Хайёмнинг қай рубоийсини мутолаа қилаётган эди экан? Бу бизга жумбоқлигича қолади.

Лойни муштлаб турган анави кулол
Қилсайди ақл ила чуқуррок хаёл,
Ҳеч қачон бунчалик тепкиламасди
Ота тупроғидан ясаркан сопол...

Балки Раъно — шоиранинг боши шу дардли рубоий устига ҳолсиз толгандир. Балки бошқа...

Лекин Хайём бўлмаса қанчалар жозибасини йўқотади бу қаҳрамон!

ЎЗБЕК ҚИЗИ Раънонинг қалби Хайёмни шундай сирли, хаёлий илғамас ранглардагина «ҳазм қилади».

Ўзбек қизини сирли дейдилар.

Янаям сирли бўлмасинми?

Қодирий унинг сири ичига киришга шошилмайди. «Ўз ҳолича» деган сўзнинг маъносини яна бир карра бошқачароқ англагандирсиз энди?

Иброҳим ҒАФУРОВ

● «Меҳробдан чаён»нинг нашрлари

УЙҒОНАЁТГАН УМИД 2-БЕТ
САВОБ 4-БЕТ
ДАВЛАТ ТИЛИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ 3-БЕТ
ҒАЗЕТХОНЛАРДАН МАКТУБЛАР 5-БЕТ

ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ХОРИЖДАГИ ТАРЖИМОНЛАРИ ТОШКЕНТДА

ТАРЖИМА—ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИ

Бугунги кунда адабиётлар ўртасида ҳамкорликни кучайтиришда бадиий таржима ва адабий алоқаларнинг роли қандай бўлиши керак? 10 октябрда Тошкентда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси, уюшма қошидаги Бадиий таржима ва адабий алоқалар маркази ташаббуси билан бошланган ўзбек адабиётининг хориждаги таржимонларининг биринчи семинар-кенгашида ана шу масала ўртага ташланди. Кенгашни Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби **Одил Ёқубов** қисқача кириш сўзи билан очди.

— Марказ яхши иш бошлади, — деди у. — Ҳозиргача «Ўзбек шеърияти антологияси»нинг биринчи қисми рус тилига сўзма-сўз таржима қилинди. Эндиликда унинг иккинчи қисми устида иш бормоқда. Бу кенгаш адабиётимизнинг чет эллик таржимонлари билан ҳамкорлик йўлидаги илк қадам бўлди. Бундай халқаро анжуманни яна икки йилдан кейин кенгроқ миқёсда ўтказишни мўлжаллаяпмиз. Маълумки, 1991 йили Алишер Навоийнинг 550 йиллиги, 1994 йили Абдулла Қодирийнинг 100 йиллиги нишонланади. Улар асарлари шу муносабат билан чет тилларга кўпроқ ва савияли таржима қилиниши керак. Бу кенгашни ана шу ишнинг бошланиши ҳам деб қараш мумкин.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти директори **Бахтиёр Назаров** ўзбек адабиётининг чет тилларга тржима қилиниши ва тарғиб этилиши ҳақида гапирди.

— Ўзбек адабиёти Шарқ тилларига кўпроқ таржима қилинган, — деди у. — Тўғри, Алишер Навоий, Бобур, Огаҳий каби ижодкорлар асарлари Ғарб тилларига ҳам ўгирилган. Лекин улар ниҳоятда оз. Ҳозирги пайтда эса 70 дан ортиқ ижодкор асари хорижий тилларга ағдарилган. Улар орасида О. Ёқубов, П. Қодиров, Т. Пўлатов, Х. Тўхтабоев асарлари алоҳида ўрин тутади...

У сўзида яна энг яхши асарларни таржима қилиш, таржимонларни жумҳуриятимизга таклиф этиш, таржима марказини янада кенгайтириш, мутаржимларимизни тажриба алмашиш учун чет элларга юбориш, Тошкент Давлат университетида таржимонлар бўлимини очиш таклифларини ўртага ташлади.

Меҳмолардан **Илза Сиртаутас** (АҚШ) ва **Ширин Акинер** (Англия) ўзбек адабиётидан қилган таржима асарларини марказга совға қилдилар ҳамда бадиий таржимани яхшилаш йўллари тўғрисида фикр билдирдилар. Финляндиялик таржимон **Йокка Маллинен** ўз юртида «Ўзбек шеърияти антологияси»ни чиқариш устида иш олиб борилаётгани ҳақида хабар бериб, ўзбек ёзувчиларини, таржимонларини бу ишда бош-қош бўлиш учун Хельсинкига таклиф қилди. Айни пайтда «Фин шеърияти антологияси»ни ҳам тайёрлаш зарурлигини айтди. Москвалик таржимон **Алексей Паршиков** шоир Муҳаммад Солиҳ шеърларини чет тилларга ўгираётгани тўғрисида гапирди.

— Менинг касбим архитектор. Лекин кўпроқ ислом маданияти билан қизиқаман, — деди англиялик ношир **Жеймс Гибсон**. — Ғарбда ўзбек маданиятига қизиқиш ниҳоятда катта. Чунки у дунё маданиятида ўзига яраша ўринни эгаллайди. Фақат бу маданият кам ўрганилган. Шунинг учун мен нашриётимда ўзбек адабиётининг энг яхши намуналарини жон деб нашр қилган бўлардим.

Шундан кейин ҳиндистонлик таржимонлар **Матху Судҳир Кумар, Пурнима Ми ра, Мангзар Салим,** қозоғи тонлик таржимон **Зулқайна Соқиев,** Тошкентдаги «Раду га» нашриётининг ходимлар ҳам таржима ишини яхш лашнинг энг асосий йўли ад бий алоқаларни, ҳамкорли ларни кучайтириш эканлиг ни таъкидлаб ўтдилар.

Ўзбек ижодкорларидан **Ҳ мид Ғулом, Шукрулло, Пири қул Қодиров** ҳам бу ҳақд фикр-мулоҳазаларини би дирдилар.

Семинар-кенгаш шу кун тушдан кейин давом этд Меҳмонлар ўзбек адиблар дан Эркин Воҳидов, Муҳа мад Али, Жамол Камол (айни пайтда кенгаш ишида нотиқларнинг гапларини ин лиз тилига ва ўзбек тили ўгириб турди), Зоҳиджон Об дов, Шавкат Раҳмон, Муро Муҳаммад Дўст, Тўра Мирз Тилак Жўра ва бошқалар б лан ижодий мулоқотда бў дилар. Жумҳуриятимиз Ёзу чилар уюшмаси меҳмонлар адабиётимиз ютуқлари бил кенгроқ таништириш мақс дида Адабиётчилар уйида к йинги йилларда турли нац риётларда нашр этилган к тоблар кўргазмаси ҳам тац кил қилди.

Кенгаш қатнашчилари к йинги кунларда ЎзФАнинг Сулаймонов номидги Қўлё малар институтида бўлдила Тошкент вилоятининг Бўсто лиқ районига сафар қилдила Ойбек уй-музейига борд лар, Тошкент Давлат униве ситетида шеърият кечаси қатнашдилар.

Ўзбек адабиётининг хори даги таржимонларининг сем нар-кенгаши бугун ўз иши якунлайди.

7-БЕТ

СУРАТ ВА СИЙРАТ

8-БЕТ

— Ё тавба, куппа-кундузи шип-шийдам қилиб кетишди-я...

С. МАҲКАМОВ суратга олган

ТИЛ ЎРГАНИШ БОРАСИДА

С. РЕБРИН (Новочеркасск):

— Халқ депутати А. Коршуновнинг сўзларини келтираман («Литературная газета», 27 сентябрь): «...60 ёшли директорни ўзбек тилини ўрганишга мажбур этиш, бу — ақл бовар қилмайдиган бемаънидикдир».

Менингча, ақл бовар қилмайдиган бемаънилик шу дакн, 60 ёшли директор ўз яшаётган республика тилин шу ёшгача ўрганишни ўзи эп билмабди.

(«Советская культура» газетаси, 1989, 7 октябрь)

МУҲАББАТНИНГ ҲИССАСИ

ТАЛАБАЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

Муҳаббат Янгибоева ва унинг дугоналари билан дала устида юзма-юз келдик. Дугоналарнинг гапига қараганда, Муҳаббат кеча 100 килограмм пахта терибди. Мана шу навниҳол, мўртгина, нозик қиз эл хирмонига ўзининг 100 килограммлик ҳиссасини қўшибди. Бу унинг бир кунда терган пахтаси. Муҳаббатнинг чаноқ тилган қўлларига, энгил-бошига қараб, унинг тимсолидаги минглаб ўғил-қизларимизнинг ирodaсига қойил қолдим... Бу ёшлар бизнинг келажагимиз. Пахта эса ризқу рўзимиз. Ҳа, оқ пахта деб, қанча гаплар айтилмасин, пахта ўзбек халқининг ризқи рўзи. Ҳамма гап шундаки, шу пайтгача ўша ризқи рўзимизни райкомнинг остонасидан деҳқоннинг томорқасигача — тўғри келган жойга экдик. Унинг харид нархини ўз қиммати даражасида белгиламадик. Халқнинг ризқу рўзини яратган деҳқоннинг ўзи эса яхши киймай, яхши еб-ичмай яшаб келди. Мана шундай шароитда оқ пахта бизга қора бўлиб кўринди. Кишилар ўртасида чаласаводлилик кучайиб кетганидан, туриш-турмушимиз, қишлоқларимиздаги шароит инқилобдан илгариги даражада экани-ю, ҳар бир қишлоқ хонадонидан касаллик аримай қолганигача пахтадан кўрдик. Аслида бу кўргиликларга пахта эмас, балки пахта етиштиришни планлаштирган, унинг меҳнатини адолатли баҳоламаган идоралар, халқ ишидан кўра лавозимини, мансабини яхши кўрган, жумҳуриятимизга ташриф буюрган ҳар бир юқори раҳбар шарафига қўшимча мажбурият қабул қилишга, қўшиб ёзишга даъват этган раҳбарчалар айбдор эди...

Бугун пахта эмас, балки, пахта орқасидан кўкси медалларга, номи шон-шуҳратга бурканган раҳбарлар халқни қай даражада қийин аҳволга солиб қўйгани маълум бўлиб қолди. Буни жумҳуриятимиз партия ва ҳукуматининг бугунги раҳбарлари чин дилдан сезмоқдалар. Йўл қўйилган хатоларни тузатишга интилмоқдалар. Жумладан, 1989—1990 йилларда пахта етиштириш учун қўшимча 1 миллиард 200 миллион сўм пул ажратилгани жуда яхши. Ана шу тадбир туфайли бу йилги йиғим-терим ортиқча шов-шувларсиз, даъватларсиз, қизил сўзлардан иборат шиорларсиз уюшқоқлик билан ўтмоқда. Кўп жойларда деҳқонлар ёрдамчиларни рад этмоқда. Масалан, Фарғонадаги олий ўқув юртлари талабаларини ҳали-ҳозирча ҳеч ким пахта теримига жалб этганича йўқ. Ёки айтайлик, бутун-бутун ташкилотлар колхоз ва совхозлардан ижарага ер олиб пахта экишди. Олтинкўл район халқ таълими бўлими ходимлари ҳам ўзлари етиштирган ҳосилни йиғиб-териб олишмоқда. Район маориф ва маданият ходимлари касаба союз ташкилотининг раиси Каримахон Қосимованинг айтишича, дам олиш куни 50 дан ортиқ маданият ходими ижарачиларга ёрдамга чиққан. Чунки хўжаликларда ҳар килограмм териб олинган пахтага 15-20 тийиндан ҳақ тўланяпти. Шу билан бирга, айрим жойларда мана шу қўл учида ажратилган пулни қисиб-қимтиб, халққа беришга қорни оғриётган хўжалик раҳбарлари ҳам йўқ эмас. Масалан, Андижон давлат педагогика институти талабалари 18 сентябрдан буён Олтинкўл райони далаларида пахта теришмоқда. Калинин номидаги колхозда пахта тераётган талабалар то 25 сентябрга қадар ҳар килограмм пахта учун шартномада кўрсатилган 15 тийин ўрнига 10 тийиндан ҳақ олишди. Талабаларнинг қатъий норозилигидан кейингина 15 тийиндан тўлана бошланди. Аслини олганда шу кунларда пахтага тўланаётган қўшимча ҳақ вазиятдан қутулишнинг бир йўли холос. Пахтанинг харид нархи қатъий равишда, айтайлик, ҳар килограмм пахта камида 2-3 сўмга оширилмас экан, бундай йўл-йўлакай қўрилган тадбирлар, вақтинчалик «садақа»лар билан деҳқон турмушини яхшилаб бўлмайди.

...Андижон давлат педагогика институти филология факультетининг ўқитувчилари, доцент Тўлқин Йўлдошев, Зиёвиддин Қодиров, Эргашали Эркаев, талабалар — Муҳаббат Янгибоева, Нилуфар Мўйдинова, Барно Ўтанова ва бошқалар билан суҳбатимиз шулар ҳақида бўлди. Муҳаббатнинг оёқларидаги кирза этикка қараб ҳалигина бориб кўрганимиз — талабаларнинг ётоғини эсладим. Катта-кичик хона-ю, йўлакда бир-бирига тиркаб йиғма каравотлар қўйилган. Шифтдан полгача бетон. Ётоқ жойда ошхона, ешларнинг ишдан сўнг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун шароит йўқ. Айтишларича, филология факультети талабалари «шоҳона» яшаётган эканлар. Тарих, физика-математика факультетлари талабалари яшаётган дала шийпонларини бориб кўришни бизга тавсия этишди...

— Кузнинг офтобига ишониб бўлмайди, — дейди илмий ишлар бўйича институт проректори К. Турғунов. — Шунинг учун талабаларимиз деҳқонга ёрдамга чиқдилар. Ҳозир далаларда 1350 дан ортиқ талаба пахта термоқда. Ёз ойларида студент отрядларида бўлган, Афғонистонда хизмат қилган талабаларимиз бундан мустасно. Бироқ, уларнинг унумли меҳнат қилиб, яхши ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар ҳам яратилган деб бўлмайди. Институт билан хўжалик ўртасида тузилган шартнома тез-тез бузилмоқда. Пахта тераётганлар учун совун, янги сўйилган гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ҳар доим ҳам ўз вақтида етказиб берилмаяпти. Талабалар ўртасида мусобақани йўлга қўйиш учун моддий маблағ ажратилмаган. Лекин бундай камчиликларга қарамай, талабаларимиз яхши ишлашяпти. Институт бўйича ҳар бир одам кунига ўртача 50-55 килограммдан пахта теряпти. Ҳар беш кунда 70-80 сўмдан ҳақ олишяпти.

...Филология факультети талабалари пахта тераётган Низомжон Қодиров бошлиқ бригада шу кунларда давлатга пландан ташқари маҳсулот топширяпти. Бунда бригада аъзолари қатори Муҳаббат ва унинг дугоналарининг ҳам ҳиссаси катта.

Е. ХЎЖАМБЕРДИЕВ

«Партия XXII съезди» колхози Ғузор районидаги илғор хўжаликлардан. Шу кунларда колхоз пахтазорларида иш қизғин.

СУРАТЛАРДА: пахта йиғим-терими авжида; илғор теримчи Нигора АБДУРАҲМОНОВА.

Н. ШАРИПОВ суратга олган

ХИТОЙДАН ХАТ

Салом қадрли ОДИЛ ЁҚУБОВИЧ!

Сиз ватанингизга қайтиб кетганингиздан буён ярим йилдан ортиқ вақт ўтди. Соғлигингиз яхшими! Ёзув-чизув ишларингиз қалай? Мен ўша-ўша бўш вақтларимда таржима билан машғулман. Ҳозир Михалковни таржима қиляпман. Шу хат билан суратларни ҳам юборяпман. Менимча, яхши чиқди. Бу бизнинг дўстлигимизни исботловчи далилдир.

Қадрли оға (кичик миллатларнинг одатига кўра, шундай мурожаат қиляпман)! Мана, ниҳоят, умид қилганимиздай, мамлакатларимиз катта дўстлик йўлига кирди. СССР, айниқса, Сизнинг юртингиз кўпдан бери мени оҳанрабодай ўзига жалб қилишини сизга сездиргандим. Мен ўзим кичик миллат вакилиман, шунинг учун ҳам сизларнинг адабиётингизга қизиқаман. Ҳамма иттифоқдош жумҳуриятлар ичида сизнинг юртингизни ва Гуржистонни кўпроқ яхши кўраман. Сизнинг адабиётингиз — оташин адабиёт. Мен «Диёнат» ва «Матлуба» қиссаларингизни, Ў. Усмоновнинг «Гирдоб»ини таржима қилдим. (Қўлёзма нашриётга топширилди).

Шуни айтишим мумкинки, Хитойда адабиётингизнинг бирдан-бир катта ишқибози ва тадқиқотчиси мен бўламан. Бундан кейин ҳам унга катта қизиқиш билан эътибор бераман Лоақал бир марта бўлса ҳам, юртингизда кўпроқ бўлолсам яхши бўлар эди. Адабиётимиз ва ёзувчилар билан янада кўпроқ танишиб олардим. Бу — таржима қилишда ва илмий тадқиқот олиб боришда шак-шубҳасиз ёрдам берарди.

Кўнглимдаги гапни яширмай қўяқолай, мен сиздан Ёзувчилар уюшмаси орқали мени Ўзбекистонга таклиф қилишга уриниб кўришингизни илтимос қиламан. Мен Хитой Ёзувчилари уюшмасининг аъзосиман.

Ҳозир кўпчилик Хитой кишилари турли таклифлар билан СССРга боришмоқда. Фақат бизнинг кутубхонамиз билан Ленин номидаги кутубхона ўртасида кутубхоначилар алмашиш ҳали йўлга қўйилмаган. Шунинг учун Менда сизнинг мамлакатингизга бориш имкониятим йўқ. Ҳозир умидим сиздан. Ёдимда, сиз бу ерга келганингизда бунга ваъда қилгандингиз. Албатта имкон даражасида. Сиз бу масалага қандай қарайсиз, илтимос, ёзиб юборинг. Жавобингизни ёки таклифингизни (таклиф бўлса яхшироқ бўларди) муштоқлик билан кутаман.

Сизга ва оилангизга соғлиқ тилайман.

Тез орада кўришгунча!

Хитойлик дўстингиз
СУ ЧЖОУ СЮНЬ

11.08.1989



СУРАТДА: Одил Ёқубов ва Су Чжоу Сюнь

УЙҒОНАЁТГАН УМИД

● ДЕҲҚОНГА ЕР! ● ТОМОРҚА ВА МАЪМУРЧИЛИК ● ҲАР БИР ХОНАДОНДА МОЛ-ҲОЛ БЎЛСИН! ● ҚИШЛОҚ МЕЪМОРЛАРИ ҚАЙДАСИЗ?

Мурод АБДУЛЛАЕВ

„ЁРИЛМАГАН ЕР...» Қайта қуришнинг иккинчи баҳори эди. Жумҳурият Фанлар академиясида ҳукумат раҳбарлари иштирокида катта йиғин бораради. Академик М. Муҳаммаджонов минбарга чиқиб, вазмин гап бошлади:

— Куни кеча Фарғонадан келдим, — деди Мирзаали ака.—Ўша ёқда эшитганим хунук бир воқеа сабабли ҳали ҳам аъзойи баданим дир-дир титраб турибди. Бағдодлик бир раисни узоқ кутиб энди кетамиз деб турганимизда у йиғламоқдан бери бўлиб кириб келди. Ер талашиб, ота-бола жиққамушт бўлишибди. Одамларнинг бунчалик бемеҳр, андишасиз бўлиб кетганлигини кўриб чидаб туролмадим, — дейди раис,—ер ёрилмади кириб кетгани!.. Эртаси куни Исмоил ака деган одамнинг хонадонига кирдик. Яна шундай можаро. Беш ўғил, беш келин, жами 28 жон бир ҳовлида яшайди. Томорқа одам бошига ярим сотихдан ҳам тўғри келмайди. Олти оиланинг ярми ишсиз.

Ўшанда Мирзаали акадан бу воқеани эшитган ҳукумат раҳбарлари: «Биламиз, Фарғонада ишчи кучи кўп, аҳоли тиғиз яшайди. Марҳамат, Мирзачўлдан, Қарши даштидан ер берамиз, кўчиб чиқишсин. Ноқоратупроқ ўлкаларга боришсин», дейишди ва ниҳоят, кескин бир муаммони ўзларича оппа-осон ҳал этиб қўйишди...

Бугун Фарғона фожиалари қандай сабабларга кўра юзага келгани халққа маълум. Мен бу гапларни эслаш билан Америка очмоқчи ёки Мирзаали акани пайғамбар даражасига кўтармоқчи эмасман. Ўтган раҳбарлар шаънига тош отиш ниятим ҳам йўқ. Фақат бугун ўзининг етмиш йиллик ҳаёти давомида ниҳоясиз «эксперимент»ларга дучор этилган ва охир-оқибат деҳқончилик касбидан ҳам тўйиб, одамдек яшашни ихтиёр этган, тирикчилик деб аллақачон ўзини бошқа касбларга ура бошлаган қишлоқ фуқароси бошида «йилт» этган нур боис кўнгилда йиғилган ўйларни дардлашмоқчиман, холос.

ГУРУНГ. Деҳқон ер олмоқда. Етмиш йил бурун бўлганидай, яна унинг кўксига офтоб тегаётир. Кечагина бир қарич ерда бола-бақраси билан қоврилиб ётган бечора ялангтўш чорак гектардан томорқа олаётир. Кўзларига ишонмайди: тушимми ё ўнгимми, дейди. Йигирманчи йилларда отамерос ерини қайтариб берганларида манглайи шундай бир ярқираган эди. Бу инқилоб қуёшининг зиёси эди.

Аммо... ўшанда бу зиёнинг йўлини тўсдилар. Чоракорга ер берган шўро ҳукуматининг ўзи уни «сен қулоқсан», деб юртидан бадарға этди. Ўша деҳқонга ери тушган бойбува эса «ҳолинг қалай, энди» деб чапак чалди. Бу ҳам ҳолва экан, кейинроқ бориб инқилоб қайтариб берган ернинг деярли ҳаммасини пахта эгаллади. Унинг искандасидан қутулиш осон бўлмади.

Яхшиям шоир айтганидек, «Гўё таъна тошин сақоғи битиб, тарих сопқонидан тушган каби зар», деҳқон кўксида ҳам умид уйғонди. Унинг йўлига анчалар кўз тикдик.

Ўйга толаман: курашиб, қон тўкиб инқилоб байроғини кўтарганлар халққа ер ва сув берган эди. Аммо ана шу ерни яна инқилоб номидан қайтариб олганлар ким эди? Улар ҳам асл инқилобчи эдиларми ёки инқилобий давлатнинг бошқарув аппаратига инқилобчи тўнини ёпиниб кирганларми?

Бугун Октябрнинг саккизинчи ўн йиллигида қайта қуриш бу жумбоқларга жавоб излаётир. Улар улуғ бир мамлакатнинг пойдеворига қўйиб улгурган эски ғиштлар эса кўчиб тушмоқда. Халқлар ўртасидаги миллий муносабатларнинг чигаллашиш сабаблари, ҳақ-ҳуқуқини айтганга, хавотир онгини чалганга «Сенга ким қўйипти ҳақни айтмоқни», дея ақл ўргатишларнинг илдизлари ўша Ленин йўлидан тойишларга бориб тарқамаяптими?

Қайта қуриш бу дардларга даво излаётир. Ниҳоят, ўзбек деҳқони ер олаётир. Умидлар уйғониб, саболар мусаффолашаётир. Аммо яна надоматлар бўлсинки, деҳқонга ерни раво кўрмайдиган тўралар ҳам учраб қолаяпти. Жунбушга тушиб халққа ер ўрнига мушт кўрсатаётган, пайтдан фойдаланиб таъма деб аталмиш эски қўшиғини айтаётганларга юзма-юз келаяпмиз.

Улар ким? Улар онгдаги даққи ақидалару, занглаган тасаввурлардан халос бўлолмаган, сталинча бошқариш сиёсатининг инерцияси билан яшаб келаётган одамлар бўлиб чиқяпти.

Хевадаги Огаҳий боғида бўлиб ўтган учрашув чоғида Ленин номидаги колхоз раиси Рўзимат Отажоновни шу хусусда суҳбатга тортдим.

— Колхозимиздаги кўпчилик аҳолининг 13 сотихдан ери бор, — деди у. — Биз колхоз экин майдонидан ҳар бир хўжаликка қўшимча равишда яна 10 сотихдан ер беришга қарор қилдик. Шунда деҳқонларимизнинг қишлоқ ичидаги ва ташқарисидаги жами томорқа майдони 23 сотихга етади.

— Шундай деҳқон хўжаликлари ҳам борки, уларнинг ҳар бирида уч-тўрттадан оила истиқомат қилади. Табиийки, ҳар бир оила ўзининг алоҳида томорқасига, алоҳида уй-жойига эга бўлсам, дейди. Уларнинг ҳам нияти рўёбга чиқяптими?

Раис жавобга қийналади. «Бундай оилалар кўп. Уларнинг бир қисми бошқа жойларда ишлайди. Бир қисми колхоз ишлаб чиқаришида қатнашса ҳам оталари қарамоғида. Ҳар бирига томорқа бераверсак ер етмайди. Бизда 11 минг аҳоли бор. Колхоз эса бор-йўғи 2400 гектар ҳайдаладиган ерга эга. Шунинг 1616 гектари пахта, 436 гектари беда, 100 гектари сабзавот».

Раис 1600 деҳқон хўжалигининг ҳар бирига далада фақат деҳқончилик қилиш учун ўн сотихдан ер ажратиб бермоқчи. Шунда хўжаликнинг 2400 гектар экин майдони бор-йўғи 160-180 гектарга қисқаради. Демоқчиманки, бир рўзғорда уч-тўрт оила бўлиб яшаётганларга алоҳида-алоҳида ер берилганда ҳам хўжалик ютқазмайди. «Улар аввал уй-жой масаласини ҳал этсин, бирон жойда уй қурсин. Томорқа керак бўлса сўнгра ўйлаб кўрармиз», дейди раис.

Ер бўлмаса қаерда қуради у уй-жойини? Эҳтимол, қай бир оилали йигит район марказида, бирор қурилиш ташкилотида ишлар. Ер берилмаса унинг турмуш ўртоғи ҳам бир-иккита бола билан бўлиб уйда ишсиз ўтираверади. Колхоз ёш келинни иш билан таъмин этолмаса ҳам томорқа, уй-жой учун ер билан таъмин этсин. Мол-ҳол асрагани имкон берсин. Иш дегани шу!

ЎзКП Марказий Комитети XVI пленумида аҳолининг шахсий хўжаликлари жумҳуриятдаги умумий экин майдонининг атиги 5 фойизида деҳқончилик қилиб қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг тўртдан бир қисмини бераётгани бежиз айтилмади-ку. Ҳозир қишлоқдаги 240 минг оиланинг томорқаси йўқ. Бу — ҳаммамизни ташвишга соладиган факт.

ИККИ ХИЛ МУНОСАБАТ. Афсуски, фақат Хевадаги Ленин номидаги колхоздагина эмас, бошқа жойларда ҳам томорқасини кенгайтириш ниятида бўлганларнинг йўлига ҳар хил бўлар-бўлмас умрини яшаб бўлган ақидаларни сунъий тўсиқлар, ўтиб бўлмас ғовлар яратилмоқда. Яқинда томорқа масалаларига бағишланган бир йиғилишда Янгиариқ район партия комитетининг биринчи секретари Эгамберган Ҳакимов қизиқ бир фактни айтди. Районда ҳар бир оилага 25 сотихдан, колхозда ишламайдиганларга эса 13 сотихдан томорқа беришга қарор қилинибди. Нега энди бир қишлоқда яшовчига икки хил муносабат? Қишлоқ меҳнаткаши колхозда ишламагани учун камситилиши керакми? Балки, у қишлоқ зиёлисидир? Мактаб хизматчиси ёки касби тақозосига кўра район ва областдаги бирон корхонада ишлар. Балки, колхоз бор ерини оилавий пудратга бериб, унга ер тегмагандир. Энди шунинг учун қишлоқ одамларини табақага ажратиш керакми?

Тўғри, 30-40 йил муқаддам мана шундай табақага ажратиш мавжуд эди. Ҳатто қишлоқ одамларига бошқа жойга кетиб қолмасин, деб паспорт ҳам берилмасди. Деҳқон боласи бирор жойга ўқишга борадиган бўлса, паспорт эмас, справка бериларди.

Гарчи, кейинги ўн-ўн беш йил ичида бу тартиб бекор этилган бўлса-да жумҳуриятдаги ишчилар синфининг шаклланишига зиён етказмай қолмади. Бугун республиканинг йирик шаҳарларидаги ишчилар синфи орасида ўзбек халқи вакиллари, туб жой аҳоли озчиликни ташкил этишининг сабаблари мана шу сталинча тутуриқсиз сиёсатга бориб тақалади. Шуниси таажжубланарлики, Россия қишлоқларининг ҳувиллаб қолиш даври ҳам, ўша қишлоқлар аҳолисининг Ўрта Осиё саноат шаҳарларига келиб ишга жойлашишлари, эмин-эркин уй-жой олишлари ҳам айни шу кезларга тўғри келади. Бугун биз Марказий Россиянинг ўша йиллари ҳувиллаб қолган қишлоқларига— Ноқоратупроқ ўлка, Киров ва Чита областларига аҳоли тиғиз яшаётган ўзбек қишлоқларининг одамлари кўчиб бориши учун турли рағбатлантириш йўлларини ишга солаётирмиз.

Ўшанда ўзбек қишлоғига, унинг одамларига муносабат паспорт режими орқали тартибга солинган бўлса, республиканинг саноат шаҳарларидаги янги корхоналарни ишчилар билан таъминлаш Марказий Россиядан одамларни бу корхоналарга ташкилий равишда кўчириб келтириш йўли билан ҳал этилган. Йўлини топиб қишлоқдан кетганнинг ёхуд қишлоқда яшаб туриб ҳам ишчи-хизматчи сафига ўтганнинг томорқаси қирқилган. Хўш, бу нима, колхозчининг мартабасини оширишми ёки ишчи-хизматчи сафига ўтган, зиёли бўлиб етишган одамнинг ҳуқуқини камситишми? Аҳоли миграциясини регионал миқёсларда бу хил сунъий бошқаришдан кўзланган мақсад нима эди? Умид қиламизки, қайта қуриш бундай жумбоқларга ҳам жавоб топади.

Бутун бир мамлакатни иқтисодий таназзулга олиб келган ўша тутуриқсиз сиёсат афсуски ҳали ҳам тўла барҳам топмаган экан. Наҳотки, биз одамларни табақага ажратишни бугунги қайта қуриш йилларида ҳам бекор қилолмасак? Эҳтимол, бугун баъзи жойларда ер етишмаётган экан, аммо ўша бемаъни тартиб жорий этилган пайтда ер беҳисоб эди-ку! У бутун мамлакатни боқиб ўз қорнини тўйдиролмаётган, эртадан кечгача қора терга ботиб меҳнат қилиб ҳам арзимаган ҳақ олаётган деҳқоннинг қишлоқдан бош олиб чиқиб кетишига қарши қўйилган тушовларнинг мингтасидан биттаси эди-ку! Нега, биз бугун буни англамаяпмиз? Нега, ҳамон колхозчига бир хил, ишчию зиёлига иккинчи хил ўлчов қўяётирмиз. Ахир уларнинг ҳар иккиси ҳам бир ватаннинг фарзанди-ку.

ТОМОРҚА МЕЪЁРИ ҚАНЧА? Бу савол бугун ҳаммани ўйлантирмоқда. Чунки Иттифоқнинг турли жумҳуриятларида унинг ўлчови ҳар хил. Энг ками Ўзбекистонда эди. Жумҳурият партия-ҳукуматининг шу масалага доир яқинда қабул қилган қарорида қишлоқда яшовчи ҳар бир оилага 25 сотихгача ер ажратиб бериш масаласи илгари сурилди. Бу ўртача меъёр. Яъни: колхозларнинг Намунавий Уставида колхозчиларга ажратиб бериладиган томорқа миқдорини колхознинг умумий мажлиси ва правление ҳал қилади, дейилган. Демак, ўз ер шароитига қараб колхоз умумий мажлиси томорқани 25 ҳам, 20 ҳам қилиб белгилаши мумкин. Фарғонадаги аксарият хўжаликлар эса 13 сотихдан қилиб белгилабди. Агар шундан ошиб кетса колхозга ер қолмас экан. Хўш, қолмаса нима қипти?

— Э, унда колхоз давлат планини қандай бажаради? — деб таажжубга тушишади айрим раҳбарлар.

— Одамлар томорқасида етиштирган маҳсулот билан мева-чева топшириб бажаради, — деймиз биз.

— Э, унда колхознинг нима кераги бор?

— Ҳа, баъзи жойларда кераги қолмайди.

Шунда суҳбатдошингизнинг юз-кўзига тикилинг. Ваҳима ва ҳадикни сезяпсизми? Йўқ, баъзи иқтисоди ночор, ери кичикроқ колхозларни тугатиб ёки каттароғига қўшиб юборса ҳам осмон узилиб ерга тушмаслигини тасаввур этмаганидан эмас. Балки, раҳбарлик курсисидан ажралиб қолишидан ваҳимага тушаётган бўлади. Ҳа, минг-минглаб фидойи, элбоши, ишбоши, халққа чинакам ғамхўр раҳбарларимиз орасида мансаб бандалари ҳам тўлиб-тошиб ётибди. Деҳқонга ер беришга қаршилик қилаётганлар, унинг майдонини иложи борича камроқ қилиб белгилашга уриниб ётганлар, колхозчига бир хил хизматчи-ю, зиёлига бошқа хил томорқа майдони ўлчаб бераётганлар мана шулар.

Бугун Ўзбекистонда бир миллионга яқин аҳоли беиш. Томорқани кенгайтириш эса бу муаммони ҳал этишда муҳим социал омил сифатида эътироф этилмоқда. Чунки, томорқа олганлар уй қуришга тушади. Бу ҳам ишчи кучига эҳтиёж ошади деган гап. Уй-жой қурилиши кенгайса, қурилиш материалларининг тахчиллиги ҳозиргидан ҳам бир неча баробар ошади. Демак, маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарини кенгайтириш лозим бўлади. Одамлар иш билан таъминланади, қурилиш материаллари кўпаяди. Ниҳоят, ўзбек деҳқони, унинг сиймосида ўзбек халқи одам уяладиган қиёфадаги япасқи-юпасқи уй-жойларидан халос бўлади. Бу фактнинг яна бошқа бир жиҳатига эътибор беринг. Шу чоққача бизнинг жумҳуриятимиз аҳоли жон бошига тўғри келадиган озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти бўйича Иттифоқдаги энг кам таъминланган жумҳурият бўлиб қолаётганининг сабаби ҳам аслида асосий майдонларимиз пахта билан банд бўлиб, оқибатда аҳолининг томорқа майдонлари ҳам бошқа республикалардагига қараганда кам қилиб белгиланганига келиб тақалмоқда. Кўряпсизми, ўртада қанчалик боғлиқлик борлигини. Шундай бўла туриб биздаги айрим маҳаллий раҳбарлар томорқани кенгайтириш моҳиятини тушуниб етмаяптилар.

Энди ўлчов ҳақида. Куни кеча академик М. Муҳаммаджонов бир қизиқ фактга эътиборимизни тортди. Марказий Фарғонанинг кўп йиллар муқаддам ўзлаштирилган қўриқ ерлари тупроқ шароитининг ёмонлигидан самарали фойдаланилмаётган экан. У ерда пахта ҳосилдорлиги ниҳоятда паст, ўзини оқламайдиган даражада. Фарғонанинг аҳоли тиғиз жойларида истиқомат қилувчилар орасида агар мана шу жойлардан кўпроқ томорқа берилса ўша ерга кўчиб чиқиб, уй қуриб, ватан тутиб яшаш истагини билдираётганлар ҳам кўп экан.

Шундай экан, андазаларни бузиб, бундай жойларда ҳам 13 ёки 25 сотихдан эмас, аҳолининг талабига, имконига, ташаббусига қараб 30—40 сотихдан ер бермоқ жоиз эмасми? Нафақат Марказий Фарғонада, Мирзачўл, Қарши, Сурхон-Шеробод, Бухоро чўлларида ҳам бунга эҳтиёж бор. Чўлу биёбонларнинг мураккаб шароитларида деҳқончилик қилаётган одамларни каталак уйлару тор томорқаларга сиқиб қўйишлар ўзини оқламади. Бугун ўша хатоларни тузатиш пайти келди.

ДЕҲҚОН УЙ ҚУРМОҚЧИ... Муаммо фақат уй-жой қуриш учун ҳам ер етмаётганлигининг ўзидагина эмас. Ундан ҳам катта муаммолар бир амаллаб ер олингач бошланади. Аслида ҳеч бир жойда ўзбек қишлоғидек ивирсиб ётган қишлоқ йўқ. Нега шундай? Колхозчининг уйини кўздан кечиринг. Нари-бери лойсувоқдан чиққан икки уй, бир даҳлиз, бўлса айвони бор, бўлмаса у ҳам йўқ. Ҳовлини қинғир-қийшиқ молхона, сомонхона, ўтинхона, тандирхона эгаллаб ётибди. Ер етишмайдию, аммо томорқанинг каттагина қисми чор-ночор қурилган ёрдамчи биноларга тўлиб-тошган. Шоир дўстим Юсуф Жумаев айтганидек, деҳқон бундай кулбаларнинг бир чеккасини ямаб-яскагунча унинг иккинчи томони аллақачон шўртанглаб кетган бўлади. Бунинг сабаби аён: деҳқоннинг дурустроқ уй қуришга қўли қисқалик қилади. Ўнлаб меъморчилик институтлари қишлоқ аҳлига таклиф этаётган лойиҳаларни рўёбга чиқариш эса фантазия дейсиз! Сабаби бундай уйларнинг энг арзони 20 мингдан 40 минг сўмгача туради. Боз устига уларнинг бирортаси ҳам қишлоқ меҳнаткашининг турмуш тарзига мос эмас.

Самарқанддек қадимий меъморчилик марказида Архитектура институти, Тошкентда эса Ўзбекистон қишлоқ қурилишини лойиҳалаш институти, унинг областлардаги ўнлаб филиаллари, яна турли лойиҳалаш муассасалари бўла туриб, шу кунгача ўзбек деҳқонининг қурби етадиган, маҳаллий шароитга ҳар жиҳатдан мос бирорта лойиҳа халқ томонидан тан олингани йўқ. Ҳалиям, асрлар синовидан ўтган анъаналар бор экан, деҳқоннинг қора кунига шу яраб турибди. Ўзбек халқининг асосий қисми қишлоқда яшаётганини, уларнинг маданий турмуши ҳаётий эҳтиёжларга мос меъморий лойиҳаларга ҳам боғлиқлигини ҳисобга олайлик.

Яқинда Арманистонда бўлишга тўғри келди. Ўнлаб қишлоқларнинг қиёфаси билан танишдим: аксарият уйлар 2—3 қаватли. Шундай бежирим уйларки, кўрган кўз қувонади. Уларнинг эгаси ҳам бизда тасаввур этишганидек, қандайдир ошхонанинг ёки кооперативнинг раиси эмас, боғбон ёки оддий ишчи бўлиб чиқади. Бизнинг гектаридан 40—50 центнерлаб хирмон уядиган номи улуғ пахтакоримиз бундай уйнинг ярмини ҳам тиклолмайди. Эҳтимол, гап қаватлардагина эмасдир. Аммо тан олиш керакки, бу хилдаги обод уйлар ерни тежайди. Тежалган ерда эса нознеъмат битади.

Бизнинг ўзбек деҳқонимиз ҳам ноумид эмас. Унинг ўзи бўлмаса боласи шундай обод уйларни орзу қилади. Аммо у уйини ерни тежайдиган ва ободроқ қилиб, қаватига қават қўшиб қуриши учун бундай уйсозлик тажрибаси бизда ҳам кенгроқ ёйилиши керак. Энг муҳими, «Мана, мен қишлоқ меъмориман» дея оладиган бирор мард архитектор чиқиб, анъанавий ва замонавий меъморчилик услубларини уйғунлаштирган ҳолда маҳаллий қурилиш материалларидан ҳам тикласа бўладиган уйларнинг лойиҳасини яратиб бериши лозим. Умуман, Меъморлар уюшмаси турғунликдан уйғониб қишлоқ ҳаётига юз бурмоғи керак. Демоқчиманки, худди Карпаторти ёки Болтиқбўйида бўлгани сингари замонавий қишлоқбоп уйларнинг лойиҳа-андозалари бизнинг ҳам истаган газета дўконларимизда сотиладиган бўлса! Ҳар ким хоҳлаган лойиҳасини танлаб оладиган бўлсин. Айтайлик, оддий пахсадан бир қаватли қилиб қуриладиган бежирим уйнинг чизмасидан тортиб (қадимий Хоразмнинг шу кунгача сақланиб келаётган бинокорлик услублари замонавий меъморлар учун жуда катта манба бўлиб хизмат қилган бўлур эди) каттароқ оилаларга мўлжалланган — ота-болалар ёки ака-укалар биргалашиб қуриши мумкин бўлган 2—3 қаватли уйларнинг лойиҳасигача бўлсин. Деҳқон юз хил лойиҳа ичидан ўзининг қурби етадиганини танлаб олсин!

КОЛХОЗЧИНИНГ МОЛИ ҚАЕРДА ЎТЛАЙДИ? Уч-тўрт йил муқаддам газетхонларнинг шу мазмундаги мактуби муносабати билан редакция собиқ Қишлоқ хўжалиги министрлигидаги масъул ўртоқларга мурожаат қилган эди. Министрлик бошқарма бошлиғи Л. Жайнақбоеванинг жавоби газетада эълон ҳам қилинган эди. Унда таъкидланишича, «СССР ва иттифоқдош республикаларнинг ер қонунчилиги асосларида қишлоқ жойларида истиқомат қилувчиларга шахсий молларни боқиш ва ем-хашак ғамлаш учун ер ажратиш кўзда тутилган. Мол боқиш учун совхозлар, колхозлар, бошқа қишлоқ хўжалик корхона ва ташкилотларига қарашли ерлар ҳисобидан белгиланган тартибда ер ажратилади... Колхозларнинг правлениелари ўз аъзоларига мол боқиш, унга ветеринария хизмати кўрсатиш, шунингдек, молларни ем-хашак ва яйлов билан таъминлашда ёрдам бериши зарур».

Аммо бу нарса ҳамон қоғозда қолмоқда!

Фарғона вилоятининг Бағдод район ижроия комитети раиси Набижон Назаров райондаги 73 қишлоқ аҳолисининг қорамоллари учун ноябрь-декабрь ойидан бошлаб ҳар бир қишлоқда икки гектардан ер ажратилаётганини айтди. Албатта, ҳар қишлоқда аҳолининг камида 200—300 бош моли бўлишини ҳисобга олсак, бу икки гектарнинг мол туёғи остида тўзони осмонга чиқиши ҳеч гап эмас. Аммо шуни ҳам тан олиш керакки, район раҳбарияти кейинги 15—20 йил ичида йўл қўйилган хатоларни ўнглаш йўлини тутяпти. Шахсий моллар ўтлайдиган арзимас ерлар ҳам пахтага бўшатиб берилиб, қишлоқ аҳлининг молини подага ҳайдаб боқиш бутунлай барҳам топганлиги кечирилмас гумроҳлик эканлигига иқрор бўлаётирлар. Бу қадамни фақат табриклаш керак. Унинг кенг қулоч ёйишига, қишлоқ аҳлининг подаси тикланишига зарур шарт-шароит яратиш, имкониятга қараб, иложи бўлса, ҳар бир қишлоқда 2 гектардан эмас, 20—30 гектардан ер ажратиш керак.

Биз шу чоққача фақат бунинг тескарисини қилиб келдик. Оқибат аёнки, жумҳурият аҳолиси гўшт-сут билан медицина нормасининг ярми даражасида ҳам таъминланмайдиган бўлди. Бозорда гўштнинг нархи уч баробар ошди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумида айтиб ўтилганидек, аҳолининг 45 проценти ойига 75 сўмдан ҳам кам ҳақ олаётган бўлса, бундай қиммат нархда гўшт сотиб олиб ейишга кимнинг қурби етади?

Таниқли физиолог олим Бекжон Тошмуҳамедов аёллар ўртасида ғоят хатарли даражада кенг тарқалган камқонлилик ва унинг асорати оқ[illegible]тида келиб чиқаётган болалар ўлимини бир[illegible] навбатда гўшт-сут тахчиллиги, ҳайвонот оқсиллари мувозанати бузилганлиги билан боғламоқда. Бинобарин, қишлоқ аҳлининг подасини тиклаш эътиборсиз ташлаб қўйиладиган масала эмас. Болтиқбўйи аҳолиси йилига жон бошига 81 килограммдан гўшт истеъмол қилади. Чунки Болтиқбўйида ҳам, Украина, Молдавия, Россия қишлоқларида ҳам аҳоли моллари ўрмонлардан ажратилган махсус жойларда ўтлайди. Деҳқон ўрмондан берилган ерда пичан ўради. Биз эса Оролдек улкан бир денгизнинг қуришига олиб келган ўнлаб каналлар чиқариб, ярим миллионлаб қўй-қўзилар суруви, от-туялар уюри кезиб юрган чўлларни ўзлаштириб, ўша уюрлар ва сурувларни қийратиб пахта экдик. Яна деҳқонни ҳайҳотдай чўлдаги пахтазорнинг орасига «қамаб» мана сенга етади, деб, 8 сотихдан томорқа бердик. Фарғона водийсини-ку қўя турайлик. Қарши, Сурхон-Шеробод, Мирзачўл, Жиззах, Элликқалъа сингари янги массивларнинг гугурт нусха қишлоқларида эл подаси ўтлайдиган дала у ёқда турсин, ҳатто бир бош мол асрагани шароит қолдирмадик. Бугун аҳолининг 37 процентида умуман сигир йўқлиги мана шу «сиёсат» билан боғлиқ эмасмикан? Хўш, қолган 63 процент аҳоли қандай қилиб сигир боқяпти денг? Бу саволга яна ўша янгидан ўзлаштирилган ерларнинг қиёфасига назар ташлаб жавоб топасиз. Бундай жойлардаги сигири бор одамлар томорқасига мева-чева, сабзавот экмайди. Фақат беда билан жўхори экади, сигирнинг томоғига деб. Оиланинг бола-чақаси эса хўжаликда пода ўтлайдиган жой йўқлигидан мактабни чала ўқиб, уззу-кун эшак миниб далага чопади: ё зовурга тушиб қамиш ўради ёки пахтанинг орасидаги заҳарли дорига тўйган ўтни юлиб келиб сигирига беради. Ўша заҳарнинг бир қисмини ўзи ҳам ичади.

Ҳа, деҳқон оиласи мана шундай бир амаллаб, жонини жабборга бериб, бир сигирни боқади, сут ичади. Аммо мева-чевага, сабзавот-полизга кўзи ҳам тўймайди. Ўзбекистон ширин-шакар мева-чева-ю сархил сабзавотнинг асрий ватани бўла туриб, унинг аҳолиси бу неъматларни ҳам Иттифоқ даражасидагидан, тиббий нормалардан анча кам истеъмол қилади. Сабаби аён: қишлоқ меҳнаткаши ё сут ичади, ё мева-чева ейди. Иккаласига ҳам бирдай оғзи тегмайди.

Натижа-ку, шундай экан, ўша ўнлаб дашту чўлларни ўзлаштиришдан мақсад нима эди? 60-йилларда, айтайлик, Қарши чўлини ўзлаштириш режасини тузган ва уни амалга оширганларнинг нияти инқилобдан аввал Николай пошшо манфаатларини кўзлаб Қарши даштига сув чиқаришнинг ўнлаб режаларини тузган Петров ва Бекович сингари инженерларнинг мақсадларидан нима билан фарқ қилади? Жавоб топишга қийналасиз... Ниҳоясиз чеклаш-чегаралашларга гирифтор этилган деҳқон ҳаётини мушоҳада этиб таниқли публицист Василий Селюниннинг «Ибтидолар» асаридаги ушбу сўзлар ёдга тушади: «Наҳотки, қон тўкиб қўлга киритилган инқилобдан мақсад фақат деҳқон деб аталмиш фидойи халқни минг азоб ва асоратга, қулликка солишдан иборат бўлган бўлса! Наҳотки, биз инқилобни шу мақсадда амалга оширган бўлсак?»

Биз халқнинг етиштириб берадиган пахтасига кўз тикибмизу, аммо унинг ўзини инсон сифатида, халқ сифатида кўрмабмиз. Ахир бу одамлар социалистик жамиятнинг Ленин рўёбга чиқарган улуғ инқилобдан баҳраманд тенг ҳуқуқли аъзоларимиди ёки пахта қуллари?

Ниҳоят, энди қайта қуриш бу саволларга жавоб топмоқда. Бугун келиб билдикки, бизнинг маънавий-маданий даражамиз, жаҳон халқлари орасидаги камолу-иқболимиз қадди букик чоллару олти ёшли болаларнинг ҳам қўлига этак тутқазиб уюладиган осмонўпар пахта хирмонларига эмас, балки элнинг сиҳатлиги, дастурхони тўкинлиги, шод-хуррамлигига боғлиқ экан. Таниқли рус ёзувчиси Сергей Залигин айтганидек: бу одамлар на сиз билан биздан, на социализмдан ҳеч нарса сўраётгани йўқ. Улар фақат бизни ўз ҳолимизга қўйинглар, ҳеч бўлмаса ота-боболаримиз яшаганидек кун кечирайлик, дейишмоқда. Йўқ, улар олис Читаю Ноқоратупроқ ўлкаларда эмас, ўзимизнинг она Фарғонада, сўлим Хоразмда бахтли бўлишни, одамга ўхшаб кун кечиришни истайдилар. Одамлари ёғли жойларни кўзлаб ташлаб кетган, ҳувиллаб қолган ўлкаларни эмас, оталари, боболари юртини обод қилишни истайдилар.

...НИҲОЯТ, БОСИРИҚ уйқудан, ғафлатдан уйғона бошладик. Кўзимизни очиб қарасак, оғир дардга йўлиққан эканмиз. Осмонга қарайвериб оёғимиз тагини, бизни кўтариб турган заминни, таянч нуқтамизни унутиб қўйибмиз. Минг шукурки, бугун бу дарддан фориғ бўлиш, уни даволаш йўлини тутдик. Лекин огоҳ бўлайлик: дарддан чинакам фориғ бўлмоқ учун муолажа ҳам чала бўлмаслиги керак. Чала муолажа — тузатиб бўлмас оғир асоратларга гирифтор этади!

ЛОЙИҲА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг ДАВЛАТ ТИЛИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ўзбекларнинг тарихий Ватанидир. Республика шу миллат номи билан аталади. Ўзбекистон ўзбек миллатининг асосий қисми яшайдиган, асрлар давомида ривожланиб келаётган ўзбек (туркий) тили тўла давлат муҳофазасига олиниши лозим бўлган республикадир.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат тили тўғрисидаги ушбу Қонун республика заминида (ҚҚАССР бундан мустасно) ўзбек тилини давлат тили сифатида расман қўллашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради. Қорақалпоғистон АССР ўз заминида тилга оид барча масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон ССР гражданлари, қайси тил уларнинг она тили эканлигидан қатъи назар, тенгдирлар.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республикада яшовчи бошқа миллат ва элатларнинг ўз она тилларини қўллашдан иборат конституцион ҳуқуқларига монелик қилмайди.

Ўзбекистон ССР гражданларнинг республика давлат тилини, СССР халқлари тилларини, чет тилларни ўрганишга бўлган интилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Ушбу Қонун норасмий муомалада, ҳарбий қисмларда ва диний маросимларда қўлланадиган тилларга тадбиқ этилмайди.

1-модда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон ССР ўзбек тилини бутун чоралар билан ривожлантиради, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида тўлиқ қўллашни таъминлайди.

2-модда. Ўзбек тили ўзбек халқининг маънавий мулкидир. Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тараққиёти, қўлланиши ва муҳофазасини ҳар томонлама таъминлашга оид барча масалалар Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ваколат доирасига киради.

Ўзбекистон ССР мустақил ва тенг ҳуқуқли республика сифатида ўз заминида тилга оид ҳар қандай масалани ҳал қилиш ҳуқуқига эга.

3-модда. Ўзбекистон ССР ўз территориясида яшовчи барча миллат ва элат тилларининг ҳурмат қилинишини таъминлайди ҳамда бу тилларнинг ривожланишига шароит яратади.

Ўзбекистон ССР ўз территориясида рус тилидан СССР халқлари ўртасида муомала тили сифатида эркин фойдаланишни таъминлайди.

Миллатлараро муомала воситаси бўладиган тилни танлаш ихтиёрийдир.

4-модда. Ўзбекистон ССРда яшайдиган ҳар бир шахс давлат ва жамоат идоралари ва ташкилотларига юмуш, таклиф, ариза ҳамда шикоят билан республика давлат тилида мурожаат қилиш ҳамда жавоб олиш ҳуқуқи билан таъминланади. Бошқа мақбул тилда мурожаат қилиш имконияти ҳам чекланмайди.

5-модда. Ўзбекистон ССРда ишловчи давлат ва бошқарув органлари раҳбарлари ўз хизмат вазифаларини бажариш учун етарли даражада республика давлат тилини билиши шарт. Республика давлат тилини билиши уларнинг лавозимга тавсия қилиниши ва тайинланишида ҳисобга олинади.

Хизмат вазифасига кўра аҳоли билан муомала қиладиган шахслар ўз вазифаларини бажариш учун етарли даражада республика давлат тилини билиши лозим.

Ўзбекистон ССР республиканинг ўзбек тилини билмайдиган гражданларига ўз хизмат вазифасини бажариш учун етарли даражада ўзбек тилини бепул ўргатиш ва ўқитишни таъминлайди.

6-модда. Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятида, съезд, пленум, қурултой, сессия, конференция, мажлис ва бошқа кенгашлар, меҳнат коллективларининг турли йиғинларида қўлланадиган тил республикада давлат тилидир.

Айрим миллат вакиллари кўпчилик бўлиб яшайдиган жойларда йиғилиш республика давлат тили билан бирга мажлис аҳли танлаган тилда ҳам олиб борилади.

Республика доирасида ўтказиладиган халқаро, Умумиттифоқ ва республикалараро симпозиумлар, конференциялар, кенгашлар ва йиғинларда республика давлат тили ва мажлис аҳли танлаган тил қўлланади.

Йиғин иштирокчилари истаган тилда сўзга чиқишлари мумкин; уларнинг нутқлари имконият доирасида йиғилишнинг иш тилига таржима қилинади.

7-модда. Ўзбекистон ССР олий давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қонун, фармойиш ва бошқа ҳужжатлари республика давлат тилида тузилади, қабул қилинади ва эълон этилади. Расмий нашрларда уларнинг рус, қорақалпоқ, тожик, қозоқ ва бошқа тиллардаги таржимаси берилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ҳужжатлари республика давлат тилида тузилади, қабул қилинади ва эълон этилади. Муайян миллат вакиллари уюшиб яшайдиган жойларда маҳаллий аҳамиятга молик ҳужжатлар республика давлат тилида ва мазкур тилларда қабул қилинади ва эълон этилади.

8-модда. Ўзбекистон ССРда муассаса, корхона, ташкилот ва уюшмаларда иш юритиш республика давлат тилида олиб борилади.

Меҳнат аҳлининг кўпчилиги ўзбек тилини билмайдиган корхона, муассаса, ташкилот ва уюшмаларда иш юритиш республика давлат тили билан бир қаторда рус тилида ёки бошқа тилда ҳам олиб борилиши мумкин. Ушбу корхоналарнинг раҳбарлари ўз хизмат вазифаларини бажариш учун етарли даражада республика давлат тилини билишлари шарт. Бундай корхоналарнинг рўйхати район, шаҳар Советларининг таклифларига биноан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан белгиланади.

Умумиттифоқ тасарруфидаги корхоналарда иш юритиш республика давлат тили билан бирга рус тилида олиб борилади.

9-модда. Ўзбекистон ССРдаги корхона, муассаса ва ташкилотларда ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари республика давлат тилида, зарур ҳолларда рус тилида тайёрланади, республикадан ташқарига жўнатиладиган ҳисобот ва молия ҳужжатлари эса рус тилида ёки тегишли томонга мақбул тилда ёзилади.

10-модда. Ўзбекистон ССРда техник-лойиҳа ҳужжатлари республика давлат тилида тайёрланади. Буюртмачининг таклифига кўра республика давлат тили билан бирга рус тили ва бошқа тилларда тайёрланиши мумкин. Республика ташқарисидан келтирилган техник-лойиҳа ҳужжатлари асл нусха тилида қўлланиши мумкин.

11-модда. Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқарув ташкилотлари умумиттифоқ ташкилотлари билан муносабатда республика давлат тилини ва рус тилини қўллайдилар. Иттифоқдош ва автоном республикалар, хорижий давлатлар билан бўладиган муносабатларда республика давлат тили ёки томонлар учун мақбул тил қўлланади.

12-модда. Ўзбекистон ССРда судлов ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки ўша жойдаги кўпчилик аҳоли тилида олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни судда қатнашувчи кишилар билмаган тақдирда бу кишилар учун таржимон орқали ишга оид материаллар билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Ўзбекистон ССР давлат ҳакамлиги (арбитраж) маҳкамаларида муассаса, корхона, ташкилот ва уюшмалар ўртасидаги хўжалик низоларини кўриб чиқиш, ҳал қилишда республика давлат тили қўлланади, зарурат бўлганда рус тили қўлланиши мумкин. Ўзбекистон ССР ва бошқа республикалар муассасалари, корхона ва ташкилотлари ўртасидаги хўжалик низоларини кўриб чиқиш, ҳал қилишда рус тили ёки томонлар учун мақбул тил қўлланади.

13-модда. Ўзбекистон ССР давлат нотариал идораларида, халқ депутатлари шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетларида нотариал ишлар республика давлат тилида юритилади. Мурожаат этувчи шахс талабига кўра, расмийлаштирилаётган ҳужжатлар матни давлат нотариуси томонидан ёки нотариал ишни бажараётган бошқа мансабдор шахс томонидан рус тилига ёки имконият доирасида унга мақбул тилга таржима қилиб берилади.

14-модда. Ўзбекистон ССРда гражданлик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатлар ҳамда турли шаҳодатномалар республика давлат тилида ёзилади ва русча таржимаси такрорланади.

15-модда. Ўзбекистон ССР гражданларига ўқишда тилни эркин танлаш ҳуқуқи берилади.

Ўзбекистон ССР республиканинг ҳамма ерида республика давлат тилида умумий ўрта маълумот олишни таъминлайди. Шунингдек талаб, эҳтиёж ва имкониятга кўра гражданларнинг рус, тожик, қозоқ, туркман, қирғиз ва уюшиб яшовчи бошқа миллатлар тилида ҳам умумий ўрта маълумот олиш ҳуқуқини эътироф этади.

Ўзбекистон ССР республиканинг ҳамма ерида ўзбек тилидаги мактабгача тарбия муассасалари очишни таъминлайди.

16-модда. Ўзбекистон ССРнинг ҳунар-техника билим юртларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида, улар қайси министрлик ва маҳкама тасарруфида бўлишидан қатъи назар республика давлат тилида барча ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрлаш таъминланади. Зарур ҳолларда ўқиш рус тилида ва тегишли шароитлар мавжуд бўлган жойларда бошқа тилда ҳам олиб борилади.

Ўзбекистон ССРда ўзбек тилида мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш таъминланади. Зарур ҳолларда бошқа тилларда ҳам мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ташкил этилади.

17-модда. Ўзбекистон ССР дарслар ўзбек тилида ўтилмайдиган умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртларининг ҳамда ўрта-махсус ва олий ўқув юртларининг дарслар ўзбек тилида ўтилмайдиган бўлим ва группаларида ўзбек тилини ўқув планининг асосий фанларидан бири сифатида ўрганишни таъминлайди, бу фандан битирув имтиҳони топширилади.

Ўзбекистон ССР дарслар рус тилида ўтилмайдиган умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртларида, ўрта-махсус ва олий ўқув юртларида рус тилини ўқув планининг асосий фанларидан бири сифатида ўрганишни таъминлайди. Бу фандан битирув имтиҳони топширилади.

Республикадаги барча ўқув юртларида Ўзбекистон тарихини ўқитиш таъминланади.

18-модда. Ўзбекистон ССР араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувини ўзбек умумий таълим мактабларида ва ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг дарслар ўзбек тилида олиб бориладиган бўлимларида ўқув плани фанларидан бири сифатида ўқитишни таъминлайди ҳамда бу ёзувни ўрганишни истайдиганларга ҳар томонлама имконият яратади. Бунинг учун тегишли илмий-педагог кадрлар ва дарслик ҳамда методик ўқув қўлланмалари тайёрланади, эски ўзбек ёзувида тарихий, адабий манбалар, китоблар, газета ва журналлар нашр этилади.

19-модда. Ўзбекистон ССР республика давлат тилида дарсликлар, ўқув-методик ва илмий-техник адабиётлар яратиш ва нашр этишни таъминлайди.

Ўзбекистон ССР бошқа республикалар билан муайян шартномалар тузган ёки келишган ҳолда республикада яшаётган руслар, тожиклар, қозоқлар ва бошқа миллат вакиллари учун мазкур миллат тилида ўқув-методик, бадиий ва илмий-техник адабиётлар келтиришни йўлга қўяди. Шунингдек қардош республикаларда яшаётган ўзбекларни ўзбек тилидаги ўқув-методик, бадиий ва илмий-техник адабиётлар билан таъминлайди, республикадан ташқарида ҳам ўзбек тилини асраш ва ривожлантиришга, маориф ва маданиятни тараққий эттиришга ёрдам беради.

20-модда. Ўзбекистон ССР илм- фаннинг ҳамма соҳаларини республика давлат тилида ривожлантириш учун лозим бўлган барча шарт-шароитни яратиб беради. Республикада илмий ишни республика давлат тилида тақдим этиш, ҳимоя қилиш ва нашр этиш ҳуқуқи таъминланади. Шу билан бирга республикада илмий асарларнинг эҳтиёж ва имкониятга қараб рус, қорақалпоқ, тожик, қозоқ ва бошқа тилларда ёзилиши, нашр этилиши ва ҳимояга қўйилиши мумкин.

21-модда. Ўзбекистон ССРда ўзбек халқининг асрлар давомида таркиб топган илмфан тилини тиклаш, тараққий эттириш ва такомиллаштириш учун ўзбек тилида илмий-техник ҳамда ижтимоий-сиёсий атамаларни яратиш таъминланади.

Ўзбек халқининг ижтимоий, иқтисодий, адабий, маданий ва илмий меросининг ўрганилиши, асл нусхада тўлиқ нашр этилиши ҳамда оммалаштирилиши таъминланади.

22-модда. Ўзбекистон ССРда чиқадиган барча турдаги китоблар, газета ва журналлар, даврий хабарномалар (бюллетенлар) асосан республика давлат тилида нашр қилинади. Талаб ва имкониятларга қараб нашрларнинг рус тили ва бошқа тилларда ҳам чиқарилиши учун шароит яратилади.

Телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришлари республика давлат тилида тайёрланади ва олиб борилади. Республика телевидениеси ва радиоси кўрсатув ва эшиттиришни белгили вақтларда республикада кўпчилик бўлиб яшаётган миллат вакиллари тилида ҳам олиб борилишини таъминлайди. Радио ва телевиденеда хабар ва маълумотлар талаб даражасида рус тилида ҳам бериб борилади.

Умумиттифоқ телевидение ва радиоси кўрсатув ва эшиттиришларини маълум каналларда олиб бериш таъминланади.

23-модда. Ўзбекистон ССР барча турдаги сценарийлар, фильмларни ва бошқа томошабоп асарларни ўзбек тилида яратишни таъминлайди. Зарурат бўлганда улар бошқа тилларга таржима қилиниши мумкин. СССРнинг бошқа республикаларидан ёки чет эллардан келтириладиган барча турдаги мақбул фильмлар, саҳна асарлари ва бошқа томошабоп асарларнинг ўзбек тилидаги таржимаси кенг йўлга қўйилади.

24-модда. Муассаса, корхона, давлат ва жамоат ташкилотларининг расмий муҳрлари, тамғалари (штамплари) ва иш қоғозлари (бланклари)нинг матнлари республика давлат тилида бўлади, русча таржимада такрорланади.

Миллий-маданий жамиятларнинг муҳрлари, тамғалари ва иш қоғозларининг матнлари улар танлаган тилдан ташқари республика давлат тилида бўлиши шарт.

Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмали ахборот воситалари республика давлат тилида ёзилади, оғзаки ахборот ўзбек тилида эълон қилинади. Зарур ҳолларда бошқа тиллардаги таржимаси такрорланади.

Ўзбекистон ССРда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ёрлиқлари, корхона белгилари, улардан фойдаланиш йўриқномалари (инструкциялар) ўзбек тилида битилади, зарур ҳолларда русча таржимаси илова қилинади. Ўзбекистон ССРда ишлаб чиқариладиган барча турдаги товарларга асосан ўзбекча номлар берилади.

Мамлакатнинг бошқа республикаларидан ёки чет эллардан келтирилган маҳсулотни савдо ташкилотлари ёки товар тарқатиш идоралари ўзбек тилида битилган йўриқномалар билан таъминлаши мумкин.

25-модда. Ўзбекистон ССРда почта-телеграф хабарлари гражданларнинг хоҳишига биноан республика давлат тилида ёки рус тилида расмийлаштирилади.

26-модда. Ўзбекистон ССРдаги шаҳарлар, қишлоқлар, майдонлар, кўчалар, бекатлар, тарихий обидалар ва бошқа жўғрофий-территориал ўринларнинг, муассаса, корхона ва ташкилотларнинг номлари ўзбекча ягона миллий шаклда ёзилади.

Ўзбекистон ССРдаги шаҳарлар, қишлоқлар, майдонлар, кўчалар, бекатлар ва бошқа территориал нуқталарга, муассаса, корхона ва ташкилотларга асосан ўзбекча ном берилади.

СССРдаги ва жаҳондаги жўғрофий-территориал номлар ўзбек тилининг хусусиятлари ва миллий-тарихий анъаналарига мувофиқлаштириб олинади.

Ўзбекистон ССРда барча тарихий исмлар ва жой номлари халқнинг миллий бойлиги ҳисобланади, уларнинг дахлсизлиги таъминланади.

27-модда. Ўзбекистон ССР гражданлари миллатидан қатъи назар ўз исмини (бир ёки бир неча), ота исми ва фамилиясини (бир ёки бир неча) тарихий-миллий анъаналарга мувофиқ шаклда ёздириш ҳуқуқига эгадирлар. Исмлар, ота исми ва фамилияларнинг ягона тўғри шакли махсус маълумотномаларда қайд этилади. Ўзбекча исмлар, ота исми ва фамилиялар бошқа тилларда берилганда айни чоқда, дунёдаги бошқа халқларга мансуб кишиларнинг исми, ота исми ва фамилияси ўзбек тилида берилганда, уларнинг асл ёзилиш хусусияти сақланиб қолади.

Исмлар, ота исми ва
милияларни ёзишда
тилининг ифода ва тала
қонуниятларига риоя эб
ди.

28-модда. Ўзбек
ССРда яшовчи тожи
қозоқлар, қирғизлар,
манлар, татарлар, қри
тарлар, уйғурлар, корей
месхети турклари, маҳа
яҳудийлар ва бошқ
миллий-маданий жамия
ва марказлар тузиш ҳуқ
га эга.

Кам сонли миллий гу
лар учун умумий ўрта
табларда ўз она тилини
ганишга шароит яратила

29-модда. Ўзбеки
ССРда республика дав
тилига ва бошқа тилл
менсимай ёки хусумат
лан қараш таъқиқлан
Мансабдор шахслар
республика давлат тил
ёки миллатлараро муом
воситаси бўлган тилни
масликни рўкач қилиб,
лифлар, аризалар ва
коятларни олишдан
уларни кўриб чиқиш
бош тортиши таъқиқла
ди; гражданларнинг таъл
тарбия ва ўқиш тилини
кин танлаш ҳуқуқини ам
га оширишга тўсқинлик
лувчи ҳаракатлар ССР
тифоқи ва Ўзбекистон С
нинг амалдаги қонунл
белгилаган тартибда
вобгарликка тортилади.

30-модда. Ушбу Қону
нинг министрликлар, идо
лар, халқ депутатлари
ветлари ва уларнинг ижро
комитетлари, муассасал
корхоналар ва ташкил
ларда бажарилиши уч
маъсулият бевосита ул
нинг раҳбарлари зиммас
юкланади.

Ушбу Қонунни жор
этиш бўйича тадбирлар
белгилаш ва шунга боғл
бўлган барча харажатл
миқдорини аниқлаш ҳам
йўналтириш Ўзбекистон С
Министрлар Совети томо
дан амалга оширилади.

Ўзбекистон ССРнинг да
лат тили тўғрисидаги Қ
нуннинг бажарилишини н
зорат қилиш Ўзбекист
ССР Олий Совети Президи
ми, Олий Советнинг Тил к
миссияси зиммасига юклан
ди.

31-модда. Ушбу Қону
Ўзбекистон ССР Олий Сов
ти қабул қилган кунд
бошлаб кучга киради
босқичма-босқич жорий эт
лади: 5-, 8-моддалар ўн йи
давомида тўла жорий этил
ди; 6-, 9-моддалар уч йил д
вомида; 18-модда 1990—
ўқув йилидан; 24-мод
1991 йилдан жорий эти
бошлайди. Қолган бар
моддалар Қонун кучга ки
ган кундан бошлаб жор
этилади.

ЧОРЛОВ

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИГА

Қадрли халқ депутатлари!

Маълумки, шу йил октябрь ойининг 20-куни халқимиз тарихида ва тақдирида ғоят муҳим, ҳал қилувчи воқеа содир бўлади. Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдаги сессиясида «Ўзбекистон ССРнинг Конституцияси» (Асосий қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун ва «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисидаги қонуни» лойиҳаси муҳокама этилади.

«Ўзбекистон ССР Конституцияси»нинг янги муқобили шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида ноқонуний тарзда чекланиб қолган ҳақ-ҳуқуқларимизни кенгайтиради, «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси»га мувофиқ тузилади, Ўзбекистон ССР гражданлигини тиклайди деб умид қиламиз ва бу йўлда сизнинг фаолиятингизга муштоқмиз.

Миллий тил равнақи ва мустақиллиги тўғрисида гап бораётган ушбу кунларда таъкидлаб айтмоқчимизки, Конституциямиз соф ўзбек тилида ёзилишини ҳам талаб этмоқ жоиздир. Айни пайтда Ўзбекистон ССР Асосий қонунига ушбундоқ моддалар ҳам киритилиши зарур:

1. «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ўзбек (туркий) тилидир. Ўзбекистон ССР ўз заминида яшовчи барча миллат ва элат тилларининг ҳурмат қилинишини таъминлайди ҳамда бу тилларнинг эркин ривожланишига шароит яратади».

2. «Ер, ер ости бойликлари, сув ва ўрмон, бошқа табиий бойликлар Ўзбекистон ССРнинг бойлиги ва мутлақ мулкидир. Иттифоқ корхоналарининг ушбу бойликлардан фойдаланиши фақат Ўзбекистон ҳукуматининг розилиги билан белгиланган ҳақ ва тўловлар эвазига амалга оширилади».

3. «Ўзбекистон жумҳуриятида олий ҳокимият органи ва умумхалқ муҳокамаси (референдум) орқали қабул қилинган қонунларгина амал қилади. СССР Конституцияси жумҳурият Олий Советининг учдан икки қисми тасдиқлагандан сўнггина шу жумҳуриятда кучга киради. Жумҳурият мустақиллигига (суверенитетига) дахл қилувчи СССР Қонунлари Конституцияга зид деб ҳисобланади».

Шахсга сиғиниш ва турғунлик даврида ўз миллатининг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилган киши турли балоларга гирифтор этилгани сир эмас. Ҳозир ҳам баъзан ўша давр қўрқувининг таъсири сезилади, йиғин ва кенгашларда айрим шахслар ўз миллатининг қонуний манфаатини ҳимоя қилишдан қўрқиб, ялтоқланиб, хиёнат йўлига кирадилар. Лекин инқилобий даврнинг талаби ўзгачадир, бу давр ҳар бир кишидан, жумладан, ҳар бир депутатдан ҳам эл-юрт хизматида ҳалол ва собит туришни тақозо этади. Бироқ ўзбек тилини давлат тили деб тайинлашда фақат ўз миллатимиз вакиллари эмас, балки тожик, қозоқ, рус, корейс биродарларимизнинг одил ва маърифатли вакиллари ҳам куюниб, сидқидилдан фаолият кўрсатаётганини биз унутмаслигимиз керак. Ўзбек халқининг шундай байналмилал ёрдамга муҳтожлигини англаган адолатталаб қалбларга юракдан миннатдорлик билдирамиз. Шу билан бирга ўз тақдиримизни ҳал этишда, В. И. Ленин таъкидлаганидек, ўзимиз, яъни тубжой миллат вакиллари янада фаол ва дадил бўлишимиз лозимлигини таъкидлаймиз.

Ўзбек тилини жумҳуриятда рақобатсиз давлат тили қилиш заруратининг муҳим сабабларини такрорламоқ, уларни баъзи мудроқ ва лоқайд кишиларга тағин эслатиб қўймоқ айб эмас. Ўзбек тили давлат ҳокимияти ва давлат бошқарувининг деярли барча идораларидан сиқиб чиқарилди, жумҳурият корхоналари, ташкилот ва жамоат уюшмаларида иш юритиш асосан рус тилида олиб бориладиган бўлди. Демак, ўзбек тилини давлат тили деб белгилаш тадбири бу тилга бирон бир имтиёз бериш ниятида эмас, борйўғи бу тилнинг емирилган мавқеини қайта тиклаш учун, сталинчилик давридан буён қарор топган ижтимоий адолатсизликни бартараф этиш учун қўлланмоқда.

«Миллатлараро муомала тили» дегани оғзаки нутқда табиий жаранглаганга ўхшайди. Лекин бу моҳиятан ўйлаб топилган, сунъий иборадир. Муайян миллат номи билан аталган жумҳуриятда бу ибора ниқобланган иккинчи давлат тили сифатида қонунлашуви адолатдан эмас, албатта. Бу миллий тилни камситишнинг ёки имкониятларини чегаралаб қўйишнинг янгича усули бўлиб чиқиши мумкин. Халқни алдаш йўлидан бормаслик керак ва халқ депутатлари ўзбек тилининг яхлит давлат тили бўлиши учун курашмоқлари керак. Жумҳурият аҳолисининг асосий кўпчилигини ташкил этган миллат тили ўз-ўзидан миллатлараро алоқа воситасидир ва агар бу сунъий иборани мақом сифатида қонунлаштириш зарур бўлса, аввало ўзбек тилини қонунлаштирмоқ адолатдандир. Жумҳурият ҳудудидаги тожик, қозоқ, уйғур, қримтатар, қирғиз, туркман, ҳатто қишлоқлардаги корейс биродарларимиз ўзбек тилини етарли даражада биладилар ва ўзаро суҳбатда шу тилни қўллайдилар.

Жумҳурият давлат ҳокимияти ва давлат бошқарувининг идораларида турли йиғин, кенгаш ва мажлислар асосан рус тилида ўтиши сир эмас ва бу адолатсизликни кўздан яширишнинг ҳеч қандай иложи йўқ. Лекин ноҳақликнинг меҳнаткаш халқ кўзига кўринмас бир шакли ҳам мавжуд. Бу ноҳақлик жумҳурият корхоналари, ташкилот ва муассасаларида **иш юритишнинг** ўзбек тилида деярли олиб борилмаслигидадир. М. С. Горбачев Тошкентга келганида миллий-маҳаллий ишчиларнинг 30 фоиздан ошмаслигини танқид қилган эди. Ошкоралик шарофати билан миллий-маҳаллий кадрларни катта шаҳарлардаги саноат корхоналарига ишга олмаслик тўғрисида яширин кўрсатмалар мавжудлиги фош бўлиб қолди. Бугунги кунда миллий ишчилар тайёрлаш зарурлиги жумҳурият раҳбарияти томонидан эътироф этилмоқда ва тадбирлар белгиланмоқда. Зеро, турли саноат корхоналарида ўзбек тилининг сиқилиб қолгани у ерларда ишлаётган миллий-маҳаллий ишчиларнинг озлиги билан ҳам изоҳланади. Тил борасида бундай корхоналарда ҳозир ҳам баъзи камситишлар бўлаётгани кўпларга маълум. Хуллас, **иш юритиш** аста-секин давлат тилига ўтказилмас экан, бу тилни давлат тили деб белгилаш қуруқ гап бўлиб қолаверади. Бундан ташқари миллий-маҳаллий кадрларни ишга жалб этишда муайян тўсиқлар сақланиб қолаверади. Оқибатда, жумҳуриятда ишсизлар сони янада ортиб, иқтисодий муносабатлар издан чиқиб бораверишн, маҳаллий миллатларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалик ишларида банд бўлиб, уларнинг ижтимоий пассивлиги ўз ҳолича қолавериши мумкин. Бу муаммо ҳам депутатларнинг диққат-эътиборларида бўлмоғи лозим.

Биз узоқ вақт рус тилини пухта эгалламаган шахсларни қарийб миллатчи деб айбланишига йўл қўйиб келдик. Ҳолбуки, айни вақтда шу тупроқда яшай туриб, ўзбек тилини билмаган ва билишни истамаган баъзи қардошларимиз ўзларини байналмилалчи (интернационалист) санаб мағрурландилар. Баъзан қишлоқлардаги оддий колхозчилар ҳам шикоят ёки ариза билан давлат идораларига мурожаат этганда таржимон топиб, пул тўлаб аризасини русчага ўгириб топширишга мажбур бўлгани сир эмас. Барча ташкилотларга ўзбек тилида мурожаат этиш ҳуқуқи тўла тикланмоғи ва таъминланмоғи зарур. Шу билан бирга жумҳуриятда ишлаётган ва ишга қабул қилинадиган барча турдаги раҳбар ходимлар ва хизматчилар ўз вазифаларини тўғри бажаришлари учун зарур бўлган даражада ўзбек тилини билишлари шарт. Ҳожатманд шахсларнинг ўз тарихий юртида шунча ҳақсизлангани етар. Энди ҳозирги катта ва ўрта авлод кўрган хўрликларни янги ва келажак авлод кўрмасин. Бу масалада жиддий кураш олиб бориш халқ депутатларининг виждонига ҳавола.

Иттифоқда баъзи бир жум-

ҳурият халқлари қайта қ
риш шарофати билан ўз т
рихий имлосига қайтмоқд
лар. Яъни миллатларни
тортиб олинган маданий, ма
навий мулки ўзларига қа
тарилмоқда.

Халқнинг ишонган деп
татлари минг-минглаб ад
латталаб кишиларнинг ҳа
ли нидосига қулоқ солишл
ри, қадимги ёзувни халқ т
лаб қилган даражада ма
табларда ҳам ўқув планини
асосий фанларидан бири с
фатида ўқитиш тадбир
нинг қонунлашуви учун к
рашмоқлари лозим. Шу била
бирга, давлат тили тўғрисид
ги қонуннинг эл-юрт талаби
мувофиқ келиши учун хал
депутатлари ақл-закова
тадбир, фаросат ва зийрак
лик билан иш олиб бориш
ларини истар эдик. Халққа
миллатга қоладиган ҳеч ў
мас ёдгорлик — тилдир. Т
риклик белгиси бўлмиш ти
нинг яшаб қолишига ҳисс
қўшган диёнатли инсонларн
халқ ҳеч қачон унутмайди.

Эҳтиром билан:

Усмон АЗИМОВ, Хуршид ДАВРОН, Мирза КЕНЖА
БОЕВ, Зоҳир АЪЛАМ, Аҳмад АЪЗАМ — СССР Ёзувчи
лар уюшмаси аъзолари, Шоди КАРИМОВ — тарих фан
лари доктори, Шавкиддин ЖЎРАЕВ — ТошДУ талабаси
Сандолим ОҚИЛОВ — ишчи, Пирмат ШЕРМУҲАМЕ
ДОВ — филология фанлари доктори, Олим КАРИМО
— техника фанлари доктори, Анвар МАДУМАРОВ —
физика-математика фанлари номзоди, Янгибой АВИЛО
— Тошкент машинасозлик институти талабаси, Бахтиё
ОЧИЛОВ — Тошкент тўқимачилик комбинати инженери

ФИТРАТХОНЛИК КУНЛАРИ

Шу кунларда Бухорода Дзержинский кўчасининг 13-уйи одамлар билан гавжум. Бу уйда инқилобдан кейинги йилларда халқимизнинг суюкли фарзанди, улуғ олим Абдурауф Абдураҳим ўғли Фитрат яшаган ва ижод қилган.

Бухоро адабий жамоатчилиги иштирокида шу уй пештоқига улуғ инсонга ҳурмат рамзи сифатида Абдурауф Фитрат яшаб ижод қилганлигини акс эттирувчи мармар лавҳа ўрнатилди. Лавҳада: «Бу уйда ўзбек ва тожик совет адабиёти асосчиларидан бири, маърифатпарвар муаррих, мусиқашунос, тилшунос, Бухоро халқ инқилоби фаол иштирокчиси, биринчи ўзбек профессори АБДУРАУФ ФИТРАТ (1884 — 1944) яшаган ва ижод этган» деган сўзлар ёзилган.

Лавҳанинг очилиш маросимида бухоролик олим ва ижодкорлар — Т. Аҳмад, Ж. Камол, С. Алиев, Т. Қораев, С. Саидов, О. Сафаров, Қ. Жўраев ўз юртдошлари ҳақида гапирдилар.

Маҳалла аҳли номидан сўзга чиққан республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер Саодат Исматуллаева Фитрат яшаган кўчани унинг номи билан аташни таклиф этди. Маҳалла аҳли бу таклифни бир овоздан маъқуллади.

Мана шундай маданий тадбирлардан яна бири Бухоро давлат педагогика институти чет тиллар ва ўзбек филологияси факультетида бўлиб ўтди. У «Фитрат дарси» деб аталди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси область бўлими ҳамда Бухоро давлат педагогика институти адабиёт кафедраси ҳамкорликда ўтказган «Фитрат дарси»да институт олимлари маърифатпарвар адиб аллома ижоди ҳақида сўз юритдилар.

Фитратхонлик анжуманлари шаҳардаги 34- ўрта мактабда ҳам бўлиб ўтди. Ўқувчиларга тарихнинг ўқилмаган саҳифалари ҳақида маълумотлар берилди. Янги мактабга Абдурауф Фитрат номи берилиши ҳақидаги хушхабарни ўқувчилар қарсаклар билан кутиб олдилар. Бундан кейин ҳар йили сентябрь ойида Бухорода фитратхонлик кунлари анъанавий тарзда ўтказиладиган бўлди.

Д. ЖАББОРОВ

Қозоқ адабиёти кенгашида

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси қозоқ адабиёти кенгаши ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Унга Ўзбекистонда яшаётган 30 дан ортиқ қозоқ ижодкорлари тўпланган. Кенгаш ҳар ойда ўзининг кенгайтирилган йиғинини ўтказиб туришни белгилаб олган. Яқинда бўлиб ўтган йиғинни кенгаш раиси Қолдибек Сейданов очди ва кенгашнинг сўнгги ойда қилган ишлари ҳақида ахборот берди. Нотиқ «Қозоқ адабиёти» газетаси саҳифасида Ўзбекистонда яшаётган қозоқ ижодкорларининг асарлари ёритилаётгани қувончли эканлигини таъкидлади.

Кенгаш йиғилишида ёзувч
Шоғай Шалқаров ҳамда шоир
Нурбиби Умарованинг ижоди
ҳисоботи тингланди. Уларнин
янги асарларидан намунала
ўқилди. Шунингдек, бухоро
лик қозоқ шоири Совет Жо
монқораевнинг туғилганига ол
миш йил тўлиши муносабат
билан ўзи туғилиб ўсган овул
да ижодий кеча ўтказиш бел
гиланди.

И. МИРЗАМАҲМУДОВ

Юртимизда ҳам ҳурлик, эрк шамоллари эса бошлагач, биқиқ ҳаётимизнинг барча жабҳаларидаги сингари, ўзбек публицистикасида ҳам жонланиш сезилмоқда. Газета-журналларимиз саҳифаларида Хуршид Дўстмуҳаммад, Тоҳир Қаҳҳор, Мирза Кенжабоев, Нодир Норматов, Хуршид Даврон, Сирожиддин Саидов, Карим Баҳриев, Нурилла Отахонов каби истеъдодли навқирон адибларнинг давримизнинг муҳим муаммолари таҳлилига доир оташин публицистик мақолалари тез-тез босилмоқда. Умидли ёш публицист Қулман Очилов ҳам ана шу тенгдошлари қатори сидқидилдан ижод қилмоқда.

Уни кўпроқ инсоннинг руҳий дунёси, маънавий олами қизиқтиради. Қулман улуғ донишманд Спинозанинг бир фикрини такрорлашни яхши кўради. Қулни қулликдан қутқазиш учун, деган экан файласуф, унга ҳадеб қулсан деяверган билан у озодликка чиқишга уринмайди. Унга озодлик, ҳурлик нималигини кўрсатиб бериш керак. Шунда у ҳаракатга келади. Умуман, менингча, қаламкашнинг бурчи инсонни ёмон иллатлар қуллигидан озод қилишдир, бунинг учун ижодкор унга комил инсон қандай бўлишини кўрсатишдан иборатдир, дейди Қулман. Унинг ўзи ҳам ижодда худди шу йўлни тутмоқда.

Қулман Очиловнинг «Савоб» очерки яна бир яхши одам ҳақида.

Савоб

Қулман ОЧИЛОВ

ЕКАТДА ТЎХТАГАН автобусдан бир одам тушди. Китоб шаҳар бозори томон оқиб ке- н оломон орасида бир зум тўхтаб, ён-ве- разм солгач, қаршидаги кам-кўримгина би- — банк томон юрди.

ҳеч ким эътибор бермади. Сирасини айт- унинг диққатни ўзига жалб қиладиган сиё- ам йўқ эди. Мабодо, бирор ўткинчи разм қараса, уни узоқ қишлоқдан пойтахтга то- га келган чўпон, нари борса, турмуш таш- ари билан овора бўлиб юрган қишлоқ му- ми бўлса керак, деб ўйлаши мумкин эди. исидаги одамнинг, гарчи у зиёлинамо ки- шга уринган бўлса-да, ташқи кўриниши буни б турарди: сочи тақир қирилган, бошига дўп- аво дим бўлишига қарамай одми, қалин ко- остюмининг ичидан сув ранг кўйлак кийиб, ига аллақачон урфдан қолиб кетган йўғон тук тақиб олган. Қўлида сунъий чармдан ти- ан арзон сумка. Хийла бўртиб чиққан янок- , офтобда қорайган юзини кўриб, кузатувчи- ишончи янада ортади: кенгашми ёки қан- ир мажлисми баҳонасида шаҳарга тушган ҳнат илғорлари»дан. Қаппайиб турган сумка- эса шаҳар магазинларида неча йиллардан сотилмай ётган арзон буюмлар билан тўл- ган — бола-чақага совға...

ммо кузатувчи, ҳар қанча синчков бўлмасин, дай хаёлларга борса, қаттиқ янглишган бўлар- Банк сари йўл олган киши кўринишидан узоқ лоқдан келаётган одми одамга ўхшаса-да, ас- Тошкент дорилфунунининг тажрибали тарих- олими эди. У фақат Ўзбекистонда эмас, балки ё минтақасидаги йирик хорижий мамлакат- да узоқ йиллар ишлаб, кўзи пишган жаҳон- та, беш-олти каломда бемалол тиллаша ола- ан тилмоч. Бунинг устига кузатувчимиз шу да унинг қўлидаги ўша арзон сумкани очиб са эди!..

банкка кирди. Қалин ойна ортида зерикиб рган ходималар сергакландилар.

— Опажон, — деди келгувчи улардан бирига, пича пул топширмоқчи эдим.

— Қанча? — деди ходима ҳафсаласизгина.

— Йигирма минг.

— Қанча?

— Йигирма минг.

— Ҳозир ҳаммаси ёнингиздами?

— Ёнимда, — у сумкасига ишора қилди.

— Камомадингиз бормиди? — деди аёл унга зур қоғозларни узатаркан.

— Шундай десак ҳам бўлаверади.

«Камомадчи» пулларни пештахта устига қўйди. жжатларни тўлдириб, имзо чекди. Аёл аввал лни санади, сўнг ҳужжатларни яна бир бор нчиклаб ўқиб чиқди:

— «Мактаб қурилиши учун», деб ёзибсизми?

— Ҳа.

— Бунча пулни қаердан топдингиз?

Бу саволни у кейинчалик юз марталаб, минг рталаб эшитади. Аммо ҳар сафар бир хил жа- б қайтараверади:

— Ишлаб топдим.

Аёл ёйилиб кулди.

— Вот, чудак! — деди мижозининг гапига лонқирамай. — Ўн беш йилдан бери банкда лайман. Бунақасини биринчи кўришим...

Унинг — Китоб районидаги Ўртачил қишлоғи- мактаб қурдириш ниятида Давлат банкига ахсий жамғармасидан йигирма минг сўм тўлаб ққан Мухтор Шопсановнинг бироз яёв юргиси, ёллар сургиси келди.

«Пул узоғи билан эрта-индин Свердлов номи- ги колхоз кассасига бориб тушади, — деб ўй- ди у. — Хўжалик раҳбарлари шошиб қолиша- : «Домла савоб иш бошлаган эканлар, биз тез- оқ охирига етказайлик!» дейишади. Ваъда бе- шган ахир. Қарабсизки, келгуси йил сентябри- болалар ўқишни янги мактабда бошлашади. -ҳе!..»

У шу тобда эккан ниҳоли тезроқ бўй чўзиб, силга киришини кўришга ошиқаётган боғбонга шарди. Аммо борлиқни кеч куз ўз тасарруфига ганлигини, ҳосилпишар кунларгача анча синов млари — қаҳратон қиш, серташвиш баҳор ва азирама саратон борлигини ҳис қилмасди.

МУХТОР ШОПСАНОВ ҳақида матбуотда кўп ёзишди. Яна ёзишади. Менинг мақсадим дамларга Шопсановнинг эзгу ишини яна бир р эслатиш ёки уни мадҳ этиш эмас.

Эзгулик қандай туғилади? Нега биров умрини нглаб, миллионлаб пулни ўғирлашга, Шопсанов- ўхшаганлар эса ҳаётини эзгу ишларга сарф- б ўтказади? Кимдир, нима қилиб бўлса-да, ойлик орттираман деб, орттиргач, ўз халқим- нг кўзидан яшираман, деб овора бўлади, қа- окхоналарга тушади-ю, бошқа биров эса Шоп- новдек, топганини эли билан баҳам кўришга ошилади? Боз устига, бу йўлда изтироблар че- ади?

Мени қўлга қалам олишга ана шу саволлар ун- ади. Замондошимиз, коммунист Мухтор Шопса- внинг ҳаёти бу уринишга бир ибратли мисол улди, холос.

ТОШКЕНТГА ҚАЙТГАН Шопсанов ҳафталарни кутиш билан ўтказди. Ўртачилдан қариндош- уғлари, таниш-билишлари меҳмонга келиб ке- шди. Аммо у илҳақ кутган мужда келмади. Ав- л ой, сўнг Шопсановнинг сабри қариди. «Кел, — деди ўзича, — ўзим бориб хабар олай-чи».

Мана, қишлоғи. Ўн тўрт ёшли ўспиринлигида зида ёш, қўли мушт бўлиб чиқиб кетган қиш- ғи. Ҳув, Ҳисор тоғларидан қарасангиз, қишлоқ- а ҳам ўхшамайди. Гўё кимдир чўққидан туриб астга гуваладан ясалган ўйинчоқ уйчаларни со- иб юборган. Ҳовлилар, уйлар, қўралар ўру қир- бетартиб сочилиб кетган.

Мухтор Шопсанов, ҳозирда дорилфунун олими, шанда «ўн тўрт ёшли мишиқи», ҳар гал бу гўша- қадам қўйганида, қулоқлари остида бир шанғи воз эшитилгандек бўлади:

— Ҳу-ув Мухторча! Ўлибгина-а, кета- ан сен бола. Тирттанглама. Ҳа-а, очгинангдан либ кетасан. Самарқандда онанг кутиб ўтиргани йўқ сени. Ўлсанг, мурдангга эга чиқмай қолади... -ув!..

Икки ёшида отасидан етим қолиб, суягидан аввал қўлининг эти қотган бола Самарқанд сафарини орзу ҳам қилолмасди. Наинки у, тўқроқ, қаровчисидан ажралмаган оилаларнинг фарзандлари учун ҳам бу чиқиб бўлмас чўққи эди. У ўша кунлардаги бахтсиз, бугунги нуқтаи назардан қаралса, саодатли тасодиф туфайли бу машаққатли йўлга кирмоққа мажбур бўлди.

Етимнинг маслаҳатчиси кўп бўлади, дейдилар. Бир қариндоши унинг «бошини силади» — молларини боқтирди. Куни кеча тугаган урушда одамлар бор-будидан то ёр-биродаригача айрилган бўлса, қариндош қишлоққа раҳбар бўлиб қолиб, ҳамма нарсасини, ҳатто хотинларини ҳам кўпайтириб олганди.

Бир куни ёш чўпон китоб ўқиб ўтириб, яйловда ўтлаб юрган қўйларни унутди. Қараса, жониворлар бедазорга киришиб кўк майсадан тўйиб олишибди. Қоринлари тарвақайлаб кетган — ўлар ҳолда. Жаҳл отига минган қариндош уни аввал қўли билан, сўнг сўзи билан урди. Қўли билан урган жойининг оғриғи босилди — унутди. Лекин сўзини унутолмади — тузалмас яра бўлиб қолди.

— Китоб ўқиб, олим бўлганинг борми, гўрсўхта! — деди қариндош. — Етти пуштинг саводсиз чўпон ўтган бўлса, сенам нари борсанг, чўпон бўласан-да!..

Қариндошнинг гапларидан боланинг юраклари аввал олов бўлиб ёнди, сўнг бу аланга совуқ тошга айланиб, кўзларидан ёш бўлиб тўкилди.

«Ўлмасам, олдингдан салом бериб ўтаман, — деди. Тилида эмас, дилида. — Ўлмасам бўлди, қолган ҳаммасига чидайман!».

У қайсар эди. Бу одатини бир умр ташлай олмади. Қайсарлигининг, чўрткесару шарттакилигининг дастидан кейинчалик бошига яна қанчадан-қанча балолар орттирди. Лекин бугун ўйлаб қаралса, худди шу одатлари учун у юртга Мухтор Шопсанов бўлиб танилди.

Қишлоқдаги якка-ю ягона қайрағоч сояси болаларнинг йиғин жойи эди. Таъна дашномлардан «тўйинган» Мухтор ўша ёққа юрди. Ошиқ ўйнаб ўтирган жўраларига учради.

— Ўқишга кетяпман, — деди.

Улар кечагина қўшни қишлоқдаги интернат-мактабнинг еттинчи синфини тугатишган, энди нима қиларларини билмай, боши қотиб юргандилар. Мухторнинг шаҳди болаларни ҳайратга солди. Ўртачилдан ҳали ҳеч ким узоқ шаҳарларга бориб ўқимаган. Тақчиллик ҳар қадамда ўзини сездириб, кунлари аранг ўтиб турган болалар учун буни ўйлашнинг ўзи ақл бовар қилмайдиган ишдек туюларди.

Етти ўсмирнинг иккитасигина Мухторнинг ёнига қўшилди. Эртаси куни улар йўловчи машинага ўтириб, Самарқанд сари юз тутдилар. Ортидан онаси жўжабирдек фарзандлари билан ҳам қувониб, ҳам куюниб қолди. Акаси ягона бойлиги — бошидаги ранги ўчиб кетган қалпоғини укасига берди. Оиладаги саккиз жонни едириш-кийинтириш азоби унинг ёлғиз ўзига қолаётганди. У гапиролмади.

Мана энди ўша қизиққон, шиддаткор, қайсар ўспирин, бугун сочларига қиров қўнган Мухтор Шопсанов, она қишлоғига масрур хаёллар билан келмоқда эди. У шу тобда ўзини яна камситиш, ҳақорат ва масхаралаш кутаётганлигини, энди, ақлини таниб, юрар йўлини билганидан сўнг ҳам, ўша ўспиринлигидаги каби идорама-идора неча йиллар сарғайиб, ҳатто аламдан кўз ёшлар тўкиб, адолат излаб юражаклигини билмасди. Лекин бу ҳақда гап кейинроқ.

«Қайдасан, Самарқанд?», деб йўлга тушган уч сайёҳнинг бирортаси ҳам қайси ўқув юртига ҳужжат топширади, неча йил ўқийди — билмасди.

Шофёр уч жаҳонгаштадан тезроқ қутулиш ниятида, рулни педтехникум томонга бурди. Мухторни имтиҳонсиз қабул қилишди — мактабни имтиёзли шаҳодатнома билан тугатганди. 1953 йилнинг 1 сентябрида билсаки, у техникумнинг жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрловчи бўлимига қабул қилинибди.

(Яқинда Мухтор Шопсановнинг уйига бориб, уни қизиқ машғулот устида учратдим. Қўлига қалин қора қўлқоп кийиб олган Шопсанов жиққа терга ботганча... бокс тушарди. Айвони пештоқига осилган махсус қумли қопни аёвсиз «савалардн». «Педтехникумдан қолган одат», — деди у чайир қўлларини менга саломлашиш учун узатаркан.)

Унга ётоқхонадан жой бериб, 28 сўм талабалик нафақаси белгилашди. Аммо тез орада тўрвасидаги онаси тугиб берган талқони, чўнтагидаги чақалари тугади. Егани нони, кийгани дурустроқ кийими, маслаҳат бергани яқин кишиси бўлмаган етимча, энди ўқишдан ҳам кўра оч қолмаслик ғамини ейишга мажбур бўлди. Бирор иш (қоровуллик, фаррошлик, боғбонлик) топиш илинжида, ўзини турли кўчаларга уриб кўрди. Жиккаккина, «қулоғидан кун кўриниб турган» болага, ҳаммолликни ҳам эп кўришмади. Шундай аянчли кунларнинг бирида уни «кўча болалари» йўлдан урдилар. Узоқ қишлоқдан шаҳарга ўқиш ниятида келган ўспирин уларга қўшилиб бозор кезишни одат қилди.

Бугун дорилфунун олими, тўрт фарзанднинг отаси Мухтор Шопсанов бошидан ўтган ўша «қора кунлар»ни эслагиси келмайди. Бу — табиий. Ҳаммамиз ҳам ширин хотиралар билан яшагимиз келади. Аммо ўтган нобоп кунларни умр дафтаридан ўчириб бўлармиди. Инсон ўз ютуқларидан кўра, хатоларидан кўпроқ сабоқ олиб яшайди.

МАКТАБ БАҲОНАСИДА Мухтор Шопсанов ҳақида ёзмоққа киришган эканмиз, унинг бошидан ўтган ўша эслаш ноқулай бўлган кунларни ҳам унутмаслигимиз керак. Негаки, инсон феълатворининг шаклланишида ана шундай кечмишларнинг ҳиссаси-да каттадир. Қолаверса, бизга унинг мактаб қурилиши учун берган фалон минг сўмидан кўра, жамиятимизда фирибгарлик, ўғрилик, порахўрлик каби иллатлар айни авжига чиққан бир пайтда, эзгу ишга қўл ургани муҳимроқ. Чунки инсон ҳеч қачон бир кунда ўғри ёхуд эзгу ниятли бўлиб қолмайди. Инсон табиатида уларнинг ҳар иккиси учун замин бор. Бу заминда улардан қай бири эртароқ ва тезроқ томир отади — муҳитга, тарбияга боғлиқ.

Мухтор Шопсановнинг бозордаги «фаолияти» бошланишга улгурмай тугади. Навбатдаги чўнтакка қўл юборганида, кимдир билагидан маҳкам тутди. Ушлаган бошига шляпа қўндирган, қора галстук таққан, салобатли бир киши эди. Бола бутун кучини йиғиб силкинди — қочмоқчи бўлди. Аммо таъқибчининг панжалари орасидан нозик билагини суғуриб ололмади. У ўзига кетма-кет шапалоқ, мушт, тепки тушишини кутди. Одатда, ўғри қўлга тушса, шундай бўларди. Ушлаган киши, «Киссавурни ур!», деб ҳайқирса, бас, аламзада оломон сўраб-суриштириб ўтирмайди, уркалтак-суркалтак билан тутқунни майиб қилиб ташлаши — кўҳна шаҳарнинг кўҳна бозори учун табиий ҳол. Камдан-кам ҳоллардагина ишга милиция аралашади — улгурмайди.

Мухтор соғ-омон қутулишдан умидини узди. У энди калтак ейишга ҳам рози — фақат милицияга тушмасам бўлди, деган илинж билан қалтираб турарди. Милиция аралашса, техникумдан ҳайдашади, қамашади — ҳаммасидан мосуво бўлади. Оломон ўртасида қолса, кўкарган, шишган, синган жойини бир амаллаб тузатиб олиши мумкин.

Аммо билагидан тутган киши, у кутгандек, ҳайқириб бошига одам тўпламади. Сўкинмади. Ўсмирнинг мурғак танига пайдар-пай мушт туширишга ҳам шошилмади. Қадрдон жиянини тасодифан учратиб қолган тоғадек, унга ҳам ачиниш, ҳам меҳрибонлик билан тикилиб турарди.

— Ҳа, ука? Бу ерларда нима қилиб юрибсан? — деди.

Бу сўров оҳангида ҳам пўписадан кўра, ҳайрат, ҳазил ва меҳр кўп эди. Ўсмир қўрққанидан эмас, ана шу меҳрибон муомаладан тўлқинланиб кетди — йиғлаб юборди.

«Тоға» уни четга бошлади. Мухтор ўзича, мен танимайдиган қариндошимиз бўлса керак, деб ўйлади. Аммо бу тахмини ҳам хато экан.

Бозор дарвозаси олдидаги дарахт ёнида тўхтадилар. «Тоға» унинг билагини бўшатиб, ёнига ўтқазди. Батафсил сўраб-суриштиришга тушди.

— Шаҳарликка ўхшамайсан. Қаердан келдинг? Кимнинг боласисан?

Мухтор ҳаммасини бир бошдан гапириб берди. Ҳамсуҳбати яна унинг билагидан тутди.

— Мен сени бир уйга олиб бораман. Ҳаммаси бўлади — овқат ҳам, кийим ҳам, ётишга жой ҳам, хоҳласанг — иш ҳам. Фақат бир шартим бор — бу «касбинг»ни ташлайсан.

Мухтор рози бўлди. Ўша куни у ўзи чўнтагини «кесмоқчи» бўлган киши — Ориф Икромов бошлаб борган хонадонга кўчиб ўтди. Техникумни тугатгунича бу аҳил, меҳрибон тожик оиласи унинг дарду қувончларига шерик бўлди. Оила бошлиғи О. Икромовнинг қадрдон дўсти — Рафиқ Орипов унга отасидек бўлиб қолди.

Инсонни ёмон йўлдан шафқатсизлик, жазо эмас, меҳр-оқибат, ишонч қутқаради. Мухтор Шопсанов Самарқанд бозорида меҳр-оқибатли, оқил инсон Ориф Икромовнинг эмас, жоҳил бир одамнинг қўлига тушганида, балки қолган умри қироатхоналарда эмас, қамоқхоналарда ўтган, ҳаётининг гуллаган кезлари эзгу ишлардан кўра, ўғирликларга сарфланган бўларди. Худди шу инсон уни, тиниб-тинчимаган, ерга урсанг, осмонга сапчийдиган ўспиринни яна ва яна ўқишга ундади. Дорилфунунни тугатгач, илмий иш билан шуғулланишига сабабчи бўлди.

Бугун Мухтор ака нимагаки эришган бўлса, ўша бахтли тасодифни, адабиётшунос олим Ориф Икромовни сабабчи деб билади. Унинг номини отаси номидек эъзозлаб тилга олади.

ШОПСАНОВНИ ЖОНАЖОН қишлоғида шубҳа билан қаршиладилар:

— Нима бўлди, домла, бирданига бунча пулнинг баҳридан кечибсиз?

Тўғри ёзганларидек, эзгу мақсад йўлида беш сўм инъом этсанг, раҳмат айтишади. Юз сўм берсанг, фахрий ёрлиққа муносиб кўришади. Ҳадя минг сўмдан ошса, шубҳалана бошлайдилар: «Сизга нима бўлди?» Бу ақлдан оздингизми дегани.

Шубҳаланишлар кейинчалик бошқа идора ва ташкилотларда ҳам бот-бот такрорланди. Лекин ҳеч кимнинг амалий ёрдамдан гап очгиси келмасди.

— Йигирма минг кам-да, домла, — дейишди охири колхоз раҳбарлари. — Мактаб лойиҳаси-ю сарҳисобини тайёрлашга кетиб қолади унинг ярми...

Мухтор Шопсанов яна йигирма мингнинг «баҳридан кечди».

Ҳафталар, ойлар, йил ўтди. Ўртачилдан «Қурилиш бошланди,тезда етиб келинг», деган мужда келмади. Пулдан ҳам, қурилишдан ҳам дарак йўқ эди... Яна Китобга жўнади. Шопсановни акаси хафа кутиб олди.

— Колхоз раҳбарлари устингдан кулиб юришибди. «Пул топиб ақл топмаган, аҳмоқ экан укангиз», деб юзимга айтишди. Ҳамма сени ақлдан озганга чиқариб қўйган.

Шопсанов идорага борди. Ҳурматини жойига қўйиб кутиб олдилар.

— Олдингизда жуда ҳижолатдамиз, — дейишди. — Бу йил мактаб қурилишини планга киритолмай қолдик. Келгуси йили албатта...

Яна икки йил ўтди. Ваъдалар сувга ташланган тошдек, изсиз йўқолаверди.

Шопсанов шубҳалана бошлади. Пулини сўраб-суриштиришга киришди ва ...Тошкент шаҳар прокуратурасининг назарига тушди — ОБХСС ходимлари унинг уйига танда қўйдилар. Кетма-кет тафтишлар, сўроқлар бошланди: «Бунча пулни қаердан олгансиз? Яна қанча маблағингиз бор?..».

Милициянинг «ҳушёр» ходимлари мингларни, миллионларни ими-жимида қўшиб ёзаётганларни, ўғирлаётганларни, пора олаётганларни эмас, топганини халқи билан баҳам кўрмоқчи бўлган инсонни тафтиш қилардилар. Шопсанов кейинги гал колхозга борганида, унга ана шундай очиқ савдодан гап очдилар. Одатда ўғри, қирқ минг сўмни ўмариб кетса, ҳеч қачон олдингга келиб: «Пулингни мен олгандим, билганингни қил!» демайди. Мухтор Шопсановга эса Свердлов номидаги колхоз раҳбарлари очиғини айтишди:

— Пулингизга пахта сотиб олдик, колхоз планни тўлдиролмай қолганди...

У давлат банкига ўз қўли билан санаб топширган пулидан ҳам маҳрум бўлди, хўжалик планларини ортиғи билан бажарса-да, нафақат Шопсановдан, давлатдан ҳам бўғзигача қарзга ботган — ҳамёнида сариқ чақаси йўқ эди.

Бундай муносабатлардан сўнг сиз нима қилардингиз, ҳурматли газетхон, билмадим. Мухтор Шопсанов қаттиқ дардга чалинди. Чунки жамиятимизнинг ўзи хаста эди. Эзгу ишга йўл йўқ юртда жамият соғлом ривожланармиди!

У ЖУМҲУРИЯТНИНГ ЭНГ юқори идорасига мурожаат этишга мажбур бўлди. Начора — одат шунақа — эр-хотин ажралишмоқчи бўлса ҳам, судга эмас, юқорига қараб югуради... Марказқўм саркотиби уни ҳузурига чақиртирди. Суҳбатлашди ва Қашқадарёга қараб кўрсатма йўллади: «Тезда!..».

Ишлар юришиб кетгандек бўлди. Муносабатлар ўзгарди. Илгари унга ақлида қусури бор одамга қарагандек муомала қилган одамлар серҳаракат бўлиб қолдилар. «Йўқолган» пул топилиб, эгасининг қўлига тутқазилди. Бу орада хўжалик раҳбарлари кўзбўямачиликлари учун ҳибсга олинганди.

Эзгу ният билан савоб ишга қўл урган инсоннинг раъйи қайтди. Ахир, у ўз пулларига баъзилардек камёб машинани навбатсиз сотиб олиш ёки кимгадир пора бериб, «сердаромадроқ» лавозимни эгаллаш режасини тузмаганди. Шаҳарнинг қоқ марказидан, саноқли кишиларгагина насиб этадиган ғиштин уйлардан квартира олишни ҳам ўйламаганди. Пулларини тилла буюмларга алмаштириб, яхши-ёмон кунларимда асқотиб қолар деб, ерга кўмиб қўйишни-да ният қилмаганди. Ҳаракат қилсам, бу пулларим эвазига фан доктори, профессор бўлиб оламан, деган хаёлларга ҳам бормаганди!..

Ишончим комилки, Шопсанов ўз манфаати йўлида шундай ниятлар қилганида, уларга осонгина эришар, айримларнинг кўзига бугунгидек ёмон кўриниб юрмасди. Ортиқча азият чекиб, хасталикларга чалинмасди. Аксинча, «ўз даврининг одамларидек» ошиғи олчи бўлиб яшайверарди.

Аммо мозийшунос Шопсанов, ўн тўрт ёшида беғубор орзулар билан қишлоғидан этак қоқиб чиқиб кетган Мухтор Шопсанов, бундай қилмади.

У нотабиий, ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайдиган йўлни танлади — ўз пулини ўзгалар манфаати йўлида сарфламоқчи бўлди. Аммо мавжуд ақидалар буни тан олмади. Фуқаролар саховатли бўлмоғи учун жамият ҳам саховатпеша бўлмоғи керак. Шопсановнинг ноқонуний эмас, эзгу орзулари ҳаётимизда пайдо бўлган метин деворларга урилиб чилпарчин бўлди. Унинг эзгу ишини амалда қўллаб-қувватловчи топилмади. Кейинчалик жарқўрғонлик бир муаллим унга алам билан шундай ёзганди: «Ҳалол ишлаб топган пулингизни ноўрин сарфлагансиз, Мухтор ака. Сизни вақтида қўллаб-қувватламаган, эзилиб-қийналиб юрганингизда томошабин бўлиб турган одамларнинг болалари учун мактаб қуришингиз шартмиди?! Бундан кўра, ўша пулларингизни болалар уйигами, Ҳиндистон ёки Афғонистондаги оч-яланғочларгами, юборсангиз, яхши бўларди!..»

Шундай қилиб, Шопсанов минг азобда қайтариб олган пулларини энди рўзғорининг кам-кўстини тузатишга (етишмовчилик қайси оилада йўқ дейсиз) сарфлайверса, ҳеч ким, ҳеч қачон ундан бу иши учун ўпкалай олмасди. Лекин тиниб-тинчимаган Шопсанов қайта қуриш туфайли туғилган имкониятдан фойдаланмоқчи бўлди ва пулларини тағин банкка олиб бориб топширди.

Оворагарчиликлар қайтадан бошланди. Кеча уни ёлғон-яшиқ гаплар билан алдаган раҳбарларнинг кўпчилиги лавозимларидан олинган бўлсалар-да, идоралардаги эскича иш услуби, эскича муносабатлар сақланиб қолганди. Қоғоз билан тинчгина иш битириб ўрганган курсисевар раҳбарга олдидан капалак учиб ўтса, ёқмайди. Остонада Мухтор Шопсановдай куйди-пишди одам пайдо бўлса-ку, тағин ҳам. Важ-карсон ўйгарди: «Мактаб лойиҳаси йўқ. Кетадиган сарф-харажат аниқ ҳисоб-китоб қилинмаган. Бинокорлик материалларини қаердан оламиз?..»

— Тушунмайсиз-да, акажон, тушунмайсиз, — дейишарди унга, — қўл-оёқларимиз қанчадан-қанча инструкция-ю кўрсатмалар билан боғлаб ташланганини!..

ШОПСАНОВ ИККИНЧИ МАРТА хор-зор бўлиб юришидан натижа чиқмаслигини англади ва яна марказни, шахсан «биринчи»ни безовта қилишга мажбур бўлди. Қашқадарё сари учган кўрсатма бу гал тағинда кескинроқ, талабчанроқ оҳангда жаранглади: «Қачонгача судрайсизлар? Тезроқ!..»

Бу гап раҳбарларга ток ургандек таъсир этди. Барча кўрсатма-ю инструкцияларни унутгандек бўлдилар. Қарийб, ўн йилдан буён судраб келинган муаммо—лойиҳа, ҳисоб-китоб бир кечада (ҳа, бир кечада!) тайёр бўлди. Бинокорлар эртаси куни ишга киришдилар. Қурилиш материаллари ҳам топила қолди.

Ишлар юришиб кетди. Мактаб гўё ноҳия миқёсидаги қурилиш объектига айланди. Лекин унга ҳар қанча эътибор бермасинлар, тезкорлиги жиҳатидан, ноҳияда сал илгари ишга туширилган бошқа бир «муҳим» объектга етолмасди. Шопсанов мактаб қурилишини планга киритолмай, идорама-идора сарғайиб юрганида ишга тушганди ўша «объект».

Китобдан чиққан бу раҳбар ўша кезлари ўзининг ишбилармонлиги, илғорлиги боис қанчалик танилган бўлса, кейинчалик, қайта қуриш шамоли юзидаги ниқобини кўтаргач, кўзбўямачилиги, порахўрлиги ва ахлоқсизлиги билан афкор оммани шунчалик лол қолдирганди. Яқин қариндоши «ёлғончи дунё»ни ташлаб кетганида, унинг оёғи ҳали узангида, нафасидан ўт чақнаб турган кезлар эди. Шунинг учун бутун Қашқадарё вилояти оёққа турди. Нафақат Ўзбекистон, мамлакатнинг турли бурчакларидан ҳамдардлик билдирувчилар оқиб кела бошлади. Китоб шаҳрининг кўчалари ранго ранг автомобилларга торлик қилиб қолди. Ана шундай ҳаяжонли дамларда маълум бўлдики, марҳумнинг сўнгги макони — қабристонга борадиган йўл кўпчилик қишлоқларимизнинг кўчалари каби хароб. Ноҳия раҳбарлари уйқудан воз кечдилар: «Бутун куч — йўл қурилишига!» деган чақириқ янгради. Умрида шағал кўрмаган йўллар асфальтланди, бу қулайлик учун қанчадан-қанча одамлар марҳумдан миннатдор бўлдилар.

Аммо бу муаммо ҳал бўлмай туриб, янгиси чиқди: йўл Дам канали устидан ўтаркан — кўприк йўқ.

Қурувчилар шомдан тонггача тиним билмай ишладилар. Кўприк ҳам бир кечада ёки қарорларда ёзилганидек, «муддатидан олдин фойдаланишга топширилди».

Мотам маросимида ва кейинчалик ҳар хил гаплар бўлди. Лекин ноҳия раҳбарлари ҳам, бошқалар ҳам Шопсанов ўн йил мобайнида эшитавериб сочлари оқарган саволларни бермадилар: «Йўл ва кўприк қурилиши қачон планга киритилганди? Лойиҳаси қачон тайёр бўлгану маблағини ким берган? Қурилиш материаллари қаердан олинган?..»

Нега?

Чунки жамиятимизда эзгу ишдан кўра, эгри иш тез битадиган, кўпроқ обрў олиб келадиган бўлиб қолганди. Эрк ва адолат ўрнига мустабидлик ҳукмронлик қилган юртда бошқача бўлиши мумкин эмас.

Ниҳоят, мактаб ишга тушди. Унга Индира Ганди номини бердилар. Аввалига бу эзгу ишдан хабар топган мухбирлар, сўнг турли хат-хабарлар, посилкалар, меҳмонлар бутун мамлакатдан Ўртачилга оқиб кела бошлади. Илгари номини кўпчилик китобликлар ҳам билмайдиган бу қишлоқ шу баҳонада узоқ-узоқ сарҳадларда тилга тушди. Ҳатто москвалик ўқувчилар учрашишни орзу қиладиган машҳур фазогир мактабни кўргани келди. Унинг боғчасига яхши ният билан ниҳол ўтқазди. Ўқувчилар билан суҳбат қурди. «Орангиздан фазо илмининг усталари чиқсин!»— деб ёруғ тилак билдирди. Бундан нафақат болалар, уларнинг устозлари, ота-оналари ҳам ҳаяжонга тушдилар. Тошкентлик ҳайкалтарош Индира Ганди бюстини ясаб, мактабга совға қилди. Байналмилал жангчилардан тузилган талабалар гуруҳи ўзининг ёзги таътилини мактабга устахона қуриб беришга бағишлади. Тошкент дорилфунуни олимлари беш юз сўмлик китоб-дафтар, асбоб-ускуналар юбордилар. Таллин, Севастополь, Одесса, Астрахань, Фарғона, Андижон ва яна кўплаб бошқа шаҳарларда яшовчи болалар, уларнинг ота-оналари, ҳатто пенсионерларгача, янги мактабга ўзларича ёрдам бермоққа шошилдилар.

Кечагина Шопсановдан безор бўлиб юрган раҳбарларнинг ҳам юзларига қувонч югурди. Минбарларда нутқ ирод этганларида, юқорига ҳисобот тайёрлаганларида мактаб ҳақида алоҳида мамнуният билан тўхталиб ўтишга ўзларида мойиллик сеза бошладилар.

Ҳаммасидан ҳам, ўртачиллик болалар қувондилар. Улар бир неча чақирим йўл юриб, қишнинг қорли-қировли кунларида қўшни қишлоқдаги мактабга қатнаш ташвишидан қутулдилар.

Эзгу иш эзгу туйғулар, орзулар уйғотди.

КЕЛИНГ, ЭНДИ АСОСИЙ саволга жавоб излайлик: Мухтор Шопсановга нима зарур келгандики, оғримаган бошига шунча ғавғони сотиб олса? Албатта, ўзи бошлаяжак иш ғавғога айланиб кетишини билмаганди. Ўйлаган эдики, колхознинг иқтисодий аҳволи ночор, қўлимдан келганча ёрдам берсам, қолгани ўз-ўзидан юришиб кетади, қўшни овулларга овораи сарсон қатнаб юрган болалар, баҳонада мактабли бўлиб қолишади. Ахир, унинг ўзи болалигида худди шундай ташвишларни бошидан кечирган. Совуқларда, қорларда, ёмғирларда қолган...

Бу дард Ватанидан узоқда, она тупроғини соғиниб юрган кезларида, айниқса, кўксига кўп бор ташвиш солганди. Нотаниш ўлкаларда мусофирчиликда юрганингда юртингдаги янтоқ ҳам кўзингга гул бўлиб кўринади. Элингда унчалик эътибор бермаган ҳамқишлоғингни у ёқларда жигарингдек соғинасан. Ватандошларингнинг ҳаётини, яшаш тарзини, тақдирини ўзинг муваққат яшаб турган мамлакат фуқаролариники билан солиштирасан. Ана шу солиштириш асносида шуурингда янги, нурли режалар туғилади.

Ватандан айриликда қилинган масъулиятли меҳнатнинг ўзига яраша рағбати бўлиши табиий. Шопсанов сафардан озми-кўпми маблағ билан қайтди. Ана шу маблағининг бир қисмини савоб ишларга сарфламоқчи бўлди.

Лекин шунинг ўзигина уни савоб ишга қўл уришга ундади, десак нотўғри бўларди. Чунки хорижда ишлаб келганларнинг ҳаммаси ҳам саховатли бўлиб қолмайди. Ёки юртидан чиқмасданда, туманлаб мол-дунё йиғиб, илондай асраб ётган миллатдошларимиз йўқмикан? Афсуски, бор экан ундайлар. Дунё халқлари олдида ўшалар миллатимизнинг юзини ерга қаратишмадими? Уларнинг ҳаром бойликларини, қилмишларини айримлар алоҳида завқ-шавқ билан бот-бот намойиш қилишаётганида, Мухтор Шопсановнинг иши юзага чиқиб, кўнглимизга, озгина эса-да, таскин бўлмадими?

Эзгу иш бойликдан эмас, эзгу орзулардан туғилади. Эзгу ниятли кишилар эса шу руҳда тарбияланган бўладилар.

Шопсанов ўз отасини эслай олмайди. Ундан на бирор сурат, на бир эсдалик буюм қолган. Қолгани — ҳамқишлоқ қариялар гурунгларда эслайдиган, Мухтор ака фахрланиб тинглайдиган ҳикоя.

Ҳикояки, қишлоқнинг кўҳна қабристони яйловга қўшилиб, оёқости бўлиб кетиш хавфи туғилганида, Шопсан бобо ўғли Муҳаммадига бош бўлиб, уни пахса билан ўраб чиққани ҳақида. Бу савоб ишни деб бир кун, бир ҳафта эмас, ойлаб меҳнат қилган.

«Шундай, — дейишади қариялар, — Шопсан бобо элининг дуосини олган. Болалари ҳам отасидан кам бўлишмади».

Мухтор Шопсанов ана шундай ҳикояларни тинглаб улғайганди. Ота оламдан кетди, лекин унинг ибратли ишлари фарзандларига бир умр тарбиячи бўлиб қолди.

Ирсият қонунига кўра, айрим хасталиклар авлоддан авлодга ўтади. Фазилатлар ҳам. Савоб ишларга рағбат, эзгулик халқимизнинг қонида бор. Мухтор Шопсановга ҳам бу фазилатлар авлодларидан ўтган бўлса, не ажаб!.. Олимларнинг эътироф этишларича, қатағон ва ундан кейинги карахтлик даврлари одамларнинг нафақат хулқ-атворига, ҳаёт тарзига, ҳатто ирсиятига ҳам ўзининг фожиавий таъсирини ўтказган. Шаклланган ёки шаклланаётган авлодларда лоқайдлик, худбинлик, журъатсизлик аломатлари кўпроқ кўзга ташлана бошлаган. Шопсановнинг отаси савоб ишга қўл урганида, ўғлидек идоралар эшигида сарғайиб, хасталикларга чалиниб юрмаганди. Мухтор аканинг эзгулик йўлида чеккан бу изтиробларини кўрган фарзандлари келгусида отаси борган йўлдан юрармиканлар? Биз ирсият қонунини бузиб қўймадикмикан?..

МУХТОР АКАНИ Тошкентнинг Жанубий вокзалида учратиб қолдим. Кўриниши бундан ўн бир йил бурун қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай, деярли ўзгармаган. Бошида дўппи, сочи тақир олинган, бўйнида галстук... Овози бироз ўктамлашган.

— Мактаб боғидаги шафтолилар мева тугди,— деди у болаларча қувониб.

Айтишича, ҳовлисида ўзи боқиб семиртирган тўрт қўйини сотиб, пулига иккита токарлик дастгоҳи олган. Уларни «мактаби»нинг устахонасига ўрнатиш учун кетяпти.

У билан суҳбатлашиб турарканман, турмуш ўртоғи Тўхтахон опанинг ҳазил аралаш айтган гаплари хаёлимдан кечди:

— Акангиз дардга чалинганга ўхшайдилар: топганини «мактаби»га ташийдилар. Ҳали ноёб дарахт кўчати, ҳали қовун-тарвуз уруғи олиб бориб берадилар...

Опамиз яна бир гапни айтмадилар — мен айтай: Мухтор ака бу ишларнинг ҳаммасини Тўхтахон опа билан бамаслаҳат қилади.

Мухтор Шопсановнинг «хасталиги» — яхши дард. Қани энди ҳаммамиз шундай «хасталик» билан оғрисак. Шунда жамиятимизнинг, Ватанимизнинг, халқимизнинг дардлари камайган бўларди. Лекин бунинг учун ҳамма Шопсановдай қирқ минг сўм сарфлаб, мактаб қуриши шарт эмас. Бундай эзгу ниятли кишиларни вақтида қўллаб-қувватлаш, ҳеч бўлмаганда, уларга халақит бермасликнинг ўзи ҳам савоб иш.

1988 йил, май — 1989 йил, сентябрь.

Турсунтош ЖАББОРОВА

САДОҚАТ

**Ёлғиз яшаб ўтди,
Беном, бенишон,
Кимни зор қолдирди...
Кимга зор эди...
Беруҳ яшамади,
Бироқ, бегумон
Ёлғиз яшаб ўтган аёл бор эди.**

**Кўз олдидан ўтди дунё туш каби,
Дунё кўзларига тангу-тор эди.
Қафасини вайрон этган қуш каби
Унинг кўз ёшлари бахтиёр эди...**

ҲИЖРОН

**Сени қаерларга олиб кетади
Оҳингдай таралган аччиқ тутунлар?..
Беомон урушдан қочган эр каби
Оппоқ ёстиғингга бош қўйган тунлар.**

**Тунлар ёйилмайди,
Тунлар тўзмайди,
Сочилиб кетади кўзларингдан ёш.
Дардларини айтиб-айтиб бўзлайди
Муштдай юрагингда оғриган Қуёш.**

**Сочин юлиб қолар мудраган тунлар,
Кўзингдан тўкилар улар отган тош.
Сени олиб кетар
Бир қаро кунда
Жуфти ҳалолингга айланган Қуёш...**

ХОРИЖДАГИ МАЗЛУМЛАРГА

**Ўша кун келади —
Бу ер дардини
Туясан тириклик дардидай тамин.
Тўкиб ташлар азоб-уқубатини
Сабр косасига айланган замин...**

**Ўша кун келади —
Ишонгил, ахир,
Тунлар қаро бўлар,
Тонглар бўлар оқ.
Заҳарли зардобга тўлмайди бағир,
Тошлар қайроқ бўлар,
Юраклар — байроқ!...**

●

**Жоним — жисмимдаги энг охирги ўқ,
Саргардон умримга тиласам тўзим, —
Кечир, сени ташлаб кетолмасман, йўқ,
Мен ташлаб кетарман ўзимни ўзим...**

ТИЛ—МИЛЛАТНИНГ ОВОЗИ

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ўтмишини билиш бугунги кунимизни теранроқ англашимизга хизмат қилади. Кўпчилик тиллар ҳуқуқлари тўғрисидаги фикрини доҳий В. И. Ленин сўзлари ва фаолиятидан бошлайди. Бу бежиз эмас. У тилларнинг жамиятимиздаги ўрни ва амалий фаолият доирасини аниқ белгилаб берган эди. Доҳийнинг ўзи 6 тилда бемалол гаплаша оларди. Бу ҳам унинг бошқа халқлар тилларига ва маданиятларига ҳурмат билан қараганлигини кўрсатади. У чет элларга борганда ёнида таржимонлар олиб юрмас, улар билан бемалол мулоқотда бўлар эди. Бизнинг раҳбарларимиз эса негадир йўлбошчимизнинг бу фазилатидан ўрнак олгилари келмайди. Улар, айни пайтда, тилни сиёсий масала деб эмас, лингвистик масала, фақат тилшуносларнинг иши деб қараб келишди. Бу қарашнинг хато эканлигини вақт кўрсатди. Чунки қайси халқнинг тилини — ўзбекми, эстонми, латишми — ўрганиш, бу тилда сўзлашувчи юрт эгаларига эҳтиромдир. Бошқа халқларнинг тили, маданияти, миллий урф-одатларини, анъаналарини ҳурмат қилиш эса ҳақиқий ленинча байналмилалликнинг туб моҳиятига тўғри келади.

Хўш, мамлакатимизнинг «оқ олтин» ўлкаси бўлган Ўзбекистонда тил масаласи қандай ҳал этилган? Очиғини айтиш керакки, жумҳуриятда ўзбек тилига (Бу тилда 16 миллиондан ортиқ халқ мулоқот қилади.) «давлат тили» мақоми бериш керакми, йўқми деб сафсата сотиб ўтиришнинг ўзи уят. Чунки Совет Иттифоқи таркибидаги жумҳуриятларнинг тиллари ўз территорияларида аллақачон давлат тили сифатида қонунлашган бўлиши керак эди. Бу [illegible] ҳақиқатни баъзи кимсаларнинг кўрмасликка, билмасликка олишга уринишлари кўпчилик ўртасида норозилик туғдирмоқда.

Ахир Ўзбекистонда ўзбек тилини давлат тили деб қабул қилиш ёки қабул қилмаслик масаласининг қўйилишининг ўзи бу миллатнинг ҳуқуқларини чеклаш ва уни шубҳа остига олиш эмасми? Бу тил ўзбек миллатига мансуб бўлганлиги учун, унинг тақдирини мазкур тилда сўзлаша олмайдиган ва уни тушунмайдиган бошқа халқ вакилларининг ҳал этишга, текширишга эса ҳақлари йўқ. Биз масалани ана шундай асосда ҳал қилмагунча миллатчилик балосидан қутула олмаймиз. Сўзда миллий масала бўйича ленинча принципларга таянар эканмиз, амалда ҳам сталинизм йўлидан борувчиларга қарши туришимиз керак. Чунки бизда ҳозирги кунда ғоявий курашда янгича қарашларни қўллаб-қувватловчилар кўп, лекин амалда улар консерватив кучлар бўлиб қолмоқдалар. Ҳар бир жумҳуриятнинг миллий тили — шу жумҳуриятнинг овози демакдир. Хўш, агар унинг тили ўз вазифасини бажара олмаса, ўша жумҳурият қайси хусусиятларига кўра «миллий жумҳурият» мақомига эга бўлади? Ахир совет жумҳуриятларининг миллий ҳуқуқлари жумҳуриятнинг территориал бутунлиги ва шу теградаги миллий тилнинг барча соҳаларда ишлатилишидан иборат ленинча принципдан ташкил топмаганми? Бу ҳуқуқлардан бирортасига завол етса, миллатнинг миллат бўлиб яшаши хавф остида қолмайдими? Шундай пайтда миллатнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиқиш керак. Бу бугунги қайта қуриш, демократия ва ошкораликнинг биринчи талабидир. У ҳақда партиянинг XXVII съездида ҳам, XIX Бутуниттифоқ конференциясида ҳам, СССР халқ депутатларининг биринчи Съездида ҳам айтиб ўтилди. Афсуски, орамизда ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиқаётганларни миллатчиликда айблашга уринаётган консерватив кучлар ҳамон мавжуд. Улар ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишига қарши турмоқдалар. Шулардан бири «Ташкентская правда» газетасидир. Жумҳуриятдаги тил ҳақидаги қонун лойиҳасини объектив баҳолаши керак бўлган бу вақтли матбуот нашри ўз саҳифаларида далилсиз, исботсиз ёзилган, шовинистик руҳдаги материалларга, рус тили мақомини улуғловчи субъектив мақолаларга кенг ўрин ажратди. Шу билан газета, очиқ айтишим мумкинки, қайта қуриш жараёнида чалкашликлар юзага келишига, миллатлар ўртасида зиддиятлар кучайишига хизмат қилди. Тўғри, рус тили бугунги кунда миллатлараро алоқа тили. Буни ҳеч ким рад қилаётгани йўқ. Лекин бу бошқа тилларни камситиш ҳисобига бўлмаслиги керак. Афсуски, рус тилига давлат тили мақомини бериб, бошқа тилларни йўқ қилишга уринганлар фақат бугунги кунда эмас, Октябрь инқилабидан кейинги дастлабки йилларда ҳам бўлган. Шунинг учун В. И. Ленин бундайларга қарши кескин курашганди. У, жумладан С. Шаумянга ёзган хатида бундай деб ёзади: «Рус тили жуда кўп майда ва қолоқ миллатлар учун прогрессив аҳамиятга эга эди, бу шубҳасиз. Лекин агарда мажбур қилиш бўлмаганида эди, у янада каттароқ кўламда прогрессив аҳамиятга эга бўлар эди, наҳотки Сиз буни тушунмасангиз? Хўш, ахир «давлат тили» деганининг маъноси рус тилидан бездирадиган таёқ эмасми?!»

ЁКИ 1921 ЙИЛДА бўлиб ўтган РК(б)Пнинг X съездида қабул қилинган «Партиянинг миллий масала бўйича навбатдаги вазифалари» деб номланган қарори ҳам миллий масаладаги чалкашликларга, якка тил ҳукмронлигига қарши қаратилган эди. Ёки В. И. Ленин 1922 йилнинг 30-31 декабрида партиянинг бўлажак XII съезди учун айтиб ёздирган «Миллатлар тўғрисидаги ёки «автономлаштириш» тўғрисидаги масалага доир» мақоласида бу масалага яна қайтиб, бундай деб ёзади: «...Бошқа халқларни ғирт рус зўравонлигидан ҳақиқатан ҳимоя қилиш учун биз етарли даражада ғамхўрлик билан чоралар кўрдикми, деган иккинчи савол туғилади. Менинг фикримча, биз бу чораларни кўришимиз мумкин эди ва лозим эди».

Доҳийнинг бу сўзларини ҳозирги кунда тил соҳасидаги консерватив сиёсатдонлар уқиб олсалар яхши бўларди.

Газетхонлар олдига мен «давлат тили — кимнинг тили?» деган саволни бежиз қўяётганим йўқ. Негаки, унга жавоб бериш пайти келди. Бу билан биз, албатта, Америка очмаймиз, лекин ошкоралик экан, бас, келинг, бор ҳақиқатни очиқ айтайлик. Тўғри, жумҳуриятда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишини Ўзбекистонни иккинчи ватан деб билган бошқа тиллар вакиллари бирдай қувонч билан кутиб олмасликлари мумкин. Бу, балким, уларнинг кўнглида норозилик ҳам уйғотар. Бироқ эндиликда биз истаймизми, йўқми, норози бўламизми, бўлмаймизми, бундан қатъи назар жумҳуриятда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши шарт. Буни ҳаётнинг ўзи ҳам яққол кўрсатмоқда.

Айни пайтда, ўзбек тили СССРдаги туркий тиллар орасида энг оммавий, кўпчилик мулоқот қиладиган лисондир. Агар бу ерда яшовчи бошқа миллат вакиллари ўзбек тилини ўргансалар, туркий тилда сўзлашувчи бошқа халқлар вакиллари билан ҳам бемалол таржимонсиз гаплашишлари мумкин бўлади. Агар мамлакатимизда туркий тилда сўзлашувчи 50 миллионга яқин одам бўлса, демак, бу тилнинг шу халқлар ўртасидаги воситачилик роли ҳам ғоят катта ва келажаги порлоқ эканлигини кўрсатади. Шу сабабли ҳам, В. И. Ульянов — Ленин номидаги Қозон давлат университетининг янги очилган Шарқ тиллари факультетида бу йилдан бошлаб япон, хитой, ҳинд, турк, форс тиллари билан бирга ўзбек тили ҳам ўқитила ва ўргатила бошланди. Бу ўзбек тилининг обрўси юксаклиги ва татар халқининг ҳам унга муҳаббати беқиёслигидан нишонадир.

Бироқ шунга қарамай ўзбек тилининг давлат тили бўлишига татар халқи қарши деб нотўғри фикр билдирувчилар Ўзбекистонда ҳам топилади. Бундай асоссиз, исботсиз гаплар ёшлар орасида ҳам учрамоқда. Мен шу ўринда битта туркий тилга мансуб бўлган халқларимиз ўртасидаги азалий қардошлик муносабатлари, уларнинг бир-бирининг маданиятларини юксалтиришга қўшган ҳиссалари тўғрисида эслатиб ўтмоқчи эдим. Инқилобга қадар, масалан, ўтган асрнинг 90-йилларида татар зиёлилари ўзбеклар билан ҳамкорликда очган жадид усулидаги ўзбек миллий мактаблари Фарғона вилоятида 30, Қўқонда 16, Тошкентда 20 та бўлган. Бу мактаблар ўша йилларда ўзбек тили, маданияти тараққиётида муҳим роль ўйнаган. Инқилобдан кейин эса Тошкент шаҳрида Татар маориф институти иш бошлаган. Ўша йиллари бу ерда татар тилида икки-уч газета, «Шарқ» номли адабий-бадиий журнал нашр этилган, театр фаолият кўрсатган. Булар икки халқ маданиятини тараққий эттиришда катта аҳамиятга эга бўлган. Лекин буларнинг ҳаммаси шахсга сиғиниш йилларида йўқ қилинди. Ҳамкорликларимиз узоқлашиб кетди. Бугунги кунда эса татарлар ўзбек тили ҳақида қайғуришдан кўра ўз она тилининг тақдири ҳақида ўйламоқдалар. Келгусида халқларимиз ҳамкорликларини азалий йўсинда давом эттиришни истасак, тилларимиз жумҳуриятларимизда давлат тили мақомига эга бўлишлари керак.

ҲОЗИРГИ ПАЙТДА миллий тиллар давлат тили мақомини олиш учун ҳаракатни кучайтирдилар. Бу ҳаракатдан фақат РСФСРгина четда турибди. Чунки унинг теграсида рус тили давлат тили сифатида ўз функциясини йўқотмаган эди. Бироқ шунинг ўзи ҳам бу жумҳуриятда пайдо бўлган баъзи, «Память» сингари шовинистик гуруҳларни қаноатлантирмаётибди. Улар рус тилига Иттифоқда давлат тили мақомини берилишини талаб қилиб чиқмоқдалар. Бундай «касал»га чалинганлар бошқа жумҳуриятларда турли миллат вакиллари орасида ҳам бор. Лекин ишонаманки, ҳар бир жумҳуриятда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам давлат тили мақоми берилишида ўша ернинг миллий аҳолиси талаб ва эҳтиёжлари биринчи навбатда эътиборга олинади.

Ахир, тил — миллатнинг овози, ғурури, гимнидир.

Адҳат СИНЎҒИЛ,
татар-бошқирд ёзувчиси

ОТАМДАН ҚОЛГАН МЕРО

Ҳурматли редакция!

Отам Қосимов Абдулҳамид вафотидан сўнг (1977 йил) бизга бир неча дафтардан иборат қўлёзма шеърлар ва ғазаллар тўплами мерос бўлиб қолди. Шеърларнинг кўпчилик қисми араб ва форс ёзувида.

Отам ҳақида қисқача маълумот.

Қосимов Абдулҳамид (тахаллуси Лузумий) 1900 йили Чимкент вилоятининг Қорамурт қишлоғида дунёга келди.

Ёшлик йилларидан илмга чанқоқ Абдулҳамидни отаси — Қосим ота мударрис Муҳаммад Собирхон домла хизматига элтиб қўяди. Зеҳни ўткир Абдулҳамиднинг тез орада саводи чиқиб, форсий ва арабий китобларни ўқий бошлайди. Мушоираларда қатнашади. Айниқса, Саъдийнинг «Бўстон» ва «Гулистон», Жомийнинг «Баҳористон» асарларини, Фузулий, Навоий девонларини қизиқиб ўқийди, ёд олади. Ўзи ҳам шеър ва ғазаллар ёза бошлайди.

Отам 1937 йили н репрессияга учради ва йилларда оқланди.

Ўзининг айтишича, пайтларда ҳам шеър ёзи канда қилмаган экан. Ға ларининг анчаси оғир йи ри изсиз йўқ бўлиб кетд

Баъзи шеърлари та билишлари ва дўстлари сида тарқалди, лекин буотга отамиз ўз қўллари лан биронта шеърни топш гани йўқ.

Набираси — Гултў Неъматилла 1982 йили шарқшунос олимга бобо нинг икки дафтардан ибо қўлёзмаларини топшира Мақсади шарқшунос о фикрини билиш эди. У: « рор ҳафта ичи ўз фикри айтаман», — деб ишонти ди. Шу кунгача қўлёзма т рисида на бирор фикр айт ди ва на эгасига қайтарил Қўлёзмаларнинг тақди ҳамон бизга қоронғи.

Ҳурмат билан:
Улуғ Ватан уруши қ
нашчиси, меҳнат ветерани
Абдулазим СОБИРОВ

Абдулҳамид ЛУЗУМИЙ

ҒАЗАЛЛАР

Мавлоно Ҳабибийга

Тилагим эрта-кеч бу дўстлар доим омон бўлсин,
Тани соғу, дили беғаму, руҳи шодмон бўлсин.
Қизил гулдек бўлиб ранги тағайюр топмасин ҳаргиз,
Қоралиғдин эгилмай қомати сарви равон бўлсин.
Қошида ғунчалар турсин димоғига бериб роҳат,
Ватан боғида сайраб булбули нозик фиғон бўлсин.
Муҳаббат шаккари бирла бўлиб мамнун ҳар соат,
Такаллум айламакда тўтии ширин забон бўлсин
Аҳолиси била ҳар эрта-кеч айшу фароғатда,
Бўлиб аҳбоблар бир-бирларига меҳрибон бўлсин.
Паришон бўлмасин ҳаргиз ҳама улфатлари бирла.
Маиятда, маишатда ҳамин бўлсин, ҳамон бўлсин.
Ёзилди чин кўнгил бирла неча мисра тилакнома,
Лузумийдан Ҳабибийга садоқатлик нишон бўлсин.

●

Муҳаббат боғида Зайнаб икковлон бир бўлиб қолдик,
Ажаб қизу йигит эрдик, чолу кампир бўлиб қолдик.
Етилган ҳандалакдек кўринур эрдик, қариб энди
Ичи тушган қовундек алвиру шалвир бўлиб қолдик,
Орамизга жудолик тушди ўн бир йил ҳукуматдан,
Уралда ман, бу ерда сан ажаб дилгир бўлиб қолдик.
Эсиз умри азизимиз жудолик даштида ўтди,
Қонолмай айшу ишрат жомидин нимсар бўлиб қолдик.
Туғилди иккимиздан қиз-ўғил гулғунчалар янглиғ,
Қуруқ қолмай, биҳамдулло, чаманлиғ ер бўлиб қолдик.

ТАРИХ МУЗЕЙИ ҚАЧОН ОЧИЛАДИ?

Кейинги пайтларда М. Т. Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейини зиёрат қилишга келганлар остонадан қайтишга мажбур бўлмоқдалар. Улар орасида ўқувчиларни, талабаларни, зиёлиларни, ишчи-деҳқонларни ҳам, мамлакатимизнинг кўплаб шаҳар-қишлоқларидан ҳамда чет эллардан келган сайёҳларни ҳам учратиш мумкин. Энг қизиғи, музейга киролмай қайтаётганларнинг аксарияти масаланинг моҳиятига тушунмай биздан норози бўлмоқдалар. Маъмурият, илмий ходимлар, ҳатто қоровуллар шаънига ҳам жиддий эътирозлар билдирмоқдалар. Хўш, нега?

Бундан уч-тўрт йил муқаддам музей биносининг 43 залдан иборат экспозициясида Ўзбекистон халқларининг ибтидоий даврдан то ҳозирги кунигача бўлган тарихига оид ноёб материаллар намойиш қилиб келинаётган эди. Бироқ кейинчалик бинонинг чўкиши ва деворларининг ёрилиши сабабли кўргазма заллари ёпилди. 1900—1901 йилларда қурилган бу бино аслида икки қаватли эди. 1955 — 1958-йилларда бинога учинчи қават қурилди. Ундан идора сифатида фойдаланиш мўлжалланган эди. Амалда эса тарих музейи йўқлиги учун тарихий архитектура аҳамиятига молик бу бино турғунлик йилларида музей ихтиёрига бериб юборилди. Шунга кўра музей ўз кўргазмасини кенгайтириб, учала қаватни ҳам таъмирлаб, оғир-енгил экспонатларини жойлаштирди. Бу масканга ҳар куни юзлаб томошабинлар ташриф буюрадиган бўлишди.

Афсуски, тез-тез ер силкиниб туриши, айниқса, 1966 ва 1978-йиллардаги зилзила туфайли бино чўкди, деворлари бир неча жойдан ёрилди. Тегишли идоралар унга одам киритишни тақиқлаб қўйишди. Биз ўша кундан бошлаб Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Президиумига, Тошкент шаҳар партия ва ижроия комитетларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Ниҳоят, музей учун Тошкент область ижроия комитети биносини беришга ваъда қилдилар. Бу ваъдага ҳам бир йилдан ошди, лекин ҳозиргача бино музей ихтиёрига берилгани йўқ. Тошкент область ижроия комитети раиси бинони бериш у ёқда турсин, ҳатто бу масалани ҳал этишни хаёлига ҳам келтирмаётир. Ҳолбуки, тўрт ойча муқаддам ЎзКП Марказий Комитети бюроси аъзолари музейга келиб, ҳақиқий аҳволни ўз кўзлари билан кўришган, область ижроия комитети раисига 40 кун ичида ижроком биносини бўшатиб, музей ихтиёрига беришни топширишганди. Бу масалада кўмаклашиш Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси Ғ. Ҳ. Қодиров зиммасига юклатилган эди. Мана, шунга ҳам уч ойдан ошди. Лекин ҳеч қандай натижа йўқ.

Биз музейимиз ёпиқ бўлса ҳам, 1988—89-йилларда фондимизда сақланаётган нодир тарихий экспонатлар асосида тайёрланган кўчма кўргазмаларни бир қатор республикаларда намойиш этдик. Айниқса 1988 йили Москвадаги Марказий Революция музейида ҳамда шу йили Киевда ташкил этган кўргазмаларимиз қардошларимизда катта таассурот қолдирди. Ўша республикалар партия-совет ташкилотлари раҳбарларининг музей ишига муносабати, муаммоларни тез ва соз ҳал қилиши бизни ниҳоятда қувонтирди. Лекин бизнинг маҳаллий партия-совет раҳбарларимиз-чи? Наҳотки, улар музейга шунчалик лоқайдлик билан қарашса, музейлар оммани байналмилаллик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим омиллардан эканлигини тушунмасалар?

Шу йилнинг май ойида Олмаота тарих музейида Халқаро Музейлар Кенгаши Совет Комитетининг 44-сессияси бўлиб ўтди. Унда Иттифоқимиздаги 1790 та Давлат музейлари фаолиятини янада жонлантириш, қайта қуриш жараёнида уларни халқлар дўстлиги ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга йўналтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Бас, шундай экан, бизда қачон ваъданинг устидан чиқилади. Музейимиз қачон қайта очилиб, зиё тарқатувчи, тарихий ўтмишимизни, бугунги ютуқларимизни тарғиб қилувчи маконга айланаркин?

Ўзбекистон халқлари тарихи музейи коллективи номидан:
Ғ. РАШИДОВ, музей директори, тарих фанлари доктори, профессор,
Н. СОДИҚОВА, бўлим мудири, тарих фанлари доктори,
Н. СУЛТОНОВА, Л. Г. ЛЕВТЕЕВА, Э. ИСМАТОВ, Н. ҲАСАНОВ, Ж. ИСМОИЛОВА, Э. ҚОДИРОВ, катта илмий ходимлар (жами 17 имзо).

ДАРД УСТИГА ЧИПҚОН

НАВОИЙДА ҚУРИЛАЁТГАН АСБОБСОЗЛИК ЗАВОДИ ҲАҚИДА

Ҳозир Навоий шаҳри ва райони экологик жиҳатдан ниҳоятда танг аҳволга келиб қолган. «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси 20 йилдан буён атроф-муҳитни аёвсиз заҳарлаб келмоқда. Сўнгги йилларда бу «илғор корхона» ёнига бирин-кетин Навоий кон-металлургия комбинати, электрохимия ва цемент заводлари қўшилди. Оқибатда ҳосилдор ерлар бузилиб, полиз ва сабзавот экинлари кескин камайиб, сифатсиз маҳсулот берадиган бўлиб қолди. Мевали дарахтлар ва узумнинг жуда кўп навлари йўқолиб кетди. Зарафшон дарёси ва ариқлар сувининг кескин заҳарланиши натижасида болалар ўлими, хотин-қизлар ўртасидаги касалликларнинг йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги ниҳоятда ташвишли ҳолдир. Бу фожиа илдизлари ҳақида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг шу йилги 3 март сонида эълон қилинган «Фалокат қўнғироғи» мақоласида батафсил ёзилган...

Шу кунларда навоийликларни янги муаммо — район пилла уруғчилиги совхози территориясида Навоий кон-металлургия комбинати таркибига кирувчи йирик асбобсозлик заводи қуриш ҳақидаги қарор жиддий ташвишга солмоқда. Маълумки, бу завод олдин Арманистонда, кейин Бўстонлиқда қурилиши керак эди. Лекин кенг жамоатчиликнинг қатъий норозилиги туфайли у жойларда қурилиш тўхтатилганди.

Завод асосан турли хил компьютерлар, электрон-маиший техника моллари, телевизион ва радиоприёмниклар учун қурилмалар, медицина техникаси воситалари ва бошқа техника маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган, дейишади. Бўлажак заводнинг қандай заҳарли чиқиндилар чиқаришини кон-металлургия комбинати таркибига кирганидан ҳам билса бўлади.

Завод қурилишига раҳбарлик қилаётган кон-металлургия комбинати директори ўринбосари В. Коваленконинг Навоий район «Коммунизм учун» газетасида ёзишича: «...ҳавога заҳарли моддаларнинг чиқиши 0,2 ПДКдан ошмаслиги зарур...» ҳамда заводда ишлаш учун юксак малакали операторлар, монтажчи-инженерлар керак.

БИРИНЧИДАН, шаҳар ва район территориясида ҳавонинг бузилиши 2 дан 4 ПДКгача бўлган бир пайтда яна атроф-муҳитни булғайдиган, ҳавони ифлослантирадиган заводни қуришга ҳожат борми?

ИККИНЧИДАН, завод қурилгач, унда ишлайдиган мутахассис кадрлар албатта четдан олиб келинади. Чунки завод учун мутахассислар на районда бор, на республика олий ўқув юртларида тайёрланади. Шундай экан, райондаги 7085 нафар ишсизлар сони яна ортади. Яна маҳаллий кадрлар иш билан таъминланмай қолаверадилар.

УЧИНЧИДАН, заводни айнан Зарафшон дарёси соҳилига қуриш мўлжалланган. Ахир биргина Навоий ГРЭСи ҳар ҳафта давомида 30 тоннагача кислотани Зарафшон сувига ташлаётгани етмайдими? Завод чиқиндиларисиз ҳам дарё суви кўпдан буён истеъмол қилинмайди. Яна қайтадан дарёни ўлдириш шартми?

ТЎРТИНЧИДАН, айрим шаҳар ва район раҳбарларининг, «Завод қурилиши масаласи шахсан район партия комитети ва район Совети ижроия комитетининг ташаббуси билан кўтарилди», дея тўраларча бонг ураётганлигини қандай тушунса бўлади? Қайта қуриш, ошкоралик овози навоийли раҳбарлар қулоғига етиб келмаган кўринади. Улар халқ нинг заводни қурмасли ҳақидаги талаб-истакларин инобатга олмаяптилар. Б турғунлик йилларининг ас рати эмасми?

Ҳуллас, қандай бўлма син, асбобсозлик заводи қурилишини тўхтатиш керак Навоийда ернинг, ҳавонинг сувнинг заҳарланаётгани одамлар ўртасида турли касалликларнинг кўпайи бораётгани етади-ку! Дард устига чиққан чипқонде яна заҳарли моддалар тар қатадиган завод қурилиши га ҳеч қандай ўрин ва ас йўқ, деб ўйлаймиз.

Асфандиёр АЛОВИДДИНОВ,
кимё фанлари доктори
профессор,
Ашурали ЖЎРАЕВ,
СССР Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси,
Салима УМАРОВА,
Жалолиддин САФОЕВ,
СССР Журналистлар
уюшмаси аъзолари

Газетхон фикр юритади, баҳолайди...

АНСАМБЛЬ МАДАД СЎРАЙДИ

«Тонготар шуъласи» ансамбли ташкил этилганига уч йил бўлди, холос. Бу қисқа вақт ичида у ўсди, шаклланди. Бугунги кунда Бахмал районидаги бирор тадбир бу ансамбль иштирокисиз ўтмайди. Сирдарё область ҳаваскорларининг бу йилги кўригида «Тонготар шуъласи» биринчиликни эгаллади. Шу ўринда, бу ижодий коллективни ташвишга солаётган баъзи муаммоларни тилга олиб ўтишга тўғри келади. Машғулот ўтказиладиган хонада зарур жиҳозлар йўқ. Бу ердаги шолча-ю кўрпачаларни ҳам санъат шайдолари уйларидан олиб келишган. Сиз суратда кўриб турган либосларни ансамбль қатнашчиларининг ўзлари сотиб олишган. Шунингдек, чолғу асбоблари етишмайди. Ансамбль раҳбарлари чолғу асбоблари ва либослар масаласида район маданият бўлимининг мудири Раҳбарой Мелибоевага мурожаат этишса, ҳар сафар, «Тошкентга буюртма берганмиз, олиб келиш учун вақт бўлмаяпти» деган мужмал жавоб олади. Аслини олганда, моддий жиҳатдан қилинган ҳар қандай ғамхўрлик ижодий ютуқлар учун пойдевор бўлиб хизмат қилади. «Тонготар шуъласи» Бахмал район раҳбарларининг ғамхўрлигини кутади.

У. ҚЎШВОҚОВ суратга олган

УЗОҚҚА БОРМАГАН ҚУВОНЧ

Болалар ўлими, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, медицина хизматида юз бераётган салбий ҳолатлар ҳақида кўп гапирилди, кўп ёзилди, тегишли давлат ҳужжатлари қабул қилинди. Аҳвол секин бўлса-да, яхшилик томон ўзгармоқда. Бироқ жойларда бу муҳим ишга лоқайд қараётган ходимлар, раҳбарлар ҳали ҳам топилади.

Ўтган йилнинг апрель ойида Самарқанд шаҳрининг Зоя Космодемьянская номи билан аталувчи кўчасида бир кунда 480 беморни қабул қила оладиган болалар поликлиникаси ишга тушди. Бундан шаҳарнинг Боғишамол райони аҳолиси жуда хурсанд бўлди. Аммо бу хурсандлик узоққа чўзилмади. «Бўл-бўл» билан битган бинонинг лифти бор-йўғи ўн кунга чидаб берди. Саломатликни тиклаш бўлимидаги ҳовуз бўлса, биринчи сув қуюлгандаёқ ўпирилиб кетди. Иссиқ сув умуман йўқ. Рентген-диагностика кабинетида ҳам иш тўхтаб қолди. Чунки қурувчилар вентиляция тармоқларини тескари ўрнатиб кетишган экан. Бинони иситиш системаси ҳам тезда ишдан чиқди.

Қизиқ! Давлатнинг бир ярим миллион сўм маблағи сарфланган бино олти ой ўтмасдан авария ҳолатига тушиб қолса-я? Ахир поликлиникани қабул қилган ўн нафардан иборат нуфузли давлат комиссияси аъзолари — таниқли медицина олими, профессор А. Арустамов, шаҳар капитал қурилиши бошқармаси бош инженери Т. Асатурова, шаҳар бош лойиҳачиси Э. Ҳамроев, давлат архитектура қурилиш назорати вакили А. Горкуненко, медицина ходимлари область касаба союз комитети инспектори В. Ермаков ва бошқалар қабул актига имзо чека туриб, қаёққа қарашди экан? Ахир бугун фойдаланишга топширилган поликлиника ва касалхоналар эртага ишга яроқсиз бўлиб қолаверса, қачон биз соғлиқни сақлашда моддий-техника базасига эга бўламиз? Қачон биз республикамизни болалар ўлими бўйича Иттифоқда биринчиликдан халос этамиз? Қачон болалик ва оналикни, қолаверса, ўз келажагимизни муҳофаза қилишни ўрганамиз?

Майли, комиссия «биздан кейин сув олиб кетмайдими» қабилида иш қилибди, дейлик. Поликлиника раҳбарлари-чи?! Бош врач Хайринисо Азизова (ҳозир у Боғишамол район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири) қурилишнинг биринчи кунидан то охиригача иш бошида бўлганди-ку? Бунинг устига у қабул комиссияси аъзоси ҳам эди. Нега у бунга йўл қўйиб берди? Нега минглаб кичкинтойларнинг кўз ёшлари оқишини ўйламади, бағритошлик қилди? Бугун эса у қурувчилардан нолиб юрибди.

Бизни бир нарса қизиқтиради. Давлатнинг бир ярим миллион сўмининг кўкка совурилишида ким кўпроқ айбдор? Бинони қўл учида битирган қурувчиларми ёки қурувчилар ўз ишини аъло даражада бажарган деб, қабул қилиш актига имзо чекканлармй?

Ғайбулло РАЗЗОҚОВ

ТУТЗОРЛАРНИ АСРАЙЛИК

Асли қишлоқда яшасак-да, ҳар йили тут пишиғида шаҳардаги бозорга тутхўрликка тушиб чиқамиз. Кексалар ҳамиша тутнинг турфа фазилатлари ҳақида гапиради. Уларнинг айтишича, 30-40 йиллар муқаддам бизнинг қишлоқларда ҳам тутлар яхши мева қилган. Ундан шинни, мураббо, тут майиз тайёрланган. Айниқса, уруш ва ундан кейинги озиқ-овқат тахчил йилларда, баҳорги илигузилди пайтлари тут кишиларнинг жонига ора кирган.

Ҳуллас, тут қадим-қадимдан халқимизнинг яхши кўрган, кўп истеъмол қилган меваси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир боққа кўплаб тут кўчатлари ўтқазилган, катта-катта тутзорлар барпо қилинган.

Хўш, ҳозир бу тутзорлар йўқми? Бор. Бор бўлганда ҳам олдингиларидан бир неча бор кўп. Ўнлаб, юз гектарлаб тутзорларга эгамиз. Лекин уларнинг биронтаси, ҳатто бирон тупи ҳам мева учун экилмаган. Ҳаммаси пилла учун. Наҳотки, пилла одамдан азиз бўлса?

Халқимиз қадимдан пиллачилик билан шуғулланиб келган, лекин ҳеч қачон унга ўз ризқини қурбон қилган эмас. Қадимни қўяйлик, яқин 30 йиллар олдин ҳам қишлоқларимизда мевали тутлар бўлган. Ўша пайтлар ҳам пиллачилик ташлаб қўйилмаган... Фақат меъёр бўлган. Одамлар меъёрни билишган. Бизнинг хўжалик раҳбарларимиз эса пилланинг арзимаган ҳақи учун тут мевачилигини буткул йиғиштириб қўйишган. Пиллани йўқотиш керак, демоқчи эмасман. Ҳар ҳолда инсоф билан иш тутиш керак.

Турғунлик йилларидаги план орқасидан қувиш, ҳайбаракаллачилик оқибатида тутнинг мевали дарахт эканлиги мутлақо эсдан чиқарилди. Натижада қишлоқ кишиларининг ҳовлисидаги, кўчаларнинг ёқасидаги илгаридан мева бериб турган тутлар ҳам каллакланди. Фақат баъзи шаҳарлаарда, район марказларида пиллачилар қўли етмаган жойлардагина мевали тутлар сақланиб қолди. Ўша тутлар бозорларимизни обод қилаяпти. Обод қилганда ҳам бир пиёласи 50 тийин, бир сўмдан...

Бечора қишлоқ кишисининг тўрт томони ҳам тутзор бўлса-да, тут егиси келса шаҳардаги бозорга боради, кўпчилигининг эса қиммат нархда тут олиб ейишга қурби ҳам етмайди. Улар тутнинг барги деб мевасидан ажралиб қолмоқда. Ҳатто айрим ёш болалар тут дарахтини билса-да унинг мева қилишини тасаввур қила олмайдилар.

Яқинда ўнлаб қишлоқларни айландим. Афсуски, уларнинг биронтасида ҳам мева учун сақлаб қолдирилган тутни кўрмадим. Бу қишлоқларда қачонлардир мева берган тутларни учратиш мумкин, таналари йўғон, айримларига қулоч бўйламайди. Улар мутлақ каллакланиб, ярим боғ барг учун фойдаланилмоқда. Умуман олганда эса бу кекса тутлардан олишга арзигулик барг ҳам йўқ. Фақат Ургутда эмас, республиканинг бошқа кўпгина районларида ҳам аҳвол шундай.

Хўш, мевазор тутзорлар қачон тикланади? Умуман биз қачонгача ўзимиз, болаларимиз ризқ-насибасини пилла куртига едирамиз. Шахсий боғлардаги тутларни, кесишни бас қилиш керак.

Пиллачиларга дуч келган тутни қирқ, деб ким ҳуқуқ берган. Улар ҳеч кимдан тап тортмай бировнинг чорбоғидаги тутни қирқиб кетишаверарди.

Қачонлардир пахта каби пилла ҳам сиёсий масала, деб дуч келган тутни қирқишни одат қилгандилар. Энди бу одатга барҳам беришнинг вақти етди. Давлатга пилла керак бўлса, аввало пиллахоналар ташкил этиш, сўнгра шу пиллаларни боқиш учун махсус тутзор плантациялари барпо этилсин.

Пилла плани сиёсий масала бўлса, озиқ-овқат программаси, совет кишисининг озиқ-овқат ва ноз-неъматга бўлган талабини қондириш, дастурхон тўкинчилиги ҳам хусусий масала эмас. Бу умумхалқ ва умумдавлат иши.

Боғ тутларини пилла учун қирқишни бас қилайлик. Кузги кўчат ўтказиш мавсумида эса дастурхон неъмати бўладиган янги тутзорлар барпо этайлик.

Ёқубжон МЎМИНҚУЛОВ
Ургут



АСРИЙ НАВОЛАР ИЗИДАН

Куни кеча Ўзбекистон СР тарихий ва маданий горликларни таъминлаш, мий-текшириш ва лойиҳаш институти археологик спедицияси галдаги қидишдан «қўйни-қўнжи» тўб қайтди. Ашёвий топиллар ҳатто куй-қўшиқлари м унутилган даврлар ҳада дарак беради. Масалан, ирдарё яқинидан топилган пол ҳайкалча: ажаб хушрўй ёл завқ билан тор (балки тор) чертмоқда. Бу V—VI ерларга хос ноёб ёдгорликар ҳақида санъатшунос мухассислар навбати билан талқинларини айтишар. озир масаланинг бошқа оят мураккаб томонига эътиборни жалб этмоқчимиз.

Кўҳна мусиқанинг таримиз ҳали очилмаган саҳифалари жуда кўп. Табиийки, озирча бисотимизда бор китоблардан фойдаланамиз. Қадимги мусиқа тарихига оид китоблар эса деярли йўқ. Лейпциг шаҳрида немис тилида яқинда чоп этилган ажойиб китобни ахтариб топдик. ЮНЕСКО омийлигида чиқаётган «Тасвирларда мусиқа тарихи» ериясининг янги китоби Ўрта Осиё санъатига бағишланган экан.

Китобни Ўрта Осиё мусиқий маданиятининг улкан тарихи — ибтидоий (мезолит) замонларидан мелодий X асргача бўлган давр ёдгорликлари топилган нусхаларининг қомуси десак бўлади. Жуғрофий сарҳадлари Ўрта Осиё, Қозоғистон, Олтой, Ғарбий Сибирь ва Шарқий Туркистонни қамраб олган. Тасвирий намуналар қаторида қоя тошларда сақланиб қолган турли хил қадимги чизма суратлар, археологик қазишмалар натижасида топилган ашёвий далиллар — сопол, тош ҳайкаллар, деворий тасвирлар ва ҳатто мусиқа асбобининг қолдиқлари... Китобнинг «Мусиқа археологиясининг қадимги ёдгорликлари» бобида асосан қоя тошларда, ғорларда сақланиб қолган ибтидоий давр тасвирлари келтирилган. Зараўтсой, Оқчўнқир, Тамғали, Саймалитош тасвирлари рақс, мусиқа санъатининг неча-неча минг йиллар қадимийлигидан дарак беради. Олтойдаги Позириқ қўрғонидан топилган торли мусиқа асбоби мелоддан аввалги V аср ёдгорлиги сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Шу каби тузилиши содда торли асбобларни ҳозир ҳам учратиш мумкин. Китобнинг бошқа боблари тарихий марказлар мусиқа маданиятига бағишланган.

Қадимги Парфиёна пойтахти — ҳозирги Ниса харобалари қаъридан топилган шоҳона ритон (аёғ)ларда турли хил мусиқа асбоблари намуналарини учратамиз. Қадимги Хоразм ёдгорликлари мелоддан аввалги IV асрдан бошлабоқ юксак музика маданияти бўлганлигини ашёвий тасвирий далиллар билан исботлайди.

Қўйқирилган қалъа (мелоддан авалги IV аср) сопол қолдиқлари орасида арфа чалаётган аёл тасвирини кўрамиз. Ҳозирги Тупроққалъа (III аср) қаъридан чиққан улуғвор сарой деворий безакларида мусиқий базмлар тасвирини кузатамиз.

Қадимги Бақтрия — Тоҳаристон ўлкалари (Ўзбекистоннинг жануби) ёдгорликлари юнон-эллин маданияти таъсиридаги тасвирларни беради. Шулар қаторида буддавийлар ибодатгоҳидан қолган тошга ўйиб ишланган ҳайкаллар, айниқса, диққатга сазовор. Уларда гўё мусиқий базм иштирокчилари мужассам топгандек кўринади.

Қадимги Сўғдиёна эса ўзига хос мусиқа маданиятининг йирик маркази бўлганлиги Панжикент, Афросиёб, Бухоро, Варахша каби қадимий шаҳарлардан топилган ёдгорликлардан аниқ кўриниб турибди. Ҳатто сопол тобутчалар деворига ҳам мусиқий базм тасвирининг ишланиши — ўша давр маданиятида мусиқа қанчалик ҳурмат топганидан дарак беради. Қадимги Чоч (Шош) — Тошкент навоҳисидаги мусиқа маданияти ҳақида илгари хитой солномаларидан маълумот топган бўлсак, кейинги йилларда археологик топилмалар жуда кўп ашёвий далиллар инъом этмоқда.

Шарқий Туркистон (Хўтан, Қашқар) ёдгорликлари Ўрта Осиё билан Хитойни боғловчи жойдаги юксак мусиқий маданият намуналарини, намойиш этади.

«Буюк ипак йўли» деб рамзий ном олган кўҳна тарих, маданият, санъат йўли қайтадан очилаётган шу кунларда (дарвоқе, халқаро карвон ҳозир Сўғдиёнани кезмоқда) Ўрта Осиё мусиқаси тарихига бағишланган китобнинг яратилгани санъатшунослик соҳасидаги улкан ютуқдир. Китобни варақлар эканмиз, унда келтирилган 200 тасвир орқали Ўрта Осиё мусиқа маданиятининг ниҳоятда қадимийлиги, шаклан ва мазмунан баркамоллигига ишонч ҳосил қиламиз. Мутафаккир ватандошимиз, Сирдарё бўйида камолга етган Абу Наср Форобий(873—950) мусиқа назариясига доир катта китоб ёзгани бежиз эмас. Дарвоқе, яқинда Сирдарё бўйида топилган навозанда аёл ҳайкали ҳам тарихан тасодиф эмаслиги ошкор бўлди.

Энди гапнинг сирасини айтайлик. Кўпчиликни ниҳоятда мамнун этган, ЮНЕСКО томонидан чоп этилган бу китоб профессор Ф. Кароматов бошчилигида Тошкентдаги санъатшунослик институтининг олимлари томонидан тайёрланган.

Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтининг йирик таянчларидан бири, илк китобини Ҳамзанинг мусиқий ижодига бағишлаб, кейинги йилларда Ўрта Осиё халқлари фольклор мусиқаси ҳақида жуда кўп китоблар тайёрлаган, жаҳон мусиқа фольклористлари қаторида эътибор қозонган устоз олим Ф. Кароматов ва Тамара Визго ҳамда Вероника Мешкерис ҳамкорлигида яратилган «Тасвирларда мусиқа тарихи (Марказий Осиё)» китоби муаллифлари Ҳамза мукофоти билан тақдирлашга тамоман муносиб десак, хато бўлмайди.

Пўлат ЗОҲИДОВ,
санъатшунослик номзоди

ҲАМЗА МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАР НУҚТАСИ

Қайта қуриш ва ошкоралик шарофати билан республика телевидениеси фаолиятида ҳам ўзгаришлар содир бўлаётир. Айрим кўрсатувлар мазмун жиҳатидан бойиб, телетомошабинларга ҳар жиҳатдан маъқул бўлмоқда. Шундай кўрсатувлардан бири «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари» деб номланган. Унда асосан республикадаги ижтимоий муаммолар, турғунлик йиллари асоратларининг илдизлари қисман очиб берилаётганлиги телетомошабинларни ҳаяжонга солмоқда. Шу кунгача машҳур телекўрсатувнинг 19 сони кўрсатилди. Бу кўрсатувларда республикамизнинг барча областлари ҳаёти кенг қамраб олинди. Масалан, Сирдарё областига бағишланган сонида «Унутилган қўшиқ» бўлимида машҳур пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Музаффар Зокиров қабрининг қаровсизлиги, ташландиқ ҳолга ташлаб қўйилганлиги танқид қилинган эди. Ёки «Фарғона» совхозининг собиқ директори Собиржон Сиддиқов ҳақидаги «Мерос» очеркида машҳур пахтакорнинг фикр-мулоҳазалари, меҳнат фаолияти ёритилган.

Кўрсатувнинг Хоразм областига бағишланган сонида оса, қалин муаммоси кўтарилган эди. Маълум бўлишича, мазкур кўрсатувдан сўнг область партия комитети бюроси қалин масаласини кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилади.

Фарғона водийсидаги саноат корхоналарининг атроф-муҳитни заҳарлаётгани, Тожикистондаги алюмин заводи Сариосиё районига катта зиён етказаётганлигига бағишланган кўрсатувлар телетомошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Кўрсатувнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, унда халқлар дўстлиги мавзуига доимо эътибор бериб келинади. Масалан, Арманистон ва Тожикистонда рўй берган зилзила оқибатларини тугатишда қатнашаётган ўзбекистонликлар ва уларнинг арман ҳамда тожик халқи билан абадий дўстлиги кўрсатувда ўзининг табиий аксини топган.

«Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари» кўрсатуви телетомошабинларга янги хонандаларни кашф этиш билан бирга янги қўшиқлар ҳам ҳадя этди. Масалан, шоир Муҳаммад Юсуф шеърлари билан айтиладиган «Самарқандга борсам мен агар...», «Ўзингиз қайдасиз, Файзулла бобо?» каби машҳур қўшиқлар биринчи марта истеъдодли хонанда Маҳмуджон Азимов ижросида мазкур кўрсатув туфайли қўшиқ мухлисларига етиб борди. Яна бир истеъдодли хонанда Умар Саноев ижро этган «Омон қайтинг, жон йигитлар, Афғонистондан» қўшиғи ҳам илк бор шу кўрсатувда янграды.

Кўрсатув ҳақида кўп гапириш ва ёзиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, мазкур телекўрсатув халқимизга ҳаётнинг қувонч ва ташвиш нуқталарини табиий воқеалар асосида жонли тарзда етказа билди. Унинг ижодкорлари — Дадахон Ёқубов, Ўғилой Юсуфжонова (сценарий муаллифлари), Мели Маҳкамов (режиссёр), Рафаэль Камолов (оператор)нинг Ҳамза мукофотига номзод этиб кўрсатилганлиги телетомошабинлар кўнглидаги иш бўлди, деб ўйлаймиз.

А. ОЧИЛОВ



СУРАТДА: «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари» кўрсатувидан лавҳа.

А. САМАТОВ суратга олган

МЕЪМОРЧИЛИГИМИЗ ОЙНАСИ

Ўзбек меъморчилиги қадимий ва бой тарихга эга. Совет даврида ҳам меъморчилигимиз сезиларли даражада ўсди, ривожланди. Қадимий архитектурамиз ҳақида кўплаб илмий рисолалар ёзилган, альбомлар нашр этилган. Бу борада ҳозир ҳам кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Аммо меъморчилигимизнинг кейинги даврдаги равнақи ҳақидаги тадқиқотлар саноқли. Архитектура номзоди Тўлқиной Қодированинг «Совет Ўзбекистони архитектураси» китоби бу мавзудаги энг йирик рисоладир.

Мазкур асар Улуғ Октябрь Социалистик инқилобининг 70 йиллигига бағишлаб чоп этилган бўлиб, унда архитектура ва шаҳарсозликдаги муаммолар ҳақида кенг кўламда фикр юритилади. Асарнинг қиммати шундаки, у замонавий архитектурамиздаги 70 йиллик даврга (1917 йилдан 1987 йилгача) хос бўлган ўзгаришларни қамраб олади. Тўғрироғи, ана шу давр ҳақидаги биринчи фундаментал асардир. Унда Ўзбекистон меъморчилигининг аста-секин ривожлана боришини, янги ғоя ва йўналишлар пайдо бўлишини характерлайдиган мисоллар келтирилади, ривожланиш ва шаклланиш босқичлари изоҳлаб берилади.

Архитектор Т. Қодирова узоқ йиллардан буён меъморчилигимизнинг муҳим муаммолари билан шуғулланиш билан бирга республика Архитекторлар уюшмасига раҳбарлик қилиб келмоқда. Шунинг учун ҳам архитектура борасидаги ҳар бир янгилик ва ўзгариш унинг кўз ўнгида, кўпинча иштирокида юз берди. Бу эса республикада меъморчилик борасидаги янгиланиш жараёнини бирмунча кенг қамраб олиш имконини берган. Асарда шунинг учун ҳам республика архитекторларининг кўпқиррали илмий ва амалий фаолиятлари умумлаштирилади.

Маълумки, давр архитекторларимиз олдига ўз муаммоларини қўйди. Масалан, жумҳуриятимизнинг Хева, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Наманган каби тарихий шаҳарларини қайта тиклашга, таъмирлашга тўғри келди. Бу ҳақиқатан ҳам чигал муаммолардан бири эди. Бу ишдаги илгари силжишлар ушбу асарда ўзининг муносиб аксини топган.

Мамлакатимизнинг барча шаҳарларидаги сингари жумҳуриятимизда ҳам ўзига хос архитектура ечимига эга бўлган кўплаб бинолар қурилди. Шунга қарамасдан, меъморчилик илмида янгилик ҳисобланган бир қанча ажойиб бинолар ҳам қад кўтарди. Муаллиф Тошкент, Навоий, Ангрен ва бошқа қатор шаҳарларнинг микрорайонларида қурилган турар жой биноларини бунга мисол қилиб кўрсатади. Шунингдек, китобдан кейинги йилларда қурилган жамоатчилик бинолари тавсифи ҳам кенг ўрин олган.

Китобнинг «Ёдгорликларни муҳофаза этиш ва таъмирлаш» деб номланган бўлимида берилган материаллар, айниқса, қимматлидир. Бу бобда ёдгорликларни муҳофаза этиш ва таъмирлаш ишида эришилган ютуқлар баён этилади. Муаллиф бу муаммолар ҳақидаги тарихчилар, архитекторлар ва санъатшуносларнинг мулоҳазаларини умумлаштиради ва уларга таянган ҳолда фикр юритади.

Ўзбекистон архитектураси намуналари расмлар, лойиҳалар, оддий ва рангли суратлар орқали намойиш этилади. Умуман, асар ҳаётий фактларга бой. Совет Ўзбекистонининг миллий маданияти, жумладан, архитектураси ҳақидаги кўплаб билим ва янгиликларни ўзида мужассам этган бу китоб кенг кўламдаги китобхонлар оммасига мўлжалланган. Уни чет эллик китобхонлар ҳам ўқишлари мумкин. Чунки бир пайтнинг ўзида унинг инглизча таржимаси ҳам берилади.

Бу қимматли асарнинг Ҳамза мукофотига номзод қилиб кўрсатилгани бизни ғоят мамнун этди. «Совет Ўзбекистони архитектураси» китоби мукофотга муносибдир.

Ҳ. САЛОҲИДДИНОВ,
архитектура номзоди,
Г. ЙЎЛДОШЕВА,
архитектор

МАЙЗАДА МЎЙСАФИД КИМ?

МУНОЗАРА

Газетанинг шу йил 24 март сонида «Яхшидур аччиқ ҳақиқат» мақоласи билан Ашурали Жўраев бошлаб берган ўзбек киноси хусусидаги мунозара давом этмоқда. Мунозара ўзбек зиёлиси қалбида қат-қат бўлиб ётган фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлаш билан бошланди. Қадриятларимиз — минг йилликлар силсиласида таркиб топган миллий маданиятимиз, санъатимиз, тилимизни хавфли туман ўраб олганини, миллат сифатида тубсиз жар қаршисига келиб қолганимизни ўзбек кино санъати мисолида билиш мумкин. Лекин мақолада бир ёқлама айтилган ўринлар бор. Бу ҳақда «Ўзбекфильм» директори А. Хўжаевнинг «Ата-йинлик — холислик кушандаси» (26 май) мақоласида баъзи эътирозли фикрлар айтилди. Сўнг мунозара муносабати билан кинорежиссёр Т. Акрамовнинг «Иллатни ўзимиздан қидирайлик» (23 июнь), киношунос Э. Исматуллаевнинг «Депсиниш» (28 июль) мақолалари эълон қилинди.

Айниқса, кейинги икки мақолада айтилган танқидий мулоҳазалар жуда тўғри. Улар кўпроқ миллий кино яратиш вақти-соати етганлиги ҳақида куюниб ёзишган. Уларнинг фикрларига қўшилганим боис мунозарада кўп тилга олинган Мухтор Оғамирзаевнинг «Отга меҳр» бадиий фильми тўғрисида ёзмоқчиман.

Бу фильм 14 август куни Марказий телевидениенинг биринчи программаси орқали намойиш этилди. Уни томоша қилгач, баҳсда иштирок этишни лозим топдим.

Фильмнинг мазмуни, тарғиб қилган ғояси, картинадаги образлару персонажлар, манзаралару деталларгача кишининг ғашини келтиради. Улар шу қадар жўн, носамимий, миллий урф-удумларимиздан, шарқона қадриятларимиздан осмон каби йироқдир. Гап нима ҳақда бораётганини тушунтириш учун асарнинг қисқача мазмунини айтиб ўтай. Чавандозлик мусобақаларидан бирида машҳур спортчи навбатдаги тўсиқдан сакрамаганлиги учун отини аёвсиз қамчилайди. Манзарани кузатиб турган қизчанинг эса кўзларидан ёш чиқиб кетади. Шу ачиниш, шу меҳр қизчани «етук» спортчи даражасига олиб чиқади. У айнан ўша отда спорт устаси номзоди унвонини олади. Йирик бир мусобақанинг қарийб совриндори бўлади. Аммо қариб кучдан қолган от мусобақанинг фақат икки даврасигагина чидаш беради, холос...

Сўнгги саҳна. Қизча кўзларида шашқатор ёш билан йиқилиб қолган қари отни оёққа қўймоқчи...

Бир қарашда ҳамма нарса рисоладагидек; инсон ҳайвонот оламини муҳофаза қиляпти, унинг дардига малҳам қидирмоқда, бу йўлда ҳар қандай курашдан чекинмаслигини исбот этаётир. Бироқ, мен «Ўзбекфильм» тамғаси билан экранга, яна Бутуниттифоқ экранига чиқарилган бу асарни ҳам оддий томошабин, ҳам бир ўзбек йигити сифатида кўрдим. Экран асаридаги Раъно, Жумабой ака, Пўлат ака, Рустам образларидан ўзбекона хислатлар қидирдим. Минг афсуски, улар характеридан ақалли бирор миллий нуқта ҳам топа олмадим. Кейин, бу боши-кети йўқ жумбоқни ечиш мақсадида хаёлан ҳар бир номни бошқа миллат исмлари билан алмаштириб чиқдим. Масалан, Рая, дядя Гриша, дядя Паша, Роман... Мўъжизани қарангки, қаҳрамонлар умуман ўзгармади, ўша юриш, ўша туриш, ўша пала-партиш гап-сўзлар! Раъно — Рая бўлиб эртадан кечгача тоғу тошларни оралаб от чопди. От спортига азбаройи «қизиққанидан» оёғини синдириб (албатта, режиссёр ёрдамида!) ўзининг севимли (табиатига ҳам ўта мос) рақс мактабини ташлаб юборди. Жумабой ака эса дядя Гриша деб аталгандан кейин ўз аслини топди; патила-патила соқол, оппоқ сочнинг устидан кўзигача бостирилган яғири чиқиб кетган фуражкаси «мен асли ўзим дядя Гриша эдим» деб тургандек бўлди. Бошқа қаҳрамонлар ҳам исми ўзбекча-ю, аммо бошқа миллат вакили қиёфасида намоён бўлдилар.

Хўш, нега шундай бўлди? Чунки экран асарида ҳақиқий ўзбек руҳи, характери акс этмаган эди. Бундан ташқари, миллат табиатидаги тарихан шаклланган хислатлар ўрнига гўё қандайдир «янги», «социалистик» хусусият атайлаб ёпиштирилганди. Натижада экрандаги одамлар ҳар қандай миллий хусусиятлардан маҳрум, яъни ростмана отларга айланганди.

Миллат табиатидаги нозик нуқталарга беписанд қараш, улар билан ҳисоблашмаслик кўпчилик асарларимиз қаҳрамонларини «универсал» (албатта, салбий маънода) кимсага айлантириб юборяпти. Бунинг устига улар қанчалик урчиб кўпайгани сари шунчалик миллийлик заминидан, демакки, умуминсоний қадриятлардан узилиб қолмоқда. Яна тадқиқот объектига қайтайлик. Раъно асарнинг бошидан охиригача деярли бир хил кийимда — комбинезонсифат бир рўдапода юради. (Ҳатто туғилган кунида ҳам уни эгнидан қўймайди.) Миллий колоритнинг бузилиши, айниқса Жумабой ака образининг талқинида яққол кўзга ташланади. Жумабой ака ёши етмишни қоралаб қолган оқсоқол. Аммо бу нуроний кимсанинг экрандаги сиёғига эътибор беринг: маймоқ этик, серчўнтак шим, тору танқис кўйлак, алмисоқдан қолган фуражка! Юришлари, туришлари, ҳатто кулишлари саёқ йигитларникига ўхшайди.

Оддий бир томошабин сифатида «оқсоқол»нинг шаклу шамойилидан уялиб кетдим. Яна шунга имон келтирдимки, бутун Ўрта Осиёни ва ўзбеклар истиқомат қилаётган бошқа минтақаларни кундуз чироқ ёқиб қидирилса ҳам бундай майзада (майхўр), таъвия, овсар нусхани топа олмайсиз.

Хўш, бу нусха кимнинг образи ўзи?! Бу образ не мақсад билан бундай талқин қилиняпти?

Бу сўроқлар бугун бўлмаса эртага ўртага ташланадику! Кимдир уларга жавоб бериши керак-ку! Ким жавоб беради? Юқоридаги «ширпотреб» (Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, «кенг томошабинлар оммасига мўлжалланган») фильмнинг постановкачи режиссёри Мухтор Оғамирзаевми? Ёки сценарий муаллифлари бўлмиш В. Железников, А. Леонтьев, В. Хмельницкийлармими?.. Эҳтимол, улар миллий ҳаётни билмайдилар ё билсалар ҳам назар-писанд қилмайдилар.

Худди мана шу ерда Ашурали Жўраев жуда ҳам топиб айтган. Шундан бўлса керак, «Ўзбекфильм» директори Аъло Хўжаевнинг ғазабига сабаб бўлган масала ётибди. У ҳам бўлса, «Ўзбекфильм» дарвозасининг бошқа миллий студияларникидан кенгроқлиги, унинг соҳибларида сергакликнинг пасайгани, «ҳотамтойлик»нинг юксалганидир. Мен аниқ кафолат бера оламанки, «Отга меҳр» фильми шу туришда на бирорта Болтиқбўйи ва на бирорта Кавказорти республикалари студияларида суратга олинмасди...

Қайта қуриш даври ҳар бир нарсани ўз номи билан аташни тақозо қилаётир. Қолаверса, доно халқимиз аччиқни аччиқ кесади, дейди. Очиғини айтганда, кейинги 10-15 йил ичида ўзбек киносида асосан миллийликнинг йўқолиб бораётгани туфайли Бутуниттифоқ томошабини назаридан тушиб қолди. Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари талайгина. Ўйлайманки, улар мутасадди ташкилотлар томонидан ўрганилиб, керакли хулосалар чиқарилади.

Мен юқоридаги мулоҳазаларимни биргина асар атрофида айтган бўлсам-да аслида улар ўнлаб «Ўзбекфильм» маҳсулотларидан олинган тасаввуротлар сифатида туғилган. Шу боис ҳам мунозара қатнашчиларининг «Ўзбекфильм» фаолиятига ва сўнгги йилларда яратилган фильмлар ҳақида айтилган барча танқидий мулоҳазаларга тўла қўшиламан. Ахир асрий урф-одатларга эга ўзбек халқи ўзидан бир кўйлак ортиқ йиртган кишининг кўзига тик қарамас, отасининг орқасидан «сиз»лар, жуфти ҳалолининг отини атаб чақирмас эди. Бугун экранда бобоси тенги оқсоқол билан қўлини қилич қилиб масала талашаётган тирмизакни, рафиқасининг исмига отасининг ҳам номини атаб «евна»лаётган «зиёли»ни, падару бузрукворига дағдаға қилаётган «инқилобчи» фарзандни кузатиш нақадар оғир. Буюк Маркс лутф қилганидек, миллий ғурур билан миллатчиликнинг ораси бир қадам. Аммо миллатчи саналиб қолишдан чўчиб миллий руҳни барбод қилмаслик керак. Қолаверса, миллийлик умумбашарий туйғу. Зеро, тарихнинг гувоҳлик беришича, ўз миллатини севган, миллий анъаналарини бажо келтирадиган, тили, маданияти ва санъатини қадрлай олган кишигина бошқа миллатлар қадриятларини ҳурмат қилади. Бу туйғуларни тарбиялашда эса бошқа воситалар қатори кинонинг роли беқиёсдир.

Абдурасул ҲАБИБОВ

МЕҲНАТИ ОҒИР БЎЛСА...

Илк қадам

Муҳриддин эндигина қўшиқ мухлислари тилига тушган бўлса-да, лекин унинг ҳаёти бахтли тасодифларга тўла. У ўрта мактабда ўқиётган йиллари мактаб қошидаги бадиий ҳаваскорлик тўгарагига қатнашиб юрди. Мактабни тугатгач, 1977 йили «Баёт» ашула ва рақс ансамблига ишга кирди. Бир йилдан сўнг ҳарбий хизматга чақирилди. Бахтли тасодиф туфайли у Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Икромжон Бўронов ишлаётган қисмга тушди. 1980 йили ҳарбий хизматдан қайтгач, Тошкент Давлат маданият институтининг халқ чолғу асбоблари факультетига ўқишга кирди. Институтда ўқир экан, кўплаб санъаткорлар ва уларнинг ижоди билан танишишга муваффақ бўлди. Улар билан ўзбек миллий санъати, қўшиқчилигимизнинг олис тарихи, унинг эртанги равнақи учун нималар қилиш лозимлиги ҳақида кўп марта суҳбатлашди. Шундай бўлса ҳам Муҳриддиннинг биринчи устози, мураббийси унинг отаси Жалолиддин Холиқовдир.

— Бошланғич синфдалигимдаёқ, — деб эслайди Муҳриддин, — бир мени эмас, акаукаларим Ҳусниддин, Шаҳобиддинни ҳам дадам мактаб қошидаги тўгаракка бириктириб қўйганлар. Бўш юришимизга йўл қўймас эдилар (ҳозир ҳам). Юрагимга қўшиқчилик меҳрини, куйлаш ҳавасини солган биринчи муаллим — дадам. Биз ҳаммамиз санъатни қадрлайдиган инсон — дадам билан фахрланамиз.

Дарвоқе, Жалолиддин Холиқов Наманган область музикали драма театрининг концерт группасида узоқ йиллар ишлаган ҳофизлардан. Оиладаги ўғиллар ўз бахтини санъатдан топишга аҳд қилгани, қўшиқчиликка меҳр қўйгани бежиз эмас. Бу санъаткорлар оиласининг бекаси Қурбоной Убайдуллаева ёзувчи, санъатни қадрлайдиган аёллардан эканини ҳам айтиш жоиз.

Муҳриддин билан суҳбатлашар эканмиз, у иложи бўлса мен ҳақимда эмас, мен қатнашаётган «Ниҳол» ансамблининг фаолияти ҳақида ёзинг, деб илтимос қилди.

Тошкент Давлат университетининг маданият саройи қошида «Ниҳол» ансамблининг ташкил этилишида Муҳриддиннинг ҳам хизмати катта. «Ниҳол»нинг Қаҳҳор Юсупов, Бахтиёр Шокиров, Муҳаммаджон Шокиров, Ҳусниддин ва Шаҳобиддин Холиқов, Искандар Муродов каби чолғучи йигитлари санъатига алоҳида тўхталса арзийди. Бу умидли, орзули ансамбль, унинг режалари кўп. Ҳозирча ўз номи билан ниҳол бўлган ансамбль чуқур илдиз отиши, бақувват шохлар ёйиши, халқимизга манзур бўладиган мевалар бериши керак. Шу йўлда у тинимсиз меҳнат қилмоқда. «Ниҳол»нинг бадиий раҳбари Шаҳобиддин Холиқовнинг айтишича, ансамбль бу йил кеч кузда республикамиз область ва районлари бўйлаб гастролга чиқади. Ҳозир бу сафарга тайёргарлик қизғин...

Муҳриддин Холиқов репертуарида ««Эй, нозанин» (Чархий шеъри), «Гулчеҳра қиз ўйнасин», (Нормурод Нарзуллаев шеъри), «Ёғду билан», «Бу қўллар»(Эркин Воҳидов шеърлари), «Ватаним» (Абдулла Орипов шеъри) каби ўнлаб қўшиқлар борки, хонанда уларни тингловчи қалбига етиб борадиган даражада маҳорат билан куйлайди. Билмаганларини бошқа етук хонандалардан ўрганишга ҳаракат қилади. Бу ҳақда хонанданинг ўзи шундай дейди:

— Шерали Жўраев, Ортиқ Отажонов, Камолиддин Раҳимов... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Буларнинг ҳар бири бир олам. Мен қўшиқчи Ортиқ Отажонов билан шоир Омон Матжон ўртасидаги ижодий мулоқотни, ҳамкорликни қадрлайман, очиғини айтсам, уларга ҳавасим келади. Агар менда шундай имконият бўлса, шоир Муҳамад Юсуфни танлаган бўлар эдим. Ҳозир шу шоирнинг бир неча шеърини куйга солиб, машқни меъёрига етказиш ҳаракатидаман. Унинг шеърларидаги теранликни, фалсафий тафаккурни ёқтираман. Шеърларида қўшиққа яқин майинлик бор.

— Сўнгги йилларда турли хил ансамбллар кўпайиб бормоқда. Ансамбллар кўпайгани қўшиқни қадрсизлантирмасмикан! Эстрада қўшиқларини ёқтирасизми! Шу ҳақда қандай фикрдасиз!

— Гап ансамбль ташкил этилиши ёки эстрадада эмас, менингча, гап қўшиқни хоҳ халқ йўлида бўлсин, хоҳ эстрада услубида меъёрига етказиб, қойил қилиб куйлашда. Бундан буён музикадан, унинг нозик ва ранг-баранг услубидан маълумоти бўлмаган, куйлаш техникасини ўзлаштирмаган қўшиқчига қийин бўлади. Енгил-елпи, тушуниб-тушунмай айтилаётган баъзи қўшиқлар бугун эфир орқали таралгани билан узоққа бормайди. Масалан, халқимиз ардоқлайдиган, халқ куйи билан айтиладиган «Излайман» классик қўшиғи нақадар таъсирчан, нақадар вазмин, юрак тубигача етиб боради. Салобатли бу қўшиқ севимли хонандамиз Муножат Йўлчиева ижросида янада жозибали бўлиб кетади. Яқинда шу қўшиқни бир хонанда ижросида эстрада оҳангида тингладим. Қўшиқ ўз таъсирини, мазмун ва оҳанг мутаносиблигини йўқотган эди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Куйланган қўшиқни бошқа бир хонанда айтмасин, дея олмайман, қўшиқ — кўпники. Лекин мазмун ва оҳанг узвийлиги бузилмасин. Бу — қўшиқнинг биринчи талаби.

— Муҳриддин, яқин кунларда шинавандаларга қандай янги қўшиқлар туҳфа этмоқчисиз!

— Олдиндан ваъда бериш... одатим йўқ, бундай ваъдалар учун бизга ҳали эрта бўлса керак. Онам ҳамиша бир гапни такрорлайдилар: «Ўғлим, одамларга манзур бўладиган ўз қўшиғингни излашдан асло эринма. Излаш эса енгил иш эмас, меҳнати оғир бўлса, меваси ширин бўлади: халқ ардоғига сазовор бўласан». Ҳақ гаплар. Ҳа, излаш... Бир туркум янги қўшиқлар устидаги ишимиз ниҳоясига етди ҳисоб... Тингловчи қандай қабул қиларкан?

Муҳаббат ТУРОБОВА

ЁРДАМГА МУҲТОЖМИЗ

Куюнчак газетхонлардан хатлар

Ҳурматли редакция!

Мен Огаҳий номидаги Хоразм область музикали драма ва комедия театрида режиссёр бўлиб ишлайман. Ижодий фаолиятимни эндигина бошладим. Лекин сизларга бошқа масалада мурожаат қиляпман. Ўзим Хонқа шаҳарчасида яшайман. Шаҳарчамизда театр, музей, санъат асарлари учун кўргазма зали каби томошабинга эстетик завқ, тарбия бера оладиган маданият ўчоқлари йўқ. Бу, албатта, ачинарли ҳол. Ишдан бўш вақтимдан фойдаланиб, ташаббус орқали шаҳарда, кичик бўлса-да, тарих ҳамда санъат асарлари музейи ташкил этиш таклифи билан халқ депутатлари Совети шаҳар ижроия комитетига мурожаат қилдим.

Таклифим шаҳар мутасаддиларига маъқул тушди. Ҳатто бино ҳам ажратиб беришди. Ҳамшаҳарларим, дўстларим ёрдамида шаҳар тарихига оид маълумотлар, турли буюмлар йиға бошладик. Ушбу хайрли ишда район ветеранлар кенгаши, байналмилалчи жангчилар комитети яқиндан ёрдам беришяпти.

Халқимиз маданиятини, ёшларнинг эстетик дунёқарашини ривожлантиришга қаратилган хайрли ишда рассом ва ҳайкалтарош ўртоқларнинг бевосита ёрдамларига муҳтожмиз.

Кўргазма залимизда ижодкорларнинг хайрия асарлари кўпайса, чин дилдан хурсанд бўлардик.

АДРЕСИМИЗ: 741600, Хоразм область, Ҳонқа шаҳри,К. Маркс кўчаси, 88-уй.

Бир гуруҳ ташаббускорлар номидан:

Мансур ҚУРЕЗОВ

ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Илза ЛАУДЕ-СИРТАУТАС:

АФСОНАЛАР ДИЁРИДА БЎЛГАНМАН!..

Мухбиримиз кенгаш иштирокчиларидан бири, адабиётимизнинг Америка Қўшма Штатларидаги фаол тарғиботчиси, Вашингтон университети Яқин Шарқ мамлакатлари тиллари ва маданиятлари факультетининг декани, профессор, доктор Илза Лауде-Сиртаутасга бир неча савол билан мурожаат қилди.

— Илзахоним, сизнинг факультетингиз нима учун айнан тиллар ва маданият факультети деб юритилади?

— Чунки биз, биринчи навбатда Яқин Шарқ мамлакатлари, жумладан, Ўрта Осиё халқларининг ҳам тиллари ва маданиятини ўрганамиз. Биз тил ўрганиш билан ўша халқларнинг маданиятини ҳам ўрганамиз.

— Сизда тилимизни ўрганишга иштиёқ қачондан бошланган?

— Мен асли туркийшуносман. Шу соҳа бўйича ўқиганман, илмий иш қилганман. Лекин дастлаб ишни бошқа тилларни — турк, озарбойжон, туркман, қозоқ, қирғиз, уйғур, форс араб тилларини ўрганишдан бошлаганман. Ўзбек тилини ўрганишга эса 1965 йилдан киришганман. Ўзбек тили туркий тиллар орасида ўзига хос. Шу сабабли уни ўрганиш осон кечмади. Эндиликда бу тилдан талабаларга сабоқ бераман. Умуман, факультетимизда ўқишнинг ўзи ҳам осон эмас. Тил ўрганиш талабалар олдига қатъий қилиб қўйилган. Улар ўз тилларидан ташқари жуда бўлмаганда араб ва форс тилларини, аспирантлар эса бунинг устига яна немис ҳамда рус тилларини билишлари керак. Кўриниб турибдики, бизда тил ўрганишга жиддий қаралади.

— Факультетингизда ўқийдиган ўзбек йигитлари ҳам борми?

— Ҳа, бор. Иккита. Лекин, афсуски, улар Ўзбекистондан эмас, Шарқий Туркистондандир. Чунки бизнинг университетимиз Хитойнинг Шинжонғ вилоятидаги университет билан ҳамкорлик қилади. Биз улар билан талабалар алмашиб ўқитамиз. Жумладан, ҳозир битта уйғур ва иккита ўзбек йигити ҳам таълим олмоқда. Биз шундай ҳамкорликни Тошкент Давлат университети билан бошлашни истаган эдик. Мен 1973 йили худди шундай таклиф билан Тошкентга келганман. Афсуски, бизнинг ниятимизни ўшанда давлатларимиз қўллаб-қувватламади. Бу борадаги кейинги ҳаракатларимиз ҳам беиз кетди. Бироқ шундан хурсандманки, гарчи университетларимиз орасида ҳамкорлик ўрната олмасак-да, ҳар қалай Тошкент билан Сиэтл ўртасида биродарлик робиталари ўрнатилишига ҳисса қўша олганимдан бахтиёрман. Айни пайтда, менинг шогирдларим ҳозир Тошкент Давлат университетида таълим олаётганини айтиб ўтишим керак.

— Ўзбекистонга кўп келганмисиз?

— Ҳа. Биринчи бор 1972 йилда келганман. Шундан кейин деярли ҳар йили келиб турдим, десам янглишмайман. Мен Ўзбекистонни севиб қолганман. Унинг тили, маданияти, меъморчилиги, санъатини ўрганишга ҳаётимни бағишлаганман.

— Кенгаш сизда қандай таассурот қолдирди?

— Унда фойдали таклифлар ўртага ташланди, амалий ишлар белгиланди. Энг муҳими, адабиётларимизни бир-бирига таржима қилиш учун биринчи бор юзма-юз ўтириб режалашиб олдик. Демак, бу борада иш бошланди дейиш мумкин. Мен кенгашга қуруқ келганим йўқ. Факультетимиз талабалари ва умуман, ўзбек тилини, адабиётини ўрганишга қизиқувчи ҳамюртларим учун мослаб яратилган «Ҳозирги ўзбек адабиёти хрестоматияси» тўпламим ва шоир Абдулла Ориповнинг эндиликда нашрга тайёрланаётган «Ўзбекистоним менинг» шеърлар мажмуасини олиб келганман. Бу китоблардан асарларнинг ҳам ўзбекча, ҳам инглизча таржимаси ўрин олган.

— Ўзбек ижодкорларидан кимларни яхши биласиз?

— Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповни ҳам шахс, ҳам ижодкор сифатида яхши биламан. Уларнинг шеърлари жуда яхши. Худди қўшиқ куйлагандек сеҳрланиб ўқийсан. Тили ҳам ширали. Шунинг учун улар асарларини таржима қилишга ҳаракат қилмоқдаман. Афсуски, бошқа ижодкорларни кам биламан. Эҳтимол, мана шундай семинар-кенгашлар бир-биримизни кўпроқ билишга кўмаклашар.

— Сиз адабиётимиз намуналарини немис тилига ҳам таржима қилган эккансиз?

— Бир неча йил Бонн университетида Шарқ тилларидан дарс берганман. Ўшанда «Ўзбек халқ эртаклари»ни немис тилига ўгирганман. Шунингдек, немис китобхонларини ўзбек халқи ҳаёти билан таништириш мақсадида «Ўзбекистон бўйлаб...» деган китобим ҳам нашр этилган. Бу китобга қадимий маданият ўчоқлари — Самарқанд, Бухоро, Тошкент ҳақидаги афсоналар, ҳикоялар, мақолалар ва ўзбек халқ эртаклари киритилган.

Бу ўринда келгуси ҳамкорлигимиз ҳақида ҳам тўхталмоқчи эдим. Хўш, ҳамкорликларимизни қай йўсинда ривожлантирамиз? Табиийки, биринчи навбатда, асл нусхадан ўгириш учун тил билишимиз керак. Тил билиш учун эса янада яқин бўлишимиз лозим. Шу маънода, нашриётларимиз ўртасида ҳамкорлик бўлса ёки сиэтлликлар ва тошкентликлар ўзларининг биргаликдаги нашриётларини яратсалар, шунда бизда яратилган энг яхши асарлар ўзбек тилида, ўзбек тилида яратилган асарлар эса бизда нашр қилинар ва оммавийлаштирилар эди.

Ширин АКИНЕР:

ЎЗБЕКЛАР ВА АНГЛИЯ

Бугунги кунда халқлар ўртасида ҳам, адабиётлар ўртасида ҳам ҳамкорликни кучайтириш учун нималар қилиш керак? Мухбиримизнинг кенгаш қатнашчиси, Лондон университети Марказий Осиё бўлимининг ходими доктор ШИРИН АКИНЕР билан суҳбати ҳам шу хусусда борди:

— Университетимиз бўлими Ўрта ва Яқин Шарқ, Африка, Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик қилади ва бу мамлакатлар халқларининг тили, маданияти, этнографияси, архитектураси, санъати соҳасида ишлар олиб боради. Айни пайтда, Совет Иттифоқидан Грузия, Озарбойжон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон билан ҳам алоқалар ўрнатган. Шулар орасида Ўзбекистон узоқ вақт бизнинг ҳамкорлик доирамиздан четда бўлиб келди. Натижада биз ижодий ҳамкорликлар соҳасида кўп нарса ютқаздик. Айтайлик, бизда Ўрта осиёлик буюк алломалар — Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Бобур кабиларнинг нодир қўлёзма асарлари жуда кўплаб тўпланган. Тўғри, уларни ўрганишга Москва, Ленинграддан олимлар боришган. Лекин Ўзбекистондан боришмаган. Ахир уларга қизиқиш аввало Ўзбекистонда бўлиши керак эмасми? Ҳамкорликлар бугунги ўзбек адабиёти вакиллари билан ҳам бўлмаган. Шунинг учун чет эллик китобхонлар замонавий ўзбек адабиёти ҳақида кам маълумотга эга. Эндиликда адабий алоқаларни мустаҳкамлаш учун маънавий шароит пайдо бўлмоқда.

Ўзбек адабиёти билан кўпдан қизиқаман. Бунга сабаб, аввало, туркийшунослигим бўлса, қолаверса, аждодларим асли фарғоналик бўлганлиги учун бу адабиётни тарғиб-ташвиқ қилиш, унинг ютуқларидан бошқа халқларни ҳам баҳраманд этиш бурчимдир. Шу сабабли мен бу ерда таржимонлар маркази иш бошлаганидан жуда хурсанд бўлдим. Унинг биринчи семинар-кенгашига баъзи-бир совғалар ва таклифлар билан келдим. Ўтган йили Англияда чиқадиган журналлардан бири менинг таржимам ва сўзбошим билан бирга Чўлпоннинг шеърларини эълон қилди. Бу мамлакатимиз китобхонларида ўзбек адабиётига нисбатан катта қизиқиш уйғотди. Эндиликда «Коллинз» нашриёти ўзбек шоирларидан Муҳаммад Солиҳ ва Рауф Парфининг шеърлар тўпламларини нашр қилиш арафасида турибди. Келгусида эса Буюк Британия китоб нашриётлари уюшмаси улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги, таниқли ёзувчи Абдулла Қодирийнинг 100 йиллиги муносабати билан уларнинг асарларини чоп этишни мўлжалламоқда.

Шунингдек, бевосита ижодий алоқаларни ҳам кучайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Келгуси йили октябрь — декабрь ойларида Лондонда ўзбек рассомлари, ижодкорлари асарларидан иборат «Замон галереяси» деб номланган катта кўргазма очиш ниятидамиз. Ҳозир бу борада мулоқотлар олиб бораяпмиз.

Биз, айни пайтда, университетимиз билан Тошкент Давлат университети ўртасида ҳамкорликлар ўрнатиш мақсадимиз бор. Агар бу иш амалга ошса, талабалар айрибошлаган, олимлар ўртасида алоқаларни тиклаган бўлардик. Бу эса келгусида бадиий таржима соҳасида етук кадрлар тайёрлашга, адабий алоқаларни мустаҳкамлашга имкон берарди.

Кенгашда яхши таклифлар ўртага ташланди. Айниқса, таржимани асл нусхадан ўгириш кераклиги қайта-қайта таъкидланди. Бу тўғри, зеро, бошқача йўли бўлиши ҳам мумкин эмас. Лекин адабий алоқалар кўнгилдагидек бўлмаса биз асл нусха асарларни қаердан оламиз? Баъзан бизга чет тилларга ўртамиёна асарлар таржима қилинмоқда деб эътироз билдиришади. Эҳтимол, шундайдир. Лекин бизга энг яхши асарларни ким тавсия этади?

Тўғри, баъзан яхши асарлардан кўра ўртамиёнаси ўзига йўл топиб олади. Лекин шуни унутмаслик керакки, бугунги Европа китобхонига том-том китоблар эмас, ҳажман кичик, халқнинг қалбини, руҳини, урф-одатларини, дардларини очиб берувчи қиссалар, ҳикоялар, публицистик асарлар жуда-жуда керак.

Бу борада бир таклифни айтмоқчи эдим. Англияда Ўрта Осиё ҳақида бюллетень чиқарилади. Бир йилда унинг учта сони нашр этилади. Шу бюллетенга ўзбек ижодкорларининг ҳар йили чиққан китоблари ҳақида хабарлар юбориб туриш мумкинми? Мумкин. Ана шунда таржимонлар учун ҳам бир қадар қулайликлар пайдо бўларди.

Хуллас, келгусида қиладиган ишларимиз кўп. Бунинг учун, аввало, ниятларимиз муштарак бўлиши керак.

Суҳбатларни К. МАТЁҚУБОВ олиб борди

СУРАТЛАРДА: анжуман қатнашчилари — З. Соқиев (Қозоғистон), М. Али, О. Ёқубов, Илза Сиртаутас (АҚШ), Жеймс Гибсон (Англия), А. Паршиков (Москва), Йокка Маллинен (Финляндия), Ж. Камол, М. Аъзам.

О. Матжон, Ширин Акинер (Англия), П. Шермуҳамедов

С. МАҲКАМОВ суратга олган

М. Ю. ЛЕРМОНТОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 175 ЙИЛЛИГИ

Шу кунларда Иттифоқимиз адабий жамоатчилиги оташин рус шоири Михаил Юрьевич Лермонтов таваллудининг 175 йиллигини нишонламоқда. Исёнкор шоирнинг чуқур инсонпарварлик руҳи билан суғорилган эҳтиросли, образларга бой, оддий ва кўтаринки, табиий ва ўзига хос шеърияти шеърхонлар қалбига яна завқ ва шавқ, ҳайрат ва ҳаяжо улашади.

Республикамизда ҳам М. Ю. Лермонтов юбилейи кен нишонланмоқда. «Юрак амр билан яшайман», деб ё ган эди шоир. Шу биргин сатрда замонамиз кишилари нинг янгиланаётган қал туйғулари мужассамдир.

Қуйида шоир ижодида янги таржималарни эътибо рингизга ҳавола қиламиз.

М. Ю. ЛЕРМОНТОВ

КУЗ

Далаларда заъфарон хазон
Гир айланар, учар пирпираб.
Фақат қора қарағай ҳамон
Яшнаб турар, кўм-кўк, гуркираб.
Қўшчи гоҳо пешинда ҳорғин,
Қоя ости гуллар ичра ғарқ
Бир пас ором олмоқ одатин
Энди буткул айламишдир тарк.
Ҳайвонлар ҳам гоҳ гала-гала
Шошиб ўтар макон ахтариб.
Кечаси ой туссиз. Кенг дала
Кумушланар туманда ғариб.

1828

АҲДНОМА

Майли, бизнинг бу ғаройиб аҳд
Оломонда қўзғасин нафрат.
Майли, улар ўйлаганча бад:
Сен мен учун маъшуқа фақат.

Тиз чўкмасман ҳатто бу дунё
Санамлари олдида зинҳор.
Муҳаббату нафратдан авло,
Устиворроқ яна нима бор?

Шўх даврада сендек чарх уриб
Айланаман. Доно-ю нодон —
Барча ила тенг суҳбат қуриб.
Юрак амри билан яшайман.

Дунёвий бахт чикора бизга,
Муҳими, биз учун диёнат.
Биз содиқмиз ўз-ўзимизга,
Қилолмаслар бизга хиёнат.

Тил топишдик шундай дафъатан,
Кетмоқдамиз ажралиб энди.
Бу қувончсиз муҳаббат эди,
Қайғу бўлмас айриликда ҳам.

1841

ЎГИТ

Ғусса солса кўнглингга соя
Табассум қил, қув ғамни нари.
Осма қовоқ, чекма азият,
Унут бўлар пайт етиб бари.
Ёш қизларнинг алдоқлари-ю
Топталган шаън туйғулари ҳам,
Дилгирликнинг маҳзун онлари
Арзирмикан чекмоғингга ғам?

Ғаниматдир бебаҳо умр,
Балолардан ўзингни асра;
Севинч болин ютоқиб симир,
Ўзи кириб келади ҳасрат.
Одамлардан ўгирмагил юз,
Ўзгаларга ўргатма ақл;
Ахтармасанг йўқ фазилатин
Бир кун севиб қолмоғинг ҳақдир.

Не кўйларга солса ҳам юрак,
Яша юрак амрига қараб.
Ҳислар мавжин, бўлганда керак,
Тийиб қўйиш нима деган гап...
Бахтсиздир, ким тақдирида бор
Орзуларин кечириб бир-бир,
Бахт туйғусин йўқотиб, охир
Бўлар экан бахтга сазовор.

1830

Саъдулла ҲАКИМ таржималари

Александр УДАЛОВ — 75 ёшда



Азиз Александр Андреевич! Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси ҳайъати Сизни, жумҳуриятимиздаги кекса рус адибини, 75 ёшингиз билан муборакбод этади. Биз сизни асарлари Бутуниттифоқ китобхонларининг эътиборини қозонган, уларни совет ватанпарварлиги ва байналмилаллик руҳида тарбиялашга хизмат қилаётган ёзувчи сифатида яхши биламиз. Сизнинг «Сабр косаси», «Севги мангу яшайди», «Ватан ўғлонлари» каби романларингиз, «Марина», «Мовий тоғларда» қиссаларингиз ва бошқа асарларингиз ғоявий-бадиий жиҳатдан етуклиги билан ажралиб туради. Сиз оддий ишчиликдан тортиб Улуғ Ватан уруши солдатигача бўлган ҳаёт йўлини босиб ўтдингиз. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси раҳбарларидан бири бўлдингиз. «Звезда Востока» журналига бош муҳаррирлик қилдингиз. СССР Ёзувчилар уюшмасининг Марказий ревизия комиссиясига аъзо қилиб сайландингиз.

Сизнинг кўп қиррали ижодий ва жамоатчилик фаолиятингиз партия, ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланди. Кўплаб орден ҳамда медаллар билан тақдирландингиз. Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати ва Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси унвонларига сазовор бўлдингиз.

Қадрли Александр Андреевич, таваллудингиз кунларида Сизга жумҳуриятимиз ёзувчилари мустаҳкам соғлиқ, ҳаётда ва ижодда янги муваффақиятлар тилайдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР
ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ ҲАЙЪАТИ

Қутлаймиз!

Совет ЖОМОНҚОРАЕВ — 60 ёшда

Ҳурматли Совет Жомонқораев!

Сизни қутлуғ олтмиш ёшингиз билан табриклаймиз. Сиз Ўзбекистонда яшаётган қозоқ ижодкорлари сафида пешқадам, сермаҳсул болалар шоири ва ҳажвчи сифатида фаол ижод қилиб келмоқдасиз. Ўз асарларингизда ўзбек ва қозоқ халқининг азалий қондошлик туйғусини тасвирладингиз. Бу фазилат сизнинг машқ шеърларингиздан бошлаб 1963 йилда нашр этилган «Ёшлигим» тўпламингизда, «Шеърлар», «Тенгдошлар», «Шапалоқ», «Ким ўзи», «Йил — ўн икки ой» номли болаларга аталган шеърий ва ҳажвий асарларингизда янада камол топди. Ушбу тўпламларда жамланган шеърларингизда сиз болалар руҳиятини, уларнинг топқир ва зийрак қалбларининг нотинч товланишларини истеъдод билан акс эттирдингиз. Ҳажвий асарларингизда ҳаётимизда содир бўлган баъзи адолатсизликни, текинхўр, чайқовчиларни фош қилдингиз.

Ҳурматли Совет Жомонқораев!

Сиз айни камолот ёшидасиз. Ижодий тажрибангиз, воқеаларни етук ижодкор назари билан илғаш қобилиятингиз келгусида янада ўқишли асарлар яратишингизга умид туғдиради.

Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, ижодий ишларингизга барака тилаймиз!

ЎЗБЕКИСТОН ССР
ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ ҲАЙЪАТИ

«ЎЗБЕК ПОЭЗИЯСИ»

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти билан Польша Халқ Республикасининг «Лодз» нашриёти ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Ўзаро келишувга биноан вақти-вақти билан Ғафур Ғулом номидаги нашриёт ПХР ижодкорларининг, «Лодз» нашриёти ўзбек шоир ва ёзувчиларининг асарларини чоп этиши керак.

Яқинда «Лодз» нашриётида «Ўзбек поэзияси» антологияси чоп этилди. Ўттиз беш босма табоқдан иборат бу антология Ўзбекистон ССР Ёзувчилари уюшмаси ҳамда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан тайёрланган. Китобга Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг директори, филология фанлари доктори Бахтиёр Назаров кириш сўз ёзган. Антология ўзбек халқ оғзаки ижоди дурдонаси «Алпомиш»дан парча билан бошланади. Сўнгра Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб Балосоғуний, Аҳмад Югнакий, Паҳлавон Маҳмуд, Лутфий, Саккокий, Дурбек, Ҳусайн Бойқаро, Бобур, Турди, Зебуннисо, Машраб, Мужрим Обид, Мунис Хоразмий, Муқимий, Фурқат ва яна бошқа кўплаб ўзбек классик адабиёти намояндаларининг асарларидан намуналар берилган. Тўпламда буюк мутафаккир Алишер Навоий ижодига катта ўрин ажратилган. Унинг кўплаб ғазаллари, туюқлари билан бирга «Лайли ва Мажнун» ҳамда «Фарҳод ва Ширин» достонларидан парчалар ҳам эълон қилинган.

Антологияни ўқиб Улуғ Октябрь инқилобидан бугунги кунгача бўлган ўзбек шеърияти билан ҳам танишиш мумкин. Ҳамза, Ғафур Ғулом, Ойбек, Усмон Носир, Миртемир, Мамарасул Бабоев, Зулфия, Шуҳрат, Асқад Мухтор, Шукрулло, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева, Рауф Парфи, Муҳаммад Солиҳ, Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Мақсад Бекжон ва бошқа кўплаб ўзбек совет шеърияти вакиллари ижодидан намуналар берилган.

Тўпламга Тадиес Майда сўнгсўз ёзган. Антология сўнгида муаллифлар ҳақида қисқача маълумот берилган.

ЎзАС АХБОРОТИ

Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг катта залида Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор Георгий Мушелнинг 80 йиллик таваллуди нишонланди. Сўзга чиққан Ўзбекистон ССР Композиторлар уюшмасининг раиси Аҳмад Жабборов Георгий Мушелнинг ўзбек совет музика санъатига қўшган улкан ҳиссасини таъкидлаб, санъаткор фаолияти ҳақида сўз юритди.

Сўнгра симфоник оркестр ижросида таниқли пианиночи, профессор Офелия Юсупова иштирокида унинг фортепиано учун ёзилган Тўртинчи асари янгради.

Икки қисмли концерт мухлисларда яхши таассурот қолдирди.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ

●

Ҳамза номидаги Қўқон музикали драма театри коллективи драматург Ш. Бошбековнинг «Тақдир эшиги» пьесаси асосида саҳналаштирилган янги спектаклни томошабинларга тақдим этди.

Асарни Москва Сатира театрининг стажёр режиссёри Аҳад Пармонов саҳналаштирди. Бош ролларни театр артистларидан Саҳобиддин Эргашев ва Анора Шербўтаева ижро этмоқдалар. Спектакль қўқонлик санъат мухлисларига манзур бўлмоқда.

С. ҲАЙДАРОВ

●

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозига ташриф буюрган шоирлардан Жуманиёз Жабборов, Исмоил Маҳмуд, Нодира Рашидова янги шеърларидан ўқиб бердилар. Учрашувда «Баҳор» халқ рақс ансамблининг хушовоз хонандаси Эркин Рўзматов куйлаган қўшиқлар, ансамблнинг ёш раққосаларидан Муҳаббат Холиқова, Шаҳло Дўстмуҳамедова, Олима Ёқубова, Гўзал Мансурхўжаева рақслари, созандалардан Нажот Тўрахўжаев, Илҳомжон Ҳамдамов, Маъмур Мирдадаев ижро этган дилрабо куйлар йиғилганларга манзур бўлди.

И. МИРЗАМАҲМУДОВ

●

Душанба шаҳрида яҳудийларнинг дўстлик ва маданият жамияти — «Ҳаверим» иш бошлади. Яқинда В. Маяковский номидаги Душанба Давлат рус драма театрида бўлиб ўтган таъсис мажлисига ўзбекистонлик ижодкорлар, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар — Исоқ Катаев ва Раъно Шарипова қатнашдилар.

Тожикистон ССР маданият хазинасининг раиси, шоира Гулрухсор Сафиева яҳудийларнинг дўстлик ва маданият жамияти «Ҳаверим» муайян халқ анъаналарини сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эга эканкиги ва у совет маданияти ҳазинаси устави асосида фаолият кўрсатиши ҳақида сўзлади.

Мажлисдан сўнг Тожикистон ва Ўзбекистон санъат усталари ижросида концерт берилди.

●

Тошкент Давлат оперетта театри ўзининг янги мавсумини бошлади. Бу ҳақда театр директори **Овсей ФЕЛЬДМАН** мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Театримиз янги, 17-мавсумини Штрауснинг «Кўршапалак» опереттаси билан бошлади. Бундан сал илгарироқ 25 сентябрь куни Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи саҳнаси бизнинг ихтиёримизга берилди. Ўша куни ўтган мавсумда саҳнага олиб чиққан энг яхши спектаклларимиздан бири — Шоунинг «Миллионер аёл» асарини юзлаб томошабинлар кўриш имкониятига эга бўлдилар. Бундан буён ҳам энг сара асарларимизни ана шундай, кенг томошабинлар ҳукмига тақдим этаверамиз.

Репертуаримизнинг қарийб ярмини классик композиторларнинг асарлари ташкил этади. Масалан, Кальманнинг «Лўли премьер», Штрауснинг «Вальс қироли», Легарнинг «Фраскита» асарлари шулар жумласидандир. Янги мавсумда ўзбек композитори Э. Солиҳовнинг «Қувноқ айбдор» асари ва бошқа кўплаб замонавий мавзудаги оперетталар томошабинларни ўзига чорлайди.

Бу мавсумда биз ажойиб оперетта — Бахнинг «Гўзал Елена» асарини саҳнага олиб чиқамиз. Болаларга «Музикали қутича» тақдим этамиз.

Янги мавсумда ҳам одатдагидек гастроллар ва меҳнат коллективлари билан учрашувлар диққат марказида бўлади.

РЕДАКЦИЯМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

ЖУРНАЛИСТЛАР ГУРУНГИ

Куни кеча — 10 октябрда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» редакциясида республика матбуот, полиграфия ва китоб савдоси давлат комитети ҳузуридаги малака ошириш курсининг тингловчилари—область газеталарининг ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда ҳафталик бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, бош муҳаррир ўринбосари Иброҳим Ғафуров ҳаёт муаммолари, барча соҳаларда етук мутахассислар етиштириш, редакция коллективи олдида турган кечиктириб бўлмас вазифалар тўғрисида гапирдилар. Меҳмонлардан Ҳошим Қодиров (Бухоро), Сотимбой Авазов (Хоразм), Абдузуҳур Қорабоев (Тошкент область, Паркент райони), Каромат Бегашова (Сурхондарё) сўзлаб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилаётган материаллар ҳақидаги фикрларини айтдилар, областлардаги муаммолар, қайта қуриш даври тақозо этаётган тафаккур даражамиз пастлиги ҳақида сўзладилар. Улар айниқса эскича иш юритиш услуби янгилик йўлида катта тўғоноқ бўлаётганини алоҳида таъкидладилар.

Журналистлар гурунгида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг бўлим мудирлари — Маҳмуд Саъдий, Карим Баҳриев ҳам қатнашиб ҳамкасбларининг саволларига жавоб бердилар, газетачиликка доир айрим фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

СУРАТДА: учрашув қатнашчилари

Ўзбекистон ССР Ёзувчилари уюшмаси ҳайъати, СССР Адабиёт фондининг Ўзбекистон бўлими СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Эркин Маликовга отаси

Малик МАВЛОНОВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилари уюшмаси ҳайъати, СССР Адабиёт фондининг Ўзбекистон бўлими СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Неъмат Аминовга онаси

Муҳаррам биби МУРОД қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

—«Ўзи ёқади, пули чақади», деганлари шу бўлса керак-да, Ҳай, майли, гулдан бошлай қолай.

— Биттаси бир сўм дейсизми? Янги пулга-я? Воҳ, воҳ, воҳ, ўзимизга ўхшаган ҳазилкаш экансиз-ку, опажон!

— Ие, нималар дейишяпти булар? Олой бозорига бораман деб Новосибирскка келиб қолмадимми, ўзи?

— Килоси олти сўм, маза-матра йўқ, бўғонича бўптию...



— Ўв мулла, бунақада хонавайрон бўлиш ҳеч гап эмас. Эсингни йиғ, каллани ишлат.

—Деҳқончилик қиламан. Сўзидан қайтган номард!

Абдуғани АБДУВАЛИЕВ

ТАЪРИФГА СИҒМАЙДИГАН ОДАМ

ҲАР КУНИ ТУШЛИКДАН КЕЙИН бир кунжакка тўпланамиз-да, мириқиб тутатамиз ва таъминот бўлимимиз бошлиғи Жунбош Жўнаев ҳақидаги ҳасратимизни бошлаймиз. Гап шундаки, Жунбош Жўнаев бўлимга бошлиқ бўлиб келган кейинги икки йил ичида коллективнинг меъдасига шу қадар тегдики, уни кўрган заҳоти ҳамманинг баданига қизилча тошадиган бўлиб қолди. Айниқса, молия хўжалиги бўлимининг бошлиғи Фахри афандининг Жунбошни кўришга тоқатлари йўқ эди. Ногоҳ йўлакда унга назарлари тушиб қолса, бўғилиб оҳ урадиларки, оғизларидаги сигарет тутуни уч чақиримга отилади. Фахри афандини «афанди» дейишимиз боиси шуки, ул зот оёқ кийимни ишхонага кириб келаётганда остонага тўшалган латтага артмасдан, кўчага чиқиб кетаётганда артадилар. Яна «именна» деган сўзни чунонам кўп ишлатадилар.

— Ҳой, — дедилар тўсатдан бир кун афандим. Сўнг атрофга аланглаб олдилар. — Бу, Жунбош билан қандай ишлаяпсизлар?

— Сиз қандай ишлаган эдингиз?

— Э-э, сўраманг. Бизга бўлим бошлиғи бўлган пайтда, нақ жинни қилиб қўйган. Оёғимизга энди қизил латта боғлаб чиқиб кетамиз, деб турганимизда, худога шукур, сизларга ўтиб кетди. Ҳей, туриб-туриб ҳайрон бўламан: дунё нақадар кенг. Шу дунёда минглаб мамлакатлар бор, аммо Жунбош именна бизнинг мамлакатда-я. Мамлакатимиз қанчалик бепоён. Шу бепоён мамлакатда, именна бизнинг жумҳуриятда, именна бизнинг вилоятда, именна бизнинг ноҳияда-я, шу одам. Ноҳиямизда қанчадан-қанча ташкилот бор, именна бизнинг ташкилотда ишласа-я...

— У ягона нусха! — луқма ташлади саксовулга ўхшаган иқтисодчи Нуриев.

— Менга қаранг, — дедилар Фахри афанди муҳим бир янгилик айтадигандек, — сиз матбуотга у-бу ёзиб турасиз. Шу Жунбошни бир ҳажвия қилмайсизми?

— Бўлмайди, — типик эмас. Бизнинг жамиятимизда бундай одам борлигига ҳеч ким ишонмайди, — дедим буюк ёзувчилардек улуғворлик билан.

— Нега ишонмайди?.. Қўпол, пангбош, аҳмоқ, бунинг устига, бировдан қарз олса, қайтариб бермайди. Бунақа одамлар кўп.

— Битта персонажга шунча қусур оғирлик қилади. Демак, типик эмас.

— Бизга оғирлик қилмаяптими?.. Ҳе, тавба... Агар Азиз Несин бўлганда, типиклаштириб оларди!

— Мен Азиз Несин эмасман. Бу ер эса, Туркия эмас.

— Ёзувчиликка мамлакатнинг нима алоқаси бор?

— Жуда алоқаси бор-да. Масалан, Туркияда «Манави идорани бошқараётган одам — эшшак», десангиз, ишонишади. Бизда эса, ҳатто боғча боласи ҳам бошлиқ билан эшакнинг фарқига боради.

— Эплолмайман, денг? — деди Фахри афанди бўшашиб.

— Таърифлай олмайман. Типик эмас.

— Жунбош таърифга сиғмайди, — деди Нуриев.

— Вот, именна, — дедим Фахри афандига тақлид қилиб.

Шу пайт тушликдан қайтаётган Жунбош Жўнаев кўринди. У гўнгқўнғизга ўхшаб лапанглаб келарди.

— Ҳа, тушликдан қайтаяпсизми? — деб сўради Фахри афанди.

— Ишингиз нима? — деди кўзларини ола-кула қилиб Жўнаев. — Тушликдан қайтаяпманми, бошқа жойданми, хўжайинмисиз?

— Қайси куни абедга деб уч сўм олувдингиз...

— Нокасдан қарз бўлма, ҳам йўлда тутар, ҳам чўлда. Оласиз-да, ўша уч сўмингизни.

Фахри афанди мўлмайиб қолдилар.

— Нега қарз берасан, деб жағингизга солвормасин яна, юринг, — деди Нуриев афандимиз қўлтиқлаб.

Мана шу нотипик шахснинг ортидан кира кўрманг ва ҳол-аҳвол сўраманг. Унга битта гап кам, иккитаси — ортиқча. Яқинда бир киши хонага кириб келди. Ҳол-аҳвол сўраша туриб гап орасида Жўнаевга қараб:

— Кўз тегмасин, Жунбош ака, жа, тўлишибсиз, — деди.

Жўнаевнинг кўзларига қон тўлди.

— Етиламанми-етилмайманми, сенинг нима ишинг бор? Менинг вазнимни чамалаб келгин деб, ким сенга буйруқ берди? Ё қассобмисан?!

Ҳалиги одам ёқасини ушлади. У чиқиб кетгач, Жўнаев мендан сўради:

— Ҳей ҳалиги одам ишпион эмасми? Етилганим билан нима иши бор?..

Шу куни у ҳаммадан: «Мен етилганманми?» — деб сўраб чиқди. «Йўқ, етилмагансиз», деган жавоб олгач, тинчигандек бўлди. Одатлари шунақа-да.

Бу унинг қилиқларидан зарраси. Фахри афандининг фикрларича, ана шу зарраси ҳам одамни зардобга тўлдириб юборади. Коллективга ёққан нарса, унга ёқмайди. Чунончи, матбуотда бирон мақола чиқса-ю, ҳамма қизиқиб ўқиса, у тутоқади:

— Вой, аблаҳлар-эй, вой, тентаклар-эй. Булар нимани ёзишяпти? Ахир бутун жамиятни порахўр, лўттибозга чиқариб юборишяпти. Бу ёзувчи, журналистларни қамаш керак! Тилини қисиб қўйиш керак. Ҳой, ҳукумат билан олишяпти, бу хумпарлар!..

Минг шукрки, шахсга сиғиниш даври эмас. Бўлмаса, у ҳаммамизни оттириб юборади. Яна Фахри афанди уни ҳажвия қилинг, дейди. Усталикни қаранг, замбаракнинг оғзига тўғрилаб қўймоқчи...

Бугун тушдан кейин одатдагидек чекишиб, унинг ҳақида гапириб турсак касаба уюшма қўмитасининг раиси: «Ҳамма бошлиқнинг хонасига!» — деб қолди. Бошқалар еб, биз қуруқ қоладигандек, Фахри афанди билан бошлиқнинг хонаси томон шошилдик...

Хона каттагина бўлишига қарамай, уч-тўрт киши тик туриб қолди. Фахри афанди икковимиз битта курсига омонатгина ўтирдик.

— Так, ҳамма йиғилдими? — атрофга назар ташлади район ижроия қўмитасидан келган вакил. — Ўртоқлар, мана бошлиғингиз Тоймасов деярли чорак аср сизлар билан ота-боладек ишлаб келди. Раҳбарлар келиб-кетаверади, коллектив эса қолаверади. Биз у кишининг пенсияга чиқиш ҳақидаги талабини қондиришга мажбур бўлдик. Бироқ ўртоқ Тоймасов ҳамиша бизнинг сафимизда қолади...

Барчамиз ҳайрон бўлиб бошлиққа қарадик. У отасининг тобути устида жаноза ўқилаётгандек қадрдон столига хомуш тикилиб ўтирарди.

Вакил сўзида давом этди.

— Ўртоқ Тоймасовнинг ўрнига, ўзингизнинг коллективингизда тарбияланган, умидли кадрларимиздан Жунбош Жўнаевни тайинладик.

Аввалига ҳаммамиз карахт бўлиб, анграйиб қолдик. Вакилнинг гапини англамагандек анқовсираб турдик. Кейин орамизда Жўнаев ҳам борлиги ёдимизга тушиб, бирин-кетин унга қарай бошладик.

Вакил Жўнаевнинг фазилатларини санаб кетди...

— Бу ғирт тентаклик, — дея шипшидим ёнимда иягини қашиб ўтирган Фахри афандига.

— Вот, именна, — деди лунжи осилиб. — Ўлай агар, энди қарзини мутлақо тўламайди.

— Жунбош бирон амалдорга қариндош ёки ҳамқишлоқ, — орқа томондан шивирлади Нуриев.

ВАКИЛ СЎЗИНИ ТУГАТГАЧ, кимдир минғирлади:

— Ҳозир, менингча, коллектив фикрини...

— Коллектив фикри ўрганилган, — деди унинг сўзини бўлиб вакил. — Ахир биз сизларга етти ёт одамни бошлиқ қилиб қўймаяпмиз-ку? Ўзингиз тарбия қилаётган кадр. Қани, бир қўл кўтариб юборинглар-чи...

Юз иссиқ экан. Ҳамма бирин-кетин қўл кўтара бошлади. Катта раҳбар «қани, ҳа», деб тургандан кейин... Фахри афанди икковимиз ҳам бармоғимизни қимирлатиб қўйдик.

— Агар Азиз Несин бўлганда, шу воқеани типиклаштирарди, — дедилар Фахри афанди.

— Вот, именна, — деб қўйдим мен. — Чунки Туркияда бошлиқ билан эшакнинг фарқига боришмайди. Бизда эса, афандим...

Сиз қандай изоҳлайсиз?

ҲАЗИЛЛАШСА БОЛАСИ...

Кузнинг салқин эпкини юзга урилди. Мана энди, кимдир жўжа санайди, кимдир ғалвирни сувдан кўтариб кўради. Кимдир салқин туша бошлаганидан сергак тортиб, қишнинг ғамида кўмир қидирса, ўзга бири иссиқ кийим ҳам талонга ўтмасидан олиб қолсам, деб ҳалак. Хуллас, трамонинг ташвишидан ҳеч ким четда қолмайди, ҳисоб. Биз эса бир ярим ойни доимий машғул бўлган юмушимиз — изоҳталаб суратга келган хатларни ҳисоб-китоби билан ўтказдик. Ниҳоят баъзилари қиссадек узундан-узоқ, баъзилари бир жуфт сўз билан изоҳланган жавобларни санаб, саралаб — сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб чиқдик. Азага борган ўз дардини айтиб йиғлайди деганларидек, уч юз эллик киши болаларини боғчага жойлаштиролмай сарсон бўлиб юрганликларига шаъма қилиб жавоб йўллабди. Ҳолва деган билан оғиз чучимаганидек, шакар масаласидаги изоҳлар ҳақида айтмасак ҳам бўлади Чунки кўп ёзиб, кўп айтилди, афсуски шакар кўпайгани йўқ. Бир қанча опа-сингилларимиз эса совун танқислиги боис камроқ кир юваётганликларидан «хурсанд» эканликларини шу суратга боғлабди, тушмагурлар.

Шундай қилиб, 971 мактубни чойхона ҳайъатининг назаридан ўтказиб, теша тегмаган, қитиқламасдан кулдирадиган, қисқа ва закий изоҳларни танлаб, сиз муҳтарам газетхонларнинг эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

Марҳамат, энди бош совриндорни ўзингиз танлайсиз-да, азизлар.



●

Замонавий «энага».
У. ХОЛБЕКОВ
(Пастдарғом райони)

●

XX аср кенгуруси.
Т. ШОМУРОДОВ
(Чироқчи райони)

●

«Чиқ ўғлим, автобусда сиқилишиб юрамизми».
О. ҚУРБОНОВА
(Шаҳрисабз)

●

«Ўғлим, иккимизга ҳам қийин бўлди. Сенга боғча, менга эса тингловчи керак».
Р. ХОЛБОЕВА (Задарё)

●

XX аср бешиги.

●

ЎҒИЛ: Дада, бу ер худди тувагимга ўхшаркан.
Б. ЭРНАЗАРОВА
(Фарғона)

●

«Овози чиқмаяпти, хўл қилдинг шекилли?!»
А. ОМОНОВ
(Ленинград райони)

●

Аччиқланса — отаси енгар, ҳазиллашса — боласи.
Қ. МАМАРАСУЛОВА
(Москва райони)

●

ЎҒИЛ. Дадажон, ойимларникига қараганда сизнинг аллангиз менга кўпроқ ёқаяпти!
Ш. СОБИРОВА
(Ўш области)

●

«Онаси бозордан келгунча йўлини қилиб овутиб турсам бўлди-да».
А. ЭШМУРОДОВА
(ҚҚАССР)

●

Одам — инкубатор
А. СОДИҚОВ (Қиргули)

●

ОТАРЧИНИНГ БОЛАСИ: Пулдан чўзмасангиз, тушмайман!
Н. ТОЖИБОЕВ
(Учқўрғон)

●

Олахуржуннинг шакли
А. БАДРИДДИНОВ
(Сайрам)

●

Эй биродарлар, чойхонамиз сўрисини тўлдириб, қимирлашга ҳам имкон қолдирмаган тўп-тўп мактублар орасида расм-топишмоғимизни қофиялаштириб — шеърга солиб изоҳлаган жавоблар ҳам кўп экан. Зукко мухлисларимизнинг ана шундай оҳангдору мазмундор жавобларидан баъзиларини сиз билан баҳам кўришни лозим топдик:

«Кимга айтай, ёронлар,
Қалбимнинг ноласини.
«Катайса» қилдиряпман
Бошлиқнинг боласини».
Э. ТУРСУНОВ (Косон)

●

«Кеча-кундуз тинчлик йўқ,
Бос-да, карнай «наъраси»
Ёмон иш қиб қўяман,
Гар яна чиқса саси!»
С. САЛИМОВ
(Бухоро)

●

«Дада, бобом чаларди
Узун, тўғри мис карнай.
Сиз эгрисин чалсангиз,
Мен унга тиқин бўлай!»
М. ҚУРБОНОВ
(Жиззах)

Энди, сиз, муҳтарам газетхонларга йўллаган ва йўллаяжак жавобларингиз учун миннатдорчилик билдирар эканмиз, Шум болага суратчи Ҳасанбой Бекимов жиндек «ҳазил» қилганини айтиб ўтмасак бўлмас. Маълум бўлишича, юқоридаги манзарани асли Қорақалпоғистоннинг Беруний районидаги 41-ўрта мактабнинг еттинчи синф ўқувчиси Хегай Александр суратга туширган экан. Ҳасанбойнинг ҳазиллари ҳам бор бўлсин, у киши эса бу суратни ўз номидан бизга жўнатибди. Чойхонамиз маъмурияти ёш Александрнинг келгусидаги ижодига муваффақият тилаб қолади.

Сиз, азиз мухлисларга янги изоҳталаб суратни ҳавола қилар эканмиз, ҳажв билан йўғрилган жажжи-жажжи жавобларингизни кутамиз.



Ш. ЙЎЛДОШЕВ суратга олган

ШУМ БОЛА

ШУМ БОЛАГА ОЧИҚ ХАТ

Бу жамоат одамлари ўзи билан овора,
Ҳозир дардим бир қатра, бўлмасин бир тоғора

Сизларга маълумки, мен колхозда туғилганман, пахтанинг ичида бутифосми ё бутапостми, хуллас, ўша балони ҳидлаб катта бўлганман. Ёшлигимда футболга қизиқардим. Мактабди амал-тақал қилиб битиргач, Тошкентга бориб физкультурний институтга ҳужжат топширдим. Биринчи синовдаёқ «капут» бўлиб қишлоққа қайтсам, дадам: «Ҳа, майли, қайғурма болам, бир ҳисобда яхши бўпти, тўрт йил ўқиб югуришди ўрганармидинг? Жа қизиқсанг, ана молди бўшатворсанг орқасидан хоҳлаганингча югуравересан», — деб тасалли берди. Барибир алам дарди ёмон бўларкан, туни билан ухлаёлмадим, эрталабга яқин шу юрагимдан бир нима отилиб чиқди-ю, полда ётган укамнинг дафтарини чангалладим. Тимирскиланиб юриб, учи яхши қиртишланмаган қалам топдим. Юрагимдан тўкилаверди, дафтарга ёзилаверди. Бир вақт туриб бундай қарасам, анча ёзиб қўйибман. Мана, ўшанда ёзган биринчи шеърим; «Кўклам», деб атаганман.

Қорлар эриди, қушчалар келди,
Ечилди пальто, кийилди туфли.
Пишди сумалак, йўқолди суварак.
Яшасин Наврўз, ям-яшил, кўм-кўк!

Эътибор берган бўлсанглар, қофияси жойида, вазн, туроқ деган нарсалардан ҳам топилади. Хўш, инсоф билан айтинглар-чи, бу шеърни нимаси ёмон? Яна бу анча олдин ёзилган нарса, шунгаям йигирма беш йил бўлди. Ўшандан бери мингтача сиёҳдон (ҳисоблаб чиққанман), юз бойлам қоғознинг «бошини едим».

«Камбағални туянинг устида ит қопади», — деганларидай бир нодон хотинга учраганман, шунчалик саводсизки, шеъриятни «ш» ҳарфиниям тушунмайди. Бир куни мени «Номи чиқмаган шоир» деб мазаҳласа бўладими? Жон-поним чиқиб кетди, «Хап, сеними?» — дедим-да йигирмата шеъримни газетага юборвордим. Гапимнинг исботи учун битта намунасини кўринг:

Ёзинг, дўстлар, ёзиб қолинг,
Ёзиб қолиш вақти келди.
Қўшнингизнинг товуғи борлигини,
Муаллимнинг эшаги борлигини,
Уйларимиз кенг, ёруғ ё торлигини...

Яна бир гапни айтиб қўяй, мен пок одамман, буни айтмасам ҳам шеърларимдан маълум. Йигирма беш йил давомида мен кўп нарсаларни ўргандим, адабиётнинг бутун сир-асрорини билволдим, натижада Эркин Воҳидов, Чархий, Собир Абдулло ва яна анча шоирлар меникидай ёзяптилар. Менинг бу хизматларимни ёзувчилар союзига маълум қилишингизни сўрайман. Кейинги пайтлардаям анча яхши нарсалар ёздим. Уларни кўп кишиларга (тоғам, жияним, аммам, холам ва бошқаларга) кўрсатганимда, ҳаммалари «яхши» деб баҳо берганлар.

Сизларга хат ёзишдан мақсадим, мана, икки йилдирки, редакцияларизга ҳар ҳафтада шеър жўнатаман, натижа йўқ. Ўтган йили Толмасов деган одам: «Шеърларингиз баҳорда чиқади», — деб жавоб ёзган эди. Лекин, мана, август ойи ҳам тугаб боряпти-ю, ҳали дарак йўқ... Ахир, менинг ёшим анчага бориб қолган бўлсаям кўринишим ёш, шу вақтгача касалликни кўрганим йўқ. Тўғри, ёшлигимда безгак, тутқаноқ, бош оғриқ билан оғриганман, лекин бунга аҳамият бермаса ҳам бўлади. Энг муҳими, бармоқларим бақувват. Хуллас, менинг ижодим қачон дунё юзини кўради. Шеърлари босилиб чиқаётган ўша ялангбош шоирлардан қаерим кам? Менинг ҳам шеърларимни халқ ўқисин, баҳо берсин. Ўзим-ку ёзганларимга юз процент ишонаман. Мана, ўзим яхши кўрадиган тўртлигимни эътиборингизга ҳавола қиляпман. Балки буни тўртлик эмас, рубоий деб атаса ҳам бўлар:

Мен қийналиб хор бўлдим, ўлим бундан афзалроқ,
Чидаб, охирин ўйлаб, бўлдим ҳаммадан бахтлироқ.
Ёрнинг ишва-илваси қанча куйдирса мен бахтли,
Писанд қилмайди мени, онгли, олий маълумотли.

Сизлар халқни шундай ажойиб шеърлардан бебаҳра қиляпсизлар, бу ҳукуматимизнинг сиёсатига тўғри келмайди. Ҳозир ошкоралик даври, мен ҳам бундан фойдаланиб бор ҳақиқатни ёзяпман. Сизларга дўппи кийиб тушган суратимни юборгандим, эҳтимол, шунга менсимагандирсизлар? Ғафур Ғулом ҳам дўппи кийиб юрган-ку, ахир. Сизларга айтадиган гапим шу: август ойигача ваъда қилган шеъримни чиқаришингизни талаб қиламан. Буёғда хотинимнинг масхаралашлари ҳам жонимдан ўтиб кетди...

Огоҳлантириб қўяй, хатимни икки нусхада ёздим, бир нусхада тақдим қиламан, сизлар эътибор қилмасангиз, Москвага юбораман.

Салом билан шоир Тақдумий.

Мактубни оққа кўчирувчи
Матлуба АЗАМАТОВА

БИР ҚАЙНОВИ ИЧИДАГИ ИБОРАЛАР

Қип-қизил тентак бўлса ҳам, баъзи гапида маъно бор эди.

●

Хўжа Насриддин билан бирга адабиётга унинг эшаги ҳам кириб қолган.

●

Ўзи ахлоқсиз бўла туриб ўзгани ахлоққа ўргатарди.

●

Ҳақоратни энг муҳим тарбия воситаси деб ҳисобларди.

●

Маданиятни маданият министрлигида бўлади деб ўйларди.

●

Катта аҳмоқ — кичик аҳмоқ бари бир аҳмоқ. Лекин каттасидан зарар кўпроқ.

●

Ота-онанинг қадр-қиммати вафотидан кейин билинади.



Солдат ҳамиша жангга, бухгалтер эса ревизияга тайёр бўлиши керак.

●

Бақувватнинг имконияти кўп бўлади.

●

Эрини даромад манбаи деб биларди.

●

Бахтга қарши кўпчилик ақл тўлганда, камчилик эса ақл озайганда оламдан ўтади.

●

Одамнинг катта-кичиги бўлади, аммо ишнинг катта кичиги бўлмайди.

●

Ёмон ниятли одам пашшани ари билан чатиштиришни орзу қилади.

●

Олиб ўрганган беришни билмайди.

Сулаймон СОДИҚ

ОБУНАЧИ АНОЙИ ЭМАС

Йил якунланиб бормоқда. Хирмон кўтарадиган пайтлар келди. Тадбиркор деҳқон ҳосилни йиғиштириб олиш билан бирга келгусини ҳам ўйлайди, янада бўйдор хирмонлар тадоригини кўради.

Айни кунларда матбуотчилар ҳам шундай қилишмоқда. Йилнинг сўнгги чораги биз учун ҳамиша қизғин кечади. Бунинг боиси, биринчидан, муштарийларга берилган ваъдаларни, режалаштирилган ишларни бажаришга улгуриб қолиш ҳаракати бўлса, иккинчидан, обуначи учун кураш.

Ҳа, ҳа, айни шундай. Мана, икки ойдирки, муштарийлар сафларини кенгайтириш, ҳеч бўлмаганда, улар сони камайиб кетмаслигига йўл қўймаслик учун жиддий ва ошкора кураш бормоқда. Оддий мухбирлардан бош муҳаррирларгача обуначилар даврасида. Меҳнат коллективларида, дала шийпонларида, ишчилар, зиёлилар, шифокору талабалар билан бўлаётган учрашувларда газета-журналлар фаолияти чуқур таҳлил қилиниб, ютуқ ва камчиликлари эътироф этилмоқда.

Обуначи ҳам анойи эмас. Беш сўм тугул беш тийин ҳам осмондан тушмайдиган бир пайтда таваккалчилик кетмайди. Қайта қуриш ҳали ҳамён масаласига тўла ойдинлик киритгани йўқ. Хўш, хўш, дея талабчанлик билан кузатиб турибди. «Огонёк» қиммат. «Шарқ юлдузи» хўб савоб ишлар қилмоқдаю аммо нархи баландроқ. Фанимиз, турмушимиз боягидек бўлса ҳам «Фан ва турмуш»да кескин ўзгариш сезиляпти. «Ёш куч»га балли, ёш бўлишига қарамай ғайрат-шижоат билан олдинлаб бормоқда.

Газеталарни айтинг. Салобат билан савлат тўкиб туриш йўқ. Обуначи аллақачон хўжалик ҳисобига ўтган. Фалон сўм тўлаб қўйдими, марҳамат, пулига яраша озуқа олиши керак. Бир мири камига ҳам кўнмайди. Буни яхши англаб етганлар орасида қўшни «Ёш ленинчи» ҳам борлиги бизни айниқса қувонтиради.

Хуллас, кураш тобора қизиб бормоқда. Яқинда Наманган вилоятида бўлиб ўтган кўп учрашувларда буни янада чуқурроқ ҳис этдик. Янгиқўрғон районидаги «Гулшан», Киров номли совхозлар далаларида бўлганимизда муштарийлар бизни кўп ва хўб саволларга тутишди. Ўзларини ўйлантираётган, ташвишга солаётган нарсаларни рўйи рост айтишди. Пахтакорлар меҳнати ўз қадрини топаётгани ҳаммани қувонтирмоқда. Деҳқон томорқа олмоқда, уй-жой қурмоқда. Ҳафта ичида бир тонна пахта терган киши 150-200 сўм пул олаётганига гувоҳмиз.

Аммо бошқа муаммолар ҳам мавжуд. Тақчиллик нима дегани ўзи? У қаердан келиб чиқди? Турғунлик йилларидан кўра яхшироқ, самаралироқ ишлаяпмиз. Аммо натижа гужонда? Бу ҳам майли, меҳр-оқибат, ҳурмат деган нарсалар бўларди. Улар қаёқда қолди? Тили ярим чиққан болага «ҳай» десанг, ошкораликни пеш қилади.

Наманган шаҳридаги беморларга «тез ёрдам» кўрсатиш шифохонаси ходимлари билан учрашув қизғин баҳс-мунозарага айланиб кетди. Газеталар кунда бўлмаса ҳам, кун-ора ношуд врачлар, ҳамшираларни боплаб савалаб туришибди. Аммо оқ халатлиларнинг ҳаммаси ҳам ношуд, бемеҳр, боқибеғам эмас-ку! Беморларга қон, жон бағишлаётган фидойилар ҳақида нега кам ёзилади?

Яна бир гап. Ёш оилаларнинг барбод бўлиши, етимхоналарнинг кўпаётганлиги ҳаммамизни ташвишга солмоқда. Газеталар бу мавзуга ҳам қўл урдилар. Аммо иллатнинг таг-замири очилмаяпти. Илдиз омон экан, шумғия ўсаверади.

Наманган шойи газламалар комбинатидаги учрашув «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Наманган ҳақиқати» ва кўп нусхали «Ишчи шарафи» газеталарининг байрамига айланиб кетди. Ёшлар қайта қуришнинг фаол жарчиларига айланган нашрлар фаолиятига юксак баҳо бердилар. Матбуотнинг чин сўзи, адолатли кураши меҳнат аҳлининг дардларига малҳам бўлмоқда. Ростгўйлик, ҳақпарварлик кишилар қалбида қайта қуриш муваффақиятига ишонч уйғотмоқда.

Учрашувлар чоғи муштарийларимиз ҳафталик фаолиятини янада яхшилашга доир кўпгина қимматли таклифларни ўртага ташладилар. Уларнинг саволларига бош муҳаррир А. Мелибоев, «Наманган ҳақиқати» газетаси муҳаррири Т. Назиров . жавоб бердилар. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га обуна бўлиш давом этди. Келгуси йили Наманган шойи газламалар комбинатининг 1500 ишчиси, аврли газламалар комбинатининг 800 тўқувчиси, «Гулшан» совхозидаги Зиёда Охунова, Убайдулла Хўжамбердиев бошлиқ бригадаларнинг ҳамма аъзолари, райондаги 30-мактаб педагогика коллективи газетамизга ялписига обуна бўлдилар.

ЖУМА
КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ
БАҲОСИ 10 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН
АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Орган Союза писателей Узбекской ССР и Министерства культуры Узбекской ССР

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ.
Таҳрир ҳайъати: Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, Усмон АЗИМОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Рамз БОБОЖОН, Одил ЁҚУБОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Тоҳир ШАМСИЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Тўлаберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Малик ҚАЮМОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Пиримқул ҚОДИРОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ (масъул котиб)

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент — 700083, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: бош муҳаррир — 33-52-91, 32-57-42; бош муҳаррир ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул котиб — 33-49-93; секретариат — 32-58-49; БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; поэзия ва проза — 32-55-78; санъат — 32-56-48, 32-54-56; хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-49; сатира ва юмор — 32-54-71.

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар авторларига қайтарилмайди. Ҳикоялар уч интервалда 14 бет, очерк ва мақолалар 12 бетдан ошмаслиги керак.

Р. — 1201. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593. Б. — 3154. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

ҲАМЗА МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

ШЕЪРИЯТИМИЗ САРДОРИ

Севимли шоиримиз Ибро- м Юсуповнинг Ҳамза но- дагн жумҳурият давлат кофотига номзоди кўрса- тани ҳақидаги хушхабар ав- ом республикамиз бўй- бир зумда тарқалди. Ҳа, ақалпоғистон халқ шоири- пурмаъно ва ҳассос шеъ- достонлари Ўзбекистонда- эмас, балки барча қар- ўлкаларда, хорижий мам- тларда ҳам машҳурдир. аткорнинг теран фалса- манзумалари, дилга яқин жаси дунё халқларининг тилларига таржима қи- эл-юртлар ошиб ўз мух- бини топмоқда.

ъдодли шоир Ибройим внинг рангин шеърия- рақалпоқ адабиёти хази- ан муносиб ўрин эгал- н. Чунки унинг новаторона ди халқимизга ҳамиша илик бахш этади, илғор қа- ларни сингдиради. Шоир лари чин инсоний туйғу- ни улуғлайди, ҳатто тўрт- ари ҳам ҳаётимизнинг, уму- дунёнинг улкан ҳақиқатла- и кенг китобхонлар омма- содда, тушунарли тарз- етказишга қодир. Унинг данлик пафосига тўлиқ алари шеърхонни юк- икка чорлайди, эзгулик курашга, эзгуликни бар- о этишга умрини бағиш- а даъват қилади.

ройим Юсупов ўз асар- да минбар шоири, шоир- ифатпарвар сифатида на- бўлади. Унинг шеърия- алқни маърифатли қилиш- атта ижтимоий вазифани дилдан адо этмоқда.

ир ўзининг дастлабки те- машқлари биланоқ мухлислари эътибо- тортганди. Шу-шу, г ҳар бир янги аса- ўқувчи чанқоқлик би- кутадиган бўлди. Китоб- севимли қаламкашининг рий сатрларидан маъна- озиқ, қувват ола бошлади, й эҳтиёжларини қондиришга одатланди. Бунинг сабаблари бор эди, албатта. Аввало шуки, И. Юсуповнинг барча етук шеърларига халқ оғзаки ижоди руҳи чуқур сингиб кетган, тили халқона, рангин, мисралари маъноли, китобхон қалбига, онгига тез етиб боради. Шоир ижодининг ана шу новаторона фазилати кенг шеърхонлар оммасига манзур бўлди.

Ибройим Юсуповнинг ижодий қамрови кўламли. У бир неча етук драматик асарлар ҳам яратган санъаткордир. Драматургнинг яратмалари Станиславский номидаги Қорақалпоқ давлат музикали драма ва комедия театри репертуаридан мустаҳкам ўрин олган. Адиб ижодининг новаторлик моҳияти драматургияда ҳам ёркин намоён бўлди.

Биринчи қорақалпоқ операси «Ажиниёз»нинг либреттоси ҳам И. Юсупов қаламининг маҳсулидир.

И. Юсупов — етук олим. У 1949 йилдан бошлаб олий мактабда мударрислик қилди, бақувват илмий асарлар яратди. 1965 йилдан 1980 йилгача Қорақалпоғистон АССР Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатини бошқарди. 1980—1988 йиллар мобайнида эса автоном республика газетаси — «Совет Қорақалпоғистони»да муҳаррирлик қилди. Ҳозирги пайтда И. Юсупов ҚҚАССР Тинчликни ҳимоя этиш комитетининг раисидир.

Унинг истеъдоди туфайли кенг ўқувчилар оммаси жаҳон шеъриятининг Шекспир, Байрон, Шиллер, Гёте, Гейне, Пушкин, Лермонтов, Шевченко, Абдулла Тўқай, Мустай Карим, Зулфия сингари кўпдан-кўп шеър юлдузларининг баркамол асарлари билан ўз она тиллари — қорақалпоқ тилида танишишга муяссар бўлдилар.

Ибройим Юсуповнинг шеърияти инсонни эзгуликларга ошно қилади, комилликка даъват этади, одамни ўзига ва атрофдагиларга меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлишга ўргатади. Назаримизда, шоир асарларини ўқиган, мутолаа қилган ҳар бир одам аввалгидан яхшироқ бўлиб борадигандек туюлади.

Атоқли қорақалпоқ сўз санъаткорининг ижоди шу билан ҳам қимматлики, унинг шеърияти қалби ҳамиша замона, давр қалби билан ҳамоҳангдир. И. Юсупов кенг ва теран билими билан қорақалпоқ шеъриятини бир поғона юксалтирди. Унинг ижодида мураккаб ва қаҳрамонона давримиз шодликлари-ю кулфатлари, фожиалари аксини топмоқда. Ибройим Юсуповга Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотининг берилиши отахон шоиримизнинг XX аср қорақалпоқ адабиёти, қолаверса, қорақалпоқ маданияти соҳасидаги кўп йиллик шахсий хизматларининг тан олиниши, автоном республика маданий-ижтимоий ҳаётида эса улкан воқеа бўлур эди.

Ж. ОЙМИРЗАЕВ, ЎзССР халқ ёзувчиси,

О. ШОМУРОТОВА, СССР халқ артисти,

Н. АНСОТБОЕВ, ЎзССР халқ артисти, режиссёр,

Қ. АБДУРАЙИМОВ, ЎзССР халқ артисти, режиссёр,

С. АВЕЗОВА, ЎзССР халқ артисти,

А. ПАХРАТДИНОВ, филология фанлари номзоди,

С. ПОЛВОНОВ, ҚҚАССР халқ артисти, дирижёр,

О. ҚОСИМБЕТОВ, артист,

И. АЛИБЕКОВ, ҚҚАССР халқ рассоми

НУКУС

Ирфон АНВАР НАСРИДДИН ўғли:

ТУРКИСТОН ЙЎЛЛАРИДА

Туркия ва ўзбек адабиёти ўртасидаги ўзаро ҳамкорликлар илдизи ниҳоятда қадимий. Бугунги кунда эса маълум фурсат узилиб қолган бу алоқалар яна давом этмоқда. Шу кунларда туркия фольклор илмий-тадқиқот уюшмасининг Бош раиси, қирқдан ошиқ китобнинг автори, фольклоршунос олим, шоир, таржимон ва публицист Ирфон Анвар Насриддин ўғли жумҳуриятимизда меҳмон бўлиб турибди. У яқинда Ёзувчилар уюшмасида уюшма раҳбарлари билан мулоқотда бўлди. Мухбиримизнинг таржимон билан суҳбати ҳам адабий алоқалар хусусида борди.

— Ирфон афанди, яқинда Тошкентда ўзбек адабиётининг хориждаги таржимонларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш рўйхатида сизнинг номингизни ҳам ўқидик. Лекин сиз билан учрашолмадик!..

— Ҳа, бу кенгашга мен ҳам таклиф қилинган эдим. Бу ерга аслида кенгашга қатнашиш ниятида келгандим. Лекин, начора, имкон бўлмади, келишим биланоқ фольклоршунос сифатида Қозоғистон ва Қирғизистонда Тўхтағул оқиннинг тўйида қатнашишимга тўғри келди. Кенгаш ўтказилганидан, ниҳоят, бевосита ҳамкорликлар йўли очила бошлаганидан эса хурсанд бўлдим. Бироқ бу ҳамкорликни биз эндиликда сўз эмас, кўпроқ амалда намоён қилишимиз керак.

— Бугунги ҳамкорликларимиз аҳволи сизни қониқтирадими!

— Шу ўринда мен бир нарсага изоҳ беришни истардим. Бизнинг адабий алоқаларимизга Туркия билан Туркистон адабиёти ҳамкорлиги деб қараш лозим. Яъни ягона тилда сўзлашувчи халқлар адабиётлари дўстлигидир.

Бугунги кунда бевосита алоқаларимиз ўзининг тўғри йўлига тушмоқда. Биз бир-биримизга шоир ва ёзувчиларимизни, асарларини, халқларимиз ҳаётини кенгроқ таништиришимиз лозим. Шу муносабат билан ўтган йили Анқарада менинг «Қардош Ўзбекистон шеърияти антологияси» китобим нашр этилди. Китобга 50 ўзбек шоирининг шеърларидан намуналар киритдим. Шеърлар турк ўқувчиларига янада тушунарли бўлиши учун лотин алифбесида ҳам ўзбекча, ҳам ўа тили турк тилида берилди. Турк китобхонлари антологияни жуда яхши кутиб олдилар. У ақда мамлакатимиздаги деярли барча газеталар ижобий тақризлар, мақолалар эълон қилди. Эндиликда шундай ж аср «Турк шеърияти антологияси» бу ерда нашрга тайёрланмоқда. Бу антологиядан 60 оши турк шоирларининг 10 минг мисра шеърлари ўрин олади. Шундай бир-биримизга таржима қилинаётган асарлар кўп.

Бевосита борди-келдилар ҳам тикланмоқда. Айтайлик, мамлакатимизда ҳар йили бутун дунё турк адабиётшунослари, тарихчилари, тилшунослари, фольклоршуносларининг анжуманлари ўтказилади. Бунга кўп мамлакатлар вакиллари қатнашадилар. Лекин буларга Ўзбекистондан вакиллар боришмасди. Бу йил, бахтимизга, шу анъана бузилди. Май ойидаги анжуманларимизда жумҳуриятингиздан Миад Ҳакимов ва Тўра Мирзо ҳам иштирок этди. Эндиликда бу борди-келдилар доимо давом этиши керак.

— Туркияда ўз аждодларимизнинг илмий ва ижодий мероси қандай ўрганилмоқда!

— Меросимиз жуда чуқур тадқиқ этилади ва кенг тарғиб қилинади. Жумладан, бизда ўзбекларнинг классик адабий ва илмий меросига ҳам катта эътибор билан қаралади. Фикримнинг исботи учун иккита мисол келтиришни истардим. Буюк олим бу Али ибн Сино меросини ўрганиш яхши йўлга қўйилган. Анқарадаги мамлакатимизнинг энг катта касалхоналардан бири унинг номидадир. Шунингдек, ҳар йили август ойида бир ҳафта мобайнида жумҳуриятимизда Ибн Сино кунлари ўтказилади. Кунларда унинг илмий ва ижодий меросига бағишланган конференциялар, анжуманлар уюштирилади. Буларнинг натижаси ўлароқ ҳар йили улуғ олим мероси тадқиқига бағишланган янги китоб нашр этилади.

Ёки ўзбекларнинг улуғ шоири Алишер Навоий асарлари ҳам ана шундай эътиборга моликдир. Уни бизда адабиётимизнинг буюк устози деб қарашади. Асарлари эса кўплаб нусхада нашр қилинганидан қатъий назар, ҳар йили қайта-қайта чоп этилади. 1991 йилда улуғ устознинг 550 йиллиги жумҳуриятимизда ҳам кенг байрам қилинади. Ҳозир бу борада тайёргарлик ишлари бормоқда.

Бугун қайта қуриш шарофати билан ўзбек адабиётида кўп янгиликларга дуч келдим. Айниқса, ҳаёти ва ижоди қатоғон қилинган адиблар асарлари яна қайтадан бўй кўрсатибди. Бизда Чўлпон, Усмон Носир каби ижодкорларни яхши билишади. Эндиликда уларнинг ва шу билан бирга Абдулла Қодирий, Фитрат, Авлоний каби ижодкорларнинг асарларини ҳам китобхонларимизга етказишимиз керак. Бугунги ўзбек адабиёти, айниқса прозаси ҳар томонлама бойиб бормоқда. Демак, биз шеърий антология каби ўзбек адибларининг насрий тўпламини ҳам таржима қилишимиз зарур.

— Бу галги келишингизда нималарни кўзда тутгансиз!

— Мен бу ерга бир бор келганман. Ўшанда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабзни уларнинг қадим маданий ёдгорликларини кўрганман. Бу галги келишимда эса Хоразмни кўриш ниятим бор. Хоразм — бу бизнинг улуғ боболаримизнинг юрти, пойқадами теккан замин. Туркий халқларнинг қадим тарихининг бир бўлаги мана шу заминда ётибди. Бу муқаддас юртни зиёрат қилмаслик эса гуноҳ.

Қолаверса, мен бу юртларни кўриб кўнглимда «Туркистон йўлларида» деб номланган публицистик асарлар ёзиш нияти ҳам туғилди, буни сафарсиз, зиёратсиз амалга ошириб бўлмайди.

Хуллас, тили, замини, аждодлари бир бўлган халқларни яна яқинлаштириш учун Туркияда ҳам Туркистонда ҳам кўп ишлар қилиниши лозим.

Суҳбатни К. МАТЕҚУБОВ
олиб борди

СУРАТДА: Туркияда нашр этилган «Қардош Ўзбекистон шеърияти антологияси» ва бу китоб ҳақида турк газеталарида эълон қилинган мақолалар.

КИЧИК ДАВЛАТНИНГ КАТТА ЁЗУВЧИСИ

збек адабиётининг алоқа- и жаҳоннинг узоқ қитъала- а ҳам етиб бормоқда. Кабо де мамлакати дунё хари- да элас-элас кўзга таш- ади. Атлантика океа- инг ўртасида жойлаш- бу давлатнинг 300 нг аҳолиси бор. Яқинда бо Верде республикасидан бекистонга ҳозирги кабо- рде адабиётининг таниқли или, Кабо Верде Ёзувчилар оциацияси правлениесининг оси, олий ваколат органи миллий мажлисининг утати, шоир, прозаик Томе ела да СИЛВА ташриф бу- ди. Унга Кабо Верде Ёзув- р ассоциациясининг аъзоси, программа директори, ра Дина САЛИШТИУ ҳам- лик қилди. Улар Самар- шаҳрида ҳам бўлдилар. Силва билан суҳбатлаш-

— Аввало Кабо Верде мам- ати тўғрисида кенгроқ маъ- от берсангиз!

— Кабо Верде давлати Ғар- Африкада жойлашган бў- , Атлантика океанидаги 10 лдан ташкил топган. Пой- и Прая шаҳри. Унинг тер- рияси шамолли ва шамол- оролларга бўлинади. Ша- ли оролларида тинимсиз ол қип-қизил қумларни тўзон билан кўтариб ту- Бу оролларда қурғоқчи- кучли. Давлатимизнинг ий тили португал тили. и 1462 йили Кабо Верде- одам яшамайдиган орол- ни португаллар эгаллаган. йилдан 1975 йилгача Пор- лия мустамлакаси бўлиб и. Давлатнинг асосий она креольо лаҳжасидир. сан мулат халқи яшайди. чи Африка қитъасида жойлашган бўлсак-да, бизда ҳарорат 32 даражадан ошган эмас. Халқимиз деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Хорижий мамлакатларга кўпроқ кофе, банан, ерёнғоқ, тамаки, шакарқамиш етказиб берилади.

— Кабо Верде адабиёти узоқ тарихга эгами!

— Кабо Верде 1975 йилда мустақил республика сифатида эълон қилинган бўлса-да, адабиётимизнинг тарихини узоқ даврларга боғлаш мумкин. Ўзимизнинг маҳаллий креол тилида халқ оғзаки адабиёти ривожланган. Бу адабиётдаги шеър ва қўшиқларда Ватанни қўмсаш, муҳаббат ва айрилиқ мотивлари куйланган. Бизда ёзма адабиёт португал ва креол тилларида яратилади. 1936 йилда «Кларидате» номи билан биринчи марта миллий журнал чиқарила бошланган эди. Унинг атиги 9 сони нашр этилди. Э. Тавариш. М. Лмес, Б. Лопес, Ж. Барбоза, П. Кардозу, О. Алкантар, А. Фонсека каби ёзувчилар XX асрдаги миллий адабиётимизнинг таниқли вакилларидир. О. Алкантарнинг «Шикинью», М. Лопишнинг «Шарқий шамол фош этади» романларида ижтимоий тенгсизлик фош этилган. А. Фонсеканинг шеърларида мустамлакачилик қораланган.

— Кабо Верде Ёзувчилар ассоциацияси қандай ишларни амалга ошираяпти!

— Ёзувчилар ассоциацияси шу йилнинг февраль ойида ташкил топди. Унинг 70 аъзоси бор. Ҳозирча ассоциация ўзининг нашриётига, бадиий журнали ва газетасига эга эмас. Лекин мамлакатимизда учта босмахона мавжуд. Уларда ўз асарларимизни нашр этмоқдамиз. Ёзувчилар ассоциацияси хорижий мамлакатларнинг Ёзувчилар уюшмалари билан ижодий ҳамкорлик ўрнатишни асосий вазифа, деб қарамоқда. Бизнинг Советлар мамлакатига қилган сафаримизнинг мақсади ҳам шунга қаратилган. Биз ҳозирча совет ёзувчиларининг асарларини португал тили орқали биламиз. Келажакдаги мақсадимиз уларни ўз она тилимизга таржима қилишдир.

— Ўз ижодингиз ҳақида сўзлаб берсангиз!

— Бадиий ва илмий характердаги ўндан зиёд китобим босилган. Ҳар бир ёзувчининг ижодида ижтимоий мавзу ҳамиша актуал, деб ўйлайман. Албатта, халқимизнинг миллий характери, орзу-интилишлари, кураши ва қаҳрамонлиги менга ҳам илҳом бермасдан қўймаган. Мен бу ўринда «Африкага қўшилиш», «Кеча, бугун, эрта», «Қуш қўнмас» каби шеърий, «Бир куни оқшом», «Рождество» каби прозаик, «Инаси Бонхоним», «Биния Кабрайхоним» каби этнографик масалаларга бағишланган китобларимни таъкидлашни истар эдим.

●

Республикамиз Ёзувчилар уюшмасида Японияда яшайдиган корейс ёзувчилари, «Минто-ша» нашриётининг нашри Ли Фе Сонг, шу нашриёт редакцияси аъзоси Ким Чан Жонг меҳмон бўлди. Япониялик ёзувчилар республикамиз адабий ҳаёти, шунингдек, Тошкент ва Самарқанд шаҳрида корейс халқининг ҳаёти билан танишишди. Меҳмонларга Совет Иттифоқида яшайдиган корейс ёзувчиси Хан Дин ҳамроҳлик қилди.

А. АБДУРАҲМОНОВ

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ЧЕТ ТИЛЛАРДА

ейинги йилларда чет эл- да ўзбек адабиётига қизи- янада кучаймоқда. Шу- учун адабиётимизнинг энг и намуналари турли хо- жий тилларга таржима қи- моқда. Шулар орасида и Одил Ёқубов асарла- лоҳида ўрин тутади. асарлари ҳозиргача ортиқ чет тилларга ган. Айниқса, чет эл- итобхонлар адибнинг романларини интиқ- н кутиб олмоқда- умладан, ироқлик ардан бир гуруҳи нинг романларида Осиё ва Яқин Шарқ катларининг тарихи, ари тақдири ўзига хос , нозиклик билан ифо- топган. Унинг асар- тилимизга кўпроқ тар- қилинишини истаймиз», деб ёзишса, чех ўқувчилари «Одил Ёқубов асарлари кўз ўнгимизда ўзбек халқининг гўзал маданиятини, урф-одатларини намоён қилди», деб мактуб битади.

Шу сабабли адиб асарлари бошқа тилларга ҳам ўгирилмоқда. Яқинда Ужгороддаги «Карпаты», Будапештдаги «Ференц Мора», Братиславадаги «Мадача» нашриётлари ҳамкорликда ёзувчининг «Улуғбек хазинаси» романини венгер тилида нашрдан чиқарди. Асарни рус тилидан венгер тилига Иван Фельдеак таржима қилган. Асардаги шеърларни таниқли шоир Габор Гараи ўгирган.

Ижодкорнинг яна бир тарихий мавзудаги асари — «Кўҳна дунё» шу йил Москвада «Дружба народов» журналининг «Совет прозаси кутубхонаси» туркумида рус тилида «В этом мире подлунном...» номи билан нашрдан чиқарилди. Асарни рус тилига Юрий Суровцев таржима қилган. Китобни рассом А. Никулин расмлар билан безаган. Китобдан Одил Ёқубов рус китобхонларига таништирувчи сўнгсўз ҳам ўрин олган.

Шинжонг халқ нашриёти уйғур китобхонларини Одил Ёқубов асарлари билан кенгроқ доирада таништириб бормоқда. Аввал ҳам мазкур нашриётда ижодкорнинг ҳикоялар тўплами, қиссалардан иборат китоби таржима қилиниб нашр этилган эди. Яқинда нашриёт китобхонларнинг талабларига мувофиқ адибнинг «Диёнат» романини ҳам босмадан чиқди. Асарни ўзбек тилидан уйғур тилига Абулэмит Си ва Тоҳир Толип таржима қилишган. Нашриётдан берилган сўзбошида ўқувчи Одил Ёқубовни ҳаёти ва ижоди билан таништирилад

Шунингдек, бошқа ўз ижодкорлари асарлари чет тилларда нашр қил моқда. Абдулла Ориповни «Ўзбекистоним менин шеърлар тўплами Америк Қўшма Штатларининг Сиэт шаҳрида босмадан чиқари ди. Тўпламдаги шеърла икки — ўзбек ва инглиз тил ларида берилган. Шеърларни таниқли таржимон Илза Сиртаутас ўгирган.

Худди шу таржимон «Ҳозирги замон ўзбек адабиёти хрестоматияси» китобини тўплаб Германия Федератив Республикасининг Висбаден шаҳридаги «Отто Харрассович» нашриётида таржима қилиб чиқарди. Унда Ғ. Ғулом, Ойбек, А. Қаҳҳор, Уйғун, Ҳ. Ғулом, С. Зуннунова, Шукрулло, П. Қодиров сингари кўплаб адибларнинг асарлари ҳам ўзбек, ҳам инглиз тилларида берилган. Китоб сўнггида ўзбекча-инглизча луғат ҳам илова қилинган.

Шарян
томирлар



АДЫЛ ЯКУБОВ

В этом мире подлунном...

Библиотека советской прозы

Дружба народов

издательство Известия



ABDULLA ORIPOV

Uzbekiston Manim

(My Uzbekistan)

- Poems -

Translated from Uzbek

by

Ilse Laude-Cirtautas

(Seattle)



Ilse Laude-Cirtautas

Chrestomathy of Modern Literary Uzbek

Otto Harrassowitz

Wiesbaden

Олтмиш УСАРОВ — 60 ёшда

Ҳурматли Олтмиш Ўсаров!

Ўзбекистон ССР Ёзувчилари уюшмаси ҳайъати, болалар адабиёти кенгаши Сизни кутлуғ олтмиш ёшга тўлган кунингиз билан самимий табриклайди.



Сиз ёш авлодни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш билан бирга ўз шогирдларингиз ҳақида ихчам, болабоп ҳикоялар ҳам ёзиб келяпсиз. Бу ёзганларингиз «Чўлда булбул сайрайди», «Акамга ўхшайман» номи билан алоҳида тўплам холида нашр этилган. Ҳам тингиз, шоир Умарали Қу новнинг жасоратли ҳаё бағишланган «Сиздан мин дорман, одамлар» но ҳужжатли қиссангиз ўқувч орасида катта қизиқиш би ўқиляпти. «СССР халқ ма фи аълочиси» унвонига с вор бўлган моҳир мураб ни, болалар ижодкор табриклаш билан баро Сизга узоқ умр, тани соғ ижодий омад тилаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВ ЛАРИ УЮШМАСИ ҲАЙЪ

Қутлаймиз!

Аблязиз ВЕЛИЕВ — 50 ёшда

Қимматли Аблязиз ВЕЛИЕВ!

Ўзбекистон ССР Ёзувчилари уюшмаси ҳайъати сизни туғилган кунингизга 50 йил, ижодий фаолиятингизга 30 йил тўлиши муносабати билан чин кўнгилдан қутлайди.

Сиз меҳнат фаолиятингизни ишчиликдан бошладингиз, сўнгра мухбир бўлиб танилдингиз. Газета ва журналларда масъул вазифаларда ишладингиз, ҳозир «Ленин байроғи» газетасининг муҳаррир муовини вазифасида хизмат қилмоқдасиз. Китобхонлар сизнинг «Байроққа томган кўз ёшлар», «Бахт юлдузи» каби ҳужжатли қиссаларингизни, бадиий очерклар тўпламларингизни севиб ўқийдилар.

Адабий жамоатчилик сизни қўшиқчи шоир, забардаст фольклоршунос ва моҳир таржимон сифатида яхши билади. Сизнинг «Аҳмад Ақай латифалари» ва «Топишмоқлар» тўпламларингиз қримтатар халқ ижоди ҳазинасининг дурдоналаридан иборат бўлса, замонавий мавзулардаги омма қўшиқларингиз хонандалар монидан севиб куйланмо Жаҳон ва совет адабиётин энг яхши намуналари би қримтатар китобхонлар таништиришдаги хизматинг ўзбек тилида яратган шеър очеркларингиз ҳам таҳси лойиқдир.

Сиз айни чоғда, қримтат совет адабиёти ва журнал тикасининг навқирон авлоди тарбиялашда самарали фаол кўрсатмоқдасиз.

Ҳурматли Аблязиз ВЕЛИЕ

Сизни барча газетхонлар қаламкаш дўстларингиз қутл 50 ёшингиз билан муборак этадилар.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, марали ижод, камолот тила дилар.

ЎЗБЕКИСТОН СС
ЁЗУВЧИЛАРИ
УЮШМАСИ
ҲАЙЪАТИ

БАХШИ ҚАДРИНИ ХАЛҚ БИЛАДИ

БУНДАН 30 ЙИЛЛАР аввалги Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Самарқанднинг баъзи районлари, Бухоронинг айрим қишлоқлари, ҳатто Тошкент областининг узоқ районлари, буёғи Қорақалпоғистон, Туркманистон томонларда бўлган тўйларда кўпкари чопилган, келинни куёвнинг хонадонига ёр-ёр айтиб олиб келганлар. Келинлар билан куёв олов атрофидан айлантирилган, шу гулхан атрофида халқнинг ажойиб қўшиқлари ва рақслари ижро этилган, қизлар бир тараф, йигитлар бир тараф ўлан айтганлар, болалару момолар ўзларининг қизиқ-қизиқ урф-одатлари билан ҳаммани кулдириб, тўйга файз киритганлар. Аммо тўйларнинг файзию кўрки, салобати бахши бўлган.

Бу анъаналарни нима учун қийқириқ базмларга, ҳанноси оламни тутган тўйларга алиштирдик? Нечун энди мустақил ҳаётга қадам қўйган ёшларимизни эзгу ният билан гўшангага кузатиш ўрнига қадаҳ тўла оғу билан кузатишимиз керак? Бизнинг ўша қадимий тўйларимиз катта маърифий аҳамиятга молик эди.

Агар фалончининг тўйига фалон бахши келибди, деса нафақат қишлоқ, ён-атроф қишлоқ одамлари ҳам от миниб, туя қўмлаб, тўйга айтилса ҳам, айтилмаса ҳам кела берган. Тўй эгасининг ҳовлиси чоғроқ бўлса бир қанча ҳовлилар бир-бирига қўшиб юборилган. Бахшининг дўмбра оҳанглари, бадиҳа билан оқиб келадиган шеърий тизмалари камоли эҳтиром ва диққат билан тингланган.

Анъанага ҳурмат — бу ҳали ҳеч нарса эмас. Анъаналарни давом эттириш, яъни уларнинг энг яхшиларини бугунги кунимизда ҳам тадбиқ қилиш лозим. Бахшини энди фақат китоблардан ўқишимиз, асарини музейга экспонат қилиб қўйишимиз керакми? Музейга қўйиладиган осори-атиқаларимиз кўп. Аммо бахши бугунги кунимизда ҳам ўз ўрнини эгаллаши, аждодларимиз хаёлоти, қаҳрамонлик даврлари билан бизни ошно қилиб туриши керак. Зотан, манқурт бўлиб қолмаслигимиз учун аждодларимизни эслатиб туриши, гўзал ўтмишимизни, бой маънавий хазинамиз бўлганлигини айтиб туриши керак.

Сиз ўз уйингизда ўтирибсиз. Айтайлик, уйнинг тўридаги деворга гўзал палак қоқилган. Унинг ҳар бир қатим ипагига, ипак билан безалган гулларига, ундаги қуёш ва юлдузлар рамзига ҳавас билан қарайсизу, «Қойил!» деб қўясиз. Бундай палаклар тикилиш асносида меҳнаткаш ва жафокаш момоларимиз неча ойлар мобайнида бир-бирлари билан мулоқотда гўзал эртакларни, қўшиқларни, афсоналарни тўқиганлар. Палакнинг ҳар бир қатим ипагида момоларимизнинг тарихи, аччиқ ўтмиши, жафоли меҳнати, эҳтимолки, шашқатор кўз ёшлари бордир. Бу палак маданий бойлигимиз, ўзбек аёлларининг ижоди, санъати...

Партия ва ҳукуматимизнинг миллий сиёсати туфайли ўзбек совет фольклорчилиги, археологияси, антропологияси, этнографияси деган батамом янги фанлар юзага келди. Унутилган анъаналаримиз, унутилган шоирларимиз халққа қайтарилди.

Ҳақиқатни тан олишимиз керак: гўзал мақом-куйларимиз, турли оҳангларимиз XX асрнинг бошларига қадар айрим ҳолларда нотага олинган ва асосан оғиздан-оғизга ўтиб бизгача етиб келган бўлса, асосан кейинги даврда нотага олинди ва келажак авлодларнинг дахлсиз мулки бўлиб қолди. Ёки адабиётимиздаги классик мерос бизнинг асримизда систематлаштирилди, халққа тақдим этилди, тадқиқ қилинди. Шуниси диққатга сазоворки, коммунистик партия ўзининг дастлабки қарорларидаёқ маданий мероснинг бир қисми бўлган фольклорга катта эътибор берди.

Халқ поэзиясининг революцион руҳи шундан иборатки, инсон руҳиятини, унинг тафаккур доирасини, дунёқарашини, ҳаёт тарзини хоҳ элементар равишда бўлсин, хоҳ мукаммал тарзда бўлсин, рўй-рост ифодалаб беради. Шу билан бирга оммани ўз орқасидан етаклай билади.

Тарихнинг ўзи шоҳидки, XIX аср иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий воқеалар демократик адабиётда қандай акс этгани маълум. Аммо шу ижтимоий-сиёсий воқеаларга халқ ижодиётининг фаол аралашгани аёндир. Аммо XX аср бошларига келганда, яъни халқнинг сиёсий онгидаги ўзгаришлар бўртиб кўринган даврда эса фольклор ёзма адабиётдан устунлик қилди. Агар ёзма адабиётда XX аср бошларида маърифатчилик — мактаб ва маориф ғояси кенг тарқалган бўлса, ижтимоий-сиёсий воқеаларни, халқ революцион ҳаракатининг баъзи қирраларини акс эттириш фольклор зиммасига тушган. Халқ қўшиқлари билан бирга «Норгулой» «Улуғой», «Келиной», «Иззатой» «Дастагул», «Пардахол», «Жумагул», «Қорақум» сингари достонлар шулар жумласига киради. Масалан, «Норгулой» достони (бу достон Қодир Раҳимов репертуаридан) 20-йилларнинг бошларида даставвал турли қўшиқлар шаклида яратилган. Қодир шоирнинг тоғалари Туроб ва Ражаб шоирлар асримизнинг 10-йилларидан кейин бу асарни достон шаклида эл орасида айтиб юрганлар. Ёки «Келиной» туркумига кирадиган қатор достонлар революциядан олдинги даврни акс эттиради. Бу туркумдаги достонларда аёлларнинг озодликка интилиши, фожиавий муҳаббатлари, «ичкари турмуш»нинг заҳар-заққумлари ўз ифодасини топган.

Инқилобий ҳаракатнинг, тўғрироғи, халқ норозилигининг кўтарилиш даври — биринчи жаҳон уруши пайтида ҳам фольклор биринчи инқилобчи образини адабиётга тақдим этди. Бу Фозил Йўлдош ўғлининг «Маматкарим полвон» достонидаги бош қаҳрамон эди. Ўша даврда яратилган Фозил Йўлдош ўғлининг «Жиззах қўзғолони», Пўлкан шоирнинг «Мардикор» достонлари ҳам давр нафасини акс эттирган.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасини дастлаб халқ ижоди қутлаган ва озодлик наш даларини куйлаган. Лени партия, революция мавзул ри биринчи марта хал ижодиётида тараннум эти ган. Революциядан кейин гражданлар уруши ҳаракат ўша даврдаёқ халқ ижоди тида асосий мавзу бўлга «Келиной», «Дастагул «Пардахол», «Иқболой «Жумагул», «Очилдов «Қорақум» достонлари хал ижодиёти давр билан қа даражада ҳамқадам бўлган лигини кўрсатиб турибди Булар орасида «Очилдов сингари пишиқ бадиий аса борлиги кишини қувонтира ди. Ҳақиқатан ҳам «Очил дов» достони ёзма адабиёти даги асарлар билан баҳсла ша олади. Фозил Йўлдош бу достонни гарчи эпик қо липдан фойдаланган ҳолда яратса-да, асосий салбий қаҳрамоннинг босмачи Очилдовнинг анъанавий достонлардан тамом ўзгача бўлган типик қиёфасини ярата олган. Бу достон, таъбир жоиз бўлса, халқ ижодиётидаги анъанавий достончиликда инқилобий ўзгариш бўлди, бинобарин, халқ достончиси бадиҳа йўли билан типик шароитда типик характер яратди.

Халқ ижодиёти революцион онги ўсган батраклар ҳақида ҳам («Ҳасан батрак»), комсомоллар ҳақида ҳам («Комсомолка Ойтўти»), хотин-қизлар озодлиги ҳақида ҳам (Қизлархон», «Ойтошгул», «Хонсулув», «Нозик опа» кабилар) биринчи бўлиб бадиий асарлар берган.

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, ўзбек совет адабиётининг бошланишида, унинг тараққий этишида халқ шоирлари Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Абдулла шоир Нурали ўғли, Ислом шоир Назар ўғли, Нурмон Абдивой ўғли, Муҳаммадқул Жомрот ўғли Пўлкан, Умир Сафар ўғли, Бола бахши ва бошқа кўп бадиҳагўйларнинг хизматлари катта.

ДЕМАК, ЎЗБЕК совет адабиёти тарихи ҳақида гапирилганда умуман, халқ ижодиёти, хусусан, мазкур достончиларга алоҳида боб ажратмоқ вазифамиз. Зотан, достонлар буюк бадиий тафаккурнинг муқаддас обидасидир.

Тоштемир ТУРДИЕВ

БИЛДИРИШЛАР

Шу йил 25 октябрь куни соат 16.00 да Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ҳайъати раиси муфти Муҳаммадсодиқ Муҳаммадюсуф билан «Дин ва экология» мавзуида учрашув бўлади.

Учрашувга барча қизиққан ўртоқлар таклиф этилади.

●

Шу йил 26 октябрь соат 19.00 да шоираларнинг иштироки билан Орол мушоараси бўлади.

Мушоарага барча қизиққан ўртоқлар таклиф қилинади.

Шеърият оқшомини Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Ойдин Ҳожиева олиб боради.

Шеърхонлик Ҳ. Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида ўтказилади.

ОРОЛНИ АСРАШ КОМИТЕТИ

Солаев

Қ. Ҳожиматов

Б. Сафаров

Б. Бегалиева

Э. Холмуҳамедов

А. Ғафуров

Р. Саидов


М. Омонов

Р. Обидов

ДАРДИНГНИ ОЛАЙ, ОДАМЛАР!..

Яқин-яқинларда ҳам фавқулодда қобилиятли кишилар, масалан, экстрасенслар, табиблар, фолбинлар ёки гипнозчиларга қандайдир шубҳа, ишончсизлик билан қаралар эди. Ҳолбуки, бутун дунёда ғаройиб хислатли кишиларга ҳурмат-эътибор жуда баланд. Мана, бир далил: Ғарбда ғаройиб қобилиятли кишиларнинг фаолиятини, уларнинг «Мўъжизакор» қудратини ўрганадиган, тадқиқ этадиган 400га яқин махсус илмий марказлар бор. Экстрасенслар кўпгина хорижий мамлакатларда миллий бойлик ҳисобланадилар. Бу ҳақда Москвада ташкил қилинган Табиатда қувват-ахборот алмашинуви муаммоларини ўрганиш бўйича тузилган комитет раисларидан бири — техника фанлари доктори Ф. Ханцеверов шундай дейди: «АҚШда ва бошқа бир қанча мамлакатларда экстрасенс миллий қадрият ҳисобланади. Англияда, ГФРда, Францияда, Хитойда, Қурияда, Вьетнамда ахборот банклари бор, уларда экстрасенсорияга мойил деб топилган, ғаройиб қобилиятлилик белгилари сезилган кишилар ҳақидаги маълумотлар сақланади... Бу мамлакатларда экстрасенсларга ихтисосига қараб таълим бериш ташкил этилган. Улар дипломлар, жумладан, тиббий диплом оладилар».

Бизнинг республикамизда-чи! Очиғини айтганда, Ўзбекистонда ғаройиб қобилиятли кишилар қувғин, тазйиқ остида эдилар. Бунга экстрасенс Муяссар Шарипованинг тақдири ёрқин мисол бўла олади. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги 1986 йили Муяссар ҳақида мақола босганида чор-атрофдан қилинган шиддатли ҳужумларга дучор бўлган эди. Мана, бугунга келиб, хайрият, Ўзбекистонда ҳам ғаройиб хислатли кишиларга муносабат ўзгара бошлади. Республикамизнинг бир неча шаҳрида экстрасенслар халққа хизмат кўрсатмоқдалар. Жумладан, Муяссар Шарипова Урганчда беморларни даволамоқда. Шу йилнинг 9 сентябрида эса пойтахтимиздаги Республика илмий ва инженерлик жамиятлари иттифоқининг техника уйида экстрансенслар, гипнологлар, фолбинлар, табиблар ва бошқа ғаройиб қобилиятли кишилар йиғилдилар. 200га яқин одам иштирок этган бу конференцияга Фарғона, Наманган, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, ҚҚАССРдан вакиллар келдилар. Конференцияда Табиатда қувват-ахборот алмашинуви муаммолари бўйича республика комитети тузилди, комитет президиуми матбуот маркази сайланди.

Шу йил 12 октябрь куни редакциямизда мазкур комитетнинг бир гуруҳ аъзолари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбатда Мадёр Солаев (экстрасенс, врач), Бахтиёр Сафаров (экстрасенс, врач), Элёр Холмуҳамедов (экстрасенс иқтисодчи), Абдурафиқ Ғафуров (экстрасенс, инженер-технолог), Бувиқант Бегалиева (уй бекаси), Қаҳҳор Ҳожиматов (физиотерапевт, биология фанлари номзоди), Равшан Саидов (юрист), Мингбой Омонов (врач, медицина фанлари номзоди), Рустам Обидов («Фан ва турмуш» журналининг бўлим мудири, Комитет матбуот марказининг бошлиғи) ва редакция ходимлари қатнашдилар. (Қавс ичида шуни ҳам айтиб ўтайликки, давра суҳбатини ташкил этиш фикри туғилмасдан аввал мухбиримиз Комитет раиси, экстрасенс, биология фанлари номзоди Сайфулла Неъматов билан гурунг қилган эди. Ўша гурунгда С. Неъматов айтган баъзи фикрларни ҳам, мавзуга бевосита дахлдор бўлгани учун, мазкур давра суҳбатида келтиришни лозим топдик.)

Давра суҳбатини «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев бошлаб берди.

. МЕЛИБОЕВ: — Инсоннинг фавқулодда имко-
тлари ҳақида кўп эшитганмиз. Халқ афсона-
идан бугунги фанний мўъжизаларгача сеҳрли
рат соҳибларининг мавжудлигига ишончимиз-
мустаҳкамлаб келади. Одатда, англаб етил-
ан ҳодисалар сеҳрли моҳият касб этади. Ин-
нинг бундай ҳодисаларнинг сир-асрорини
ишга қизиқишини асло тақиқлаб бўлмайди.
йлик, томирингизни шунчаки бир кўришдаёқ
еъмол қилган таомингизни бехато айтиб бера-
ан, унинг қандай ўтинда пишганлигини била-
ан синчи табиблар, бошқаларнинг хаёлида ке-
тган ўйларни сезиб турувчи кишиларгача бор
н, бу ҳодисаларнинг моҳиятини идрок этишга
илиш табиийдир.
изларга маълумки, бизнинг халқ табобатимиз
асрли тарихга эга. Аслида халқ табобати бўл-
са замонавий тиббиёт ҳам бугунги даражага
аган бўлур эди. Аммо йигирманчи йиллар
рларида пайдо бўлган янглиш тасаввурлар
нинг медицинамизни ҳам четлаб ўтмади. Бун-
й хато қарашлар оқибатида замонавий медици-
ўтмиш илдизларидан, халқ табобатидан
рли ажратиб қўйилди. Бу ҳол, минг афсуски,
иргача ҳам давом этиб келмоқда. Бугун аср-
синовидан ўтган халқ табобати йўлидаги
ларни бартараф этиш вақти келди. Биз қайта
иш ва ошкоралик берган ҳуқуқларимиздан
йдаланиб, халқ табобатининг замонавий тибби-
билан ҳамкорлигини вужудга келтиришга
ишмоғимиз керак.
Бугунги давра суҳбатимиздан кўзланган мақсад
м экстрасенсларни тарғиб этишдангина иборат
ас. Мақсад — сирли истеъдод соҳибларига
смий идораларнинг Соғлиқни сақлаш ми-
стрлигининг муносабатини аниқлаштириш, шу
ҳада сизларни ўйлантириб келаётган муаммо-
рга кенг жамоатчилик эътиборини жалб эт-
қдир.

С. НЕЪМАТОВ: —Мақсадимиз эзгу. Ўзбекистон
қадимдан табобат жуда тараққий этган ўлка.
ртимизда ҳозир ҳам табиблар, доривор гиёҳ-
р билан даволовчилар, синиқчилар, илгирлар
лгирлар), кинначилар, қушнач-бахшилар, гипно-
рлар (кўзбойловчилар), фолбинлар каби ғаро-
б хислатли кишилар кўп. Биз — ташаббускор
руҳ шу йилнинг 24 июлида илк марта йиғилиш-
ик. Ниятимиз республикамиздаги экстрасенс-
рни, умуман халқ табобати вакилларининг бо-
ини қовуштириб, уларнинг ташкилотини тузиш
и. Биз инсонни маънавий, жисмоний жиҳатдан
ксалтирадиган, руҳини кўтарадиган тиббий усул-
рни билган одамларни атрофимизга тўплай-
из. Экстрасенслар одам вужудига таъсир этиб,
нинг ички ҳимоя системаларини уйғотиш, инсон-
нг рўёбга чиқмай ётган бутун имкониятларини
шга солиб қувватини касалликни бартараф
илишга сафарбар этишга ёрдам берадилар. Ал-
атта, бунда беморнинг экстрасенсга ишончи, их-
оси катта аҳамиятга эгадир. Ахир, ихлос — ха-
ос, деб бежиз айтмаганлар-ку!
Экстрасенслар инсоннинг асабларини тинчлан-
иришлари ҳам, асаб системасини кучайтиришла-
и ҳам мумкин. Бир хил одамларда ички аъзолар
учсизланган бўлади. Бу касалликни даволаш
умкин. Умуман, барча методларимизни ҳам
рачлар билан ҳамкорликда текшириб кўриши-
из лозим.
Экстрасенсларнинг қобилиятидан ер остидаги
аъданларни қидириб топишда, денгизларда чўк-
ан кемаларни топишда, божхоналарда яшириқ-
а қонунсиз олиб ўтилаётган буюмларни аниқлаш
ингари мақсадларда ҳам фойдаланиш мумкин.
уллас, ғаройиб хислатли кишилар халқимизга
ўп фойда келтирадилар. Чиндан ҳам улар
иллий бойликдир.

А. ҒАФУРОВ: — Ғайритабиий хислатлар одамга
абиат томонидан ато этилса керак. Масалан, мен
зимда бу хислатни қандай сездим? Бир куни
ишхонада бирга ишлайдиган дўстимдан ҳар хил
асалликларни дори-дармонсиз тузатадиган одам
борлигини эшитиб қолдим. Менинг бир божам
бор. Шунинг қулоғи оғир эди. Божамни ўша
одам — экстрасенс Тоҳир Солиевнинг олдига
олиб бордим. Божам узоқда турганлиги сабабли
уйимизга олиб келдим. Дастурхон атрофида гап-
лашиб ўтирганимизда кенжа қизим олдимга йиғ-
лаб келди ва: «Ада, ёнингизда озроқ ўтирсам
майлими?» деди. У бирпас ёнимда ўтирди,
сўнгра «Ҳамма ёғим оғрияпти», деган қизим ўр-
нидан туриб, ҳеч нарса кўрмагандек, ўйнаб кет-
ди. Шунда мен уни чақириб, сўрадим: «Ҳозир-
гина касалман деяётувдинг-ку, энди ўйнагани
кетмоқчимисан. Нега бундай қилдинг?» Қизим
айтди: «Оғриқларим йўқ бўлди, тузалиб кетдим».

Ўша воқеадан кейин менда ўз-ўзидан бир фикр пайдо бўлди: ўзимда ҳам Тоҳир Солиевнинг қобилиятидек қобилият бормикан, деб уйладим, Божамга ҳазиллашиб мулоҳазамни айтдим. Сўнгра унинг қулоғига Тоҳир Солиевга ўхшаб таъсир ўтказган бўлдим. Шунда у: «Таъсирингиз Солиевникига ўхшаб кетди», деди. Мен аввалига божам ҳазиллашаяпти, деб ўйладим. Шундан кейин уйдагиларнинг тиши оғриса — тишини, шамолласа — шамоллашини, бели оғриса —бел оғриғини даволай бошладим. Баданда туз туриб қолиш, нафас йўлларининг шамоллаши каби дардларни ҳам даволай бошладим. Яра-чақаларни ҳам тузата оламан. Сувга, дори-дармонларга (масалан малҳамларга) биологик таъсир ўтказиб бера оламан...

М. СОЛАЕВ: — Минг хил касални даволайман дейиш мутлақо нотўғри. Афсуски, айрим экстрасенсларимиз ўзларини бундай ҳавойи туйғулардан тия олмаяптилар. Бу бизнинг умумий ишимизга халақит беради. Бизга нисбатан ишончсизлик, нотўғри кайфиятлар туғилишига олиб келади. Ҳолбуки, телепатия, биотоклар орқали таъсир ўтказиш, узоқдан туриб фикрни етказиш сингари инсон руҳияти билан боғлиқ сеҳрли ҳодисалар аллақачон жаҳон фани томонидан тан олинган. Америкада, Англия ва Хитойда шу сингари ҳодисаларни ўрганувчи марказлар, институтлар ишлаб турибди.

Мана сизга оддий мисол: америкаликлар ойга учганида, Митчель ойдан туриб ерга телепатик сеанслар юборган. У ойдан юборилган 200 сеанснинг 50таси тўғри чиққанини аъло даражадаги натижа деб баҳолайди. Эллигинчи йилларда Америка ҳарбийлари бир-бирининг фикрини узоқ [illegible]

[illegible] ни даволаш ишига бахш этмоқчи экан, тиббий маълумот ҳам олса нур устига нур бўларди. Бунинг учун туғма қобилият соҳибларини танлаш ишини йўлга қўйиш керак. Иложи бўлса, бу ишни мактаб ёшиданоқ бошлаш керак. Танлаш йўллари экстрасенсларга аллақачон маълум.

Э. ХОЛМУҲАМЕДОВ: — Касалларнинг муайян бир қисми экстрасенсларга бўйсунади, муайян қисми эса йўқ. Кўпчилиги тузалиб ҳам кетади. Аммо бу мен ҳамма беморларга таъсир ўтказа оламан, деган гап эмас. Чунки улар психологияси, руҳияти, ишонч-эътиқодига кўра ҳар хил одамлар.

1979 йили қизим юрак хасталиги билан туғилди. Миттигина юракда учта порок бор эди. Врачлар тузата олмаймиз, дейишди. Шунда Тошкентга машҳур экстрасенс Сафонов келган эди. У мен фолбинлик ҳам қиламан, деди. Дастлаб тоғамнинг касалини сўрадим. У бехато айтиб берди. Ҳозир бу одам қаерда деганимизда, Сафонов тоғамнинг бир йил аввал вафот этганини ҳам адашмай айтиб берди. Қизимнинг юраги порок эканини ҳам уни кўрмасдан туриб билди. Мен ундан қизимни даволашни ялиниб-ёлбориб сўрадим. У эса: «Ўзинг даволайсан. Мен сенга бир китоб ҳадя қиламан», деди. Бу Сафоновнинг чет элда рус тилида босилган «Нит Ариадны» деган китоби эди. Умуман, хорижда унинг жуда кўп китоблари чиққан.

Ўзим асли иқтисодчиман. Қизимни тузатиш учун ўша китобни ниҳоятда жиддий мутолаа қилишга мажбур бўлдим. Унда биотокни бошқаришнинг технологияси мукаммал берилган. Мен ҳам шундай қобилиятим бор деб ўзимни ишонтиришга ҳаракат қилдим, Сафонов технологияси асосида уни шакллантириш устида қаттиқ машқ қила бошладим. Бу муайян натижалар берди. Бугунга келиб бемалол айта оламан: менда аслида бу соҳада туғма қобилият йўқ эди. Мен ҳар бир одамда бўладиган табиий қобилиятни Сафонов технологияси асосида кучайтирдим, холос. Ҳамма ҳам, агар ўзида шунга хоҳиш бўлса, интилса, машаққатдан қочмаса, бунинг уддасидан чиқиши мумкин.

Кейинчалик мен касал нуқталарга таъсир этиш (мануальная терапия)ни ҳам ўргандим. Тўғриси, ҳамма одамнинг касали орқа мияда. Умуртқани тўғрилаш, унинг баъзи бўғинларини жой-жойига қўйиш билан кўп касалларни даволаш мумкин. Ҳозир айтганимиздек, ҳар бир одамда муайян даражада биоток майдони бор: фақат баъзисида кучлироқ, баъзисида кучсизроқ. Шунинг учун ҳам улар бундай муолажани ҳар хил қабул қиладилар.

Ҳозир менда биоток бор, ҳаммани, ҳар қандай касални бемалол даволаб юбораман, дейдиганлар кўпайиб кетди. Уларнинг орасида ҳар хил одамлар бўлиши табиий. Шунинг учун биз экстрасенслар комитетини туздик. Мақсад — алоҳида қобилияти бор одамларни аниқлаш, уларга ёрдам бериш, рўйхатга олиш. Соғлиқни сақлаш министрлигига тавсия этиб, беморларни даволаши учун шароит яратишга кўмаклашишдан, умуман бу соҳадаги ишларни муайян бир системага солишдан иборатдир. Комитетимизга келаётган одамлар орасида ҳам муайян тарбияга муҳтож кишилар йўқ эмас. Бундай экстрасенсларнинг бир хиллари бемордан энергия олса, бошқа бирлари энергиясини сарф этади. Кўпроқ сеанс бериб, энергиясини сарф этиб қўйиб, эртасига ишга чиқолмаётганлари ҳам бор. Шунинг учун ҳам бу масалаларга таваккалчилик билан ёндашиш хатодир. Агар халқ табобати институти очилса, инсон организми билан боғлиқ биоток майдони ҳақидаги тасаввурларимиз бир қадар тиниқлашар, унда имкониятдан келиб чиқиб, мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун муайян шароитлар вужудга келган бўларди. Муолажа олиш масаласига ҳам эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак. Даволовчи экстрасенс аввало, ўзининг, сўнгра беморнинг имкониятини аниқ ҳисобга олиши керак. Телевидениеда, катта залларда ҳаммага бир хил сеанс берилиши, менингча, бу — хато. Чунки сеанс берувчи бир киши, қабул [illegible]

[illegible] ўша жойда энергия майдони тўхтаб қолади. Биз ана шу тўхтаб қолган нуқтага таъсир этиб, унинг энергия ўтказиш қобилиятини тиклаймиз. Яъни, уни муайян бир йўналишга солиб юборамиз. Аслида экстрасенсларнинг бор сир-асрори шунда.

М. СОЛАЕВ: — Ўрта Осиё халқи қадимдан саводсиз, маданияти паст бўлган деган уйдирма гаплардан ҳали ҳам қулоғимиз тингани йўқ. Аслида Ўрта Осиё ҳаётининг ҳар жабҳасида халқ донишмандлиги, халқ тиббий маданияти, табобатининг изларига дуч келиш мумкин. Мана, айтайлик, Хоразмда, Туркманистонда нега одамлар жазирама ёз куни ҳам қозондек келадиган қалин чўгирма кийиб юришади. Бугун фанга қуёшнинг радиоактив нурлари тери ракини келтириб чиқариши маълум бўлмоқда. Бизнинг ўша саводсиз деб келинган ота-боболаримиз эса буни азалдан билишган. Бизда радиация даражаси, қуёшнинг радиоактив нурлари таъсири жуда кучли бўлганидан юзга соя қилувчи, мияни иссиқдан асровчи чўгирма кийишган. Шундай оддий йўл билан одамлар юз териси ракидан сақланишган. Бу чўгирма бош учун ўзига хос кондиционер вазифасини ўтаган. Ота-боболаримиз қандай кийим тикишмасин, кўп касалликларнинг олдини олишни ҳам назарда тутганлар.

Ибн Синонинг одамлар қуёш нурида танди пишгандек пишади, аммо бу нур кўп бўлса, он куйгандек куйиб кетади, дейиши бежиз эм

Қадим Шарқнинг ўзига хос ҳамомлари ҳам фақат ювиниб чиқиладиган жойгина эмас эди. Ҳаммомлар инсон руҳан мусафо бўладиган шифоли маскан ҳисобланган. ҳр бир ҳаммомда ходимлар хизмат қилиб тург. Улар ҳозирги массажчилар ва мануаль давлашнинг ўрнини босишган. Сартарошларимиз ҳ анойи бўлишмаган: сочни ўткир устара билан қиртишлаб олиш ўзига хос муолажа вазифаси ўтаган. Ўткир тиғнинг соч ва этга тегиши пайти муайян электромагнит майдони ҳосил бўлади. у эса инсон танасининг умумий биоток мбаларини ҳаракатга келтиришда муайян аҳамия эга. Ҳатто сартарош боланинг сочини олдан сўнг унинг қулоқларини тортиб, бўйин елкасини уқалаб қўйишида ҳам сир-синоат бор.

Ибн Сино Хоразмда 30 йилча яшага Ўша даврда у ҳаммага уйида ҳовуз курдирг унинг атрофига эса ийр деган ўт экдирган. Б ўт сувни тозаловчи муҳим восита ҳисобланга Ҳатто Чингизхон қўшинлари ҳам ийрни хаада ўзлари билан олиб юришган. Йўлда учрага увни истеъмол қилишдан икки соатча аввал у ўтдан солиб тозалаб олишган.

Энди ўйланг: Хоразмдаги ўша ҳ узлар, уларнинг атрофига экилган шифобах ўтлар ва гужумлар ҳам соя, ҳам тозалик, ҳам нгил яйраши учун мўътадил шароитни в удга келтирган. Ахир, булар халқ табобатини бизнинг турмушимизга сингиб кетган энг одй кўринишлари эмасми? Биз уларнинг замир аги хосиятларни билмаганимиз учун ҳам унут бошладик. Энди ҳар бир хонадонда ҳовуз ҳа ийр ҳам йўқ. Гужумлар эса қуриб бораяпти. Биз шу пайтга қадар халқ табобатининг жуда кўринишларини чўпчак деб уларга паст на билан қараб келдик. Бу бориб турган гумр ликдир.

Демоқчиманки, кароматгўйл, экстрасенсларни шунчаки четга суриб, инко тиб қўйиш адолатдан эмас. Уларга эркинли ерилиши керак. Халқда кимга бориб даволан, буни эркин танлаш ҳуқуқи бўлсин. Уни ха нинг ўзи ҳал қилсин. Ҳозир эса сен эркин деб, «олтин қафас»га солиб қўйишга урини ҳоллари мавжудлигини яшириб ўтиришнинг ҳ ати йўқ. Инструкциялар асосида яшаш халқн жонига тегди.

Б. САФАРОВ: — Касалхо арда, шифохоналарда уларнинг касаллар таъсири синаб кўрилиши, ўрганилиши керак.

Экстрасенсларни, иложи рича, 6 ойлик ёки бир йиллик қисқа муддатли едицина курсларида албатта ўқитиш лозим. и улар врачлар назорати остида касалларни ул қилишлари зарур. Чунки врачлар функ онал касалликларни ажрата оладилар. Органи згаришлар оқибати- [illegible]

[illegible] аҳамият бериш, яъни сариқ ва оч-яшил рангли материалларни қўллаш лозим (деворлар ранги, дарпардалар) ёки нур-музика (рангли музика) ишлатилиши мумкин. Мақомлардан фойдаланиш, сувнинг шилдирашини ҳосил қиладиган аппаратлардан фойдаланиш керак; 3) касални енгил табассум ва ишончли нигоҳ билан қабул қилиш; 4) бемордан касалнинг келиб чиқиш сабабларини хушмуомалалик билан суриштириб билиш лозим.

Ҳозирги шароитда касаллик нега кўпайиб кетди? 1) Ўрта Осиё шароитида нафас олинадиган ҳавонинг ўзгариши (завод-фабрикалар, машиналар чиқараётган зарарли тутунлар,..); 2) истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларимизда нитратларнинг кўпайиб кетганлиги; 3) айниқса, ери шўр бўлган шаҳар ва қишлоқларда ҳовузлар, заҳкашларнинг кўмиб юборилганлиги оқибатида ер остидаги аччиқ ва шўр сувларнинг юқорига кўтарилиши. Буларнинг барчаси турли касалликлар кўпайиб кетишига олиб келди.

Ўзбекистоннинг жанубий областларида 500 — 1000 йиллар бурун қурилган буюк обидаларни туз емира бошлади (шўр юқорига кўтарилгани сабабли). Пишган ғиштни емира олган, ниҳолларни қуритган, ҳатто баъзи жойларни гиёҳ ўстирмайдиган даражага келтириб қўйган тузлар, аччиқ сувлар инсон танасига қандай ёмон таъсир кўрсатишини ўзингиз ўйлаб кўраверинг! Бинобарин, ҳовузларни, заҳкашларни тиклаш ҳаётий заруратдир.

Яна бир гап шуки, асабларнинг таранглашиши, ишдан чиқиши ҳаётий шароитимиздан келиб чиқади, яъни ўзаро бир-бирини тушунмовчилик (ишда, оилада, кўчада...), иззат-ҳурматнинг йўқолиб бориши, моддий ва маънавий етишмовчиликлар, таълим-тарбия савиясининг пастлаб кетиши ва шунга ўхшаш кўпгина шароитлар ҳар хил оғир касалликларни келтириб чиқаради.

Р. САИДОВ: — Ҳар бир халқнинг миллий бойлиги энг аввало унинг тарихи, маданий ва маънавий қадриятлари, ўтмиш халқ даҳолари томонидан яратилган тил, адабиёт, мусиқа мероси, халқ табобати, меъморчилик мўъжизалари, ажойиб анъана ва маросимлари ранг-баранглиги билан белгиланади. Бизнинг бугунги стандартлаш ва компьютерлаш замонамизга келиб бундай умуминсоний қадриятларнинг жуда кўпчилигидан мосуво бўла бошладик.

Ҳолбуки, биз қадим шарқ тиббиётини, халқ табобати сарчашмаларини ҳам худди табиатни, тил ва маданиятни экологик бузилишлардан асрашга интилганимиздек, кўз қорачиғидек сақлашимиз лозим эди. Табиат ва маданият экологияси учун кураш бўлгани сингари халқ табобати экологияси учун жон куйдириш керак. Халқ табобатининг генофондини тузишгина кўплаб касалликларни даволашнинг йўқолиб бораётган халқона усулларини келгуси авлодлар учун ҳам сақлаб қолиш имконини берган бўлур эди. Менингча, жумҳуриятимизда халқ табобати маркази ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Бу марказ ўз поликлиникаси, шифохонаси, тиббий адабиётлар кутубхонаси, илмий-ўқув даргоҳи, миллий тиббиёт ҳунармандчилиги, ўзбек миллий руҳини акс эттирган меъморий боғ комплекси билан бир бутун ҳолда иш олиб борсагина кўзланган мақсадига эришади. Бу жиҳатдан яқинда ташкил этилган «Савоб» хайрия кооперативи муайян ишларни амалга оширмоқда.

Аммо бу сингари хайрли ишларга ҳозирги амалдаги қонунларимиз нуқтаи назаридан ёндашсак, ҳафсаламиз пир бўлади. Чунки Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 223-моддаси 1-қисмида бундай хайрли ишларни ҳам «ноқонуний даволаш» номи билан атаб, унинг йўлига муайян тўғаноқлар қўйилган. Шу моддада айтилишича, тиббий маълумоти бўлмаган шахсларнинг даволаш иши билан шуғулланиши мутлақо ман қилинади. Бу қонунни бузганлар икки йил озодликдан маҳрум этилади ёки 300 сўм жарима тўлаш жазосига тортиладилар.

Мен ҳуқуқшунос сифатида масъулиятни зиммамга олиб айтаманки, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қонуннинг шу моддасини қайта кўриб чиқадиган вақт етди. Жумҳурият Олий Совети Президиумининг яқинда эълон қилинган кооперативлардан олинадиган даромад солиғи тўғрисидаги фармонида тиббий хизмат кооперативлари ўз даромадининг 35 фоизи миқдорида солиқ тўлаши кўзда тутилган. Бундай катта миқдордаги солиқлар [illegible]

Қ. ҲОЖМАТОВ: — Гап замонавий тиббиёт билан халқ табобатини уйғунлаштириш ҳақида борар экан, мен ҳам биолог олим сифатида бу фикрларни жон-дилимдан қувватлайман. [illegible] наботот оламига мурожаат этиб тураман. Юртимиз тоғларида учрайдиган кўп гиёҳларнинг хосиятларини муттасил ўрганиш натижасида баъзи шифоли, малҳам гиёҳларни аниқлашга муваффақ бўлдим. «Самарқанд бальзами», яна кўплаб бевосита гиёҳлардан тайёрланадиган яхна ичимликлар, шарбатлар шу қизиқишим туфайли яратилди. Аммо ҳали табиатда биз ўрганиб етмаган ўсимлик турлари ниҳоятда кўп. Биргина Ўзбекистоннинг ўзида тўрт минг бир юзу қирққа яқин гиёҳ ўсади. Биз улардан фақат 76 фойизинигина биламиз. Билганларимиз ҳам мукаммал ўрганиб чиқилмаган.

Эндиликда экологик вазиятнинг издан чиқиши мана шу гиёҳларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келаётир ва яна бу ҳол атроф-муҳитнинг булғаниши оқибатида касалликлар хатарли даражада кўпайиб, инсон тиббиётга, табобатга, шифоли гиёҳларга кучли даражада эҳтиёж сезиб турган пайтда юз бераётир. Инсонни қутқарувчи, дардлардан фориғ этувчи наботот оламининг ўзи мададга муҳтож бўлиб ётибди. Жуда кўп гиёҳларимиз абадий йўқ бўлиб кетди. Бу жараён тўхтовсиз давом этаётир. Ахир, ўртоқлар, табиатда ҳамма нарсанинг ўз ўлчови бор. Мувозанат занжирининг ўзилиши мана шу жараёнга бевосита боғлиқ бўлган жуда кўп ҳалқаларнинг ҳам издан чиқишига олиб келаётир. Бошқача айтганда, табиат аллақачон ўз ўчини ола бошлади. Биз ҳушимизни йиғиб олмасак, касалликлар яна кўпайиб кетиши мумкин. Кейинги 20-30 йил ичида ҳамма ёқни сув омборларига бостириб юбордик. Тарихга назар солинг, бизда оби-ҳаёт ҳаракатсиз ётадиган бирорта ҳам сув омбори бўлмаган. Қаердаки, сув ҳаракатсиз ётадиган ҳавза бўлса — ичишга яроқсиз бўлган. Сунъий сув омборлари табиат учун мозор, демакдир. Улардаги сувнинг ранги ҳам, таъми ҳам ўзгача. Бу сувларда қанчадан-қанча заҳарли ҳайвонлар учрайди. Улар эртага бир турдан иккинчи турга кириб сувни буткул заҳарлаши мумкин. Бундан огоҳ бўлиш керак!

Б. БЕГАЛИЕВА: — Мен асли тоғ қишлоғида туғилиб ўсганман. Ёшлигимдан то ҳозиргача оғиз бўшлиғим тез-тез яллиғланиб туради. Баъзан икки-уч кунлаб лоҳас бўлиб ётиб ҳам қоламан. Қўлим бирор темир нарсага теккудек бўлса, ток ургандек этим жимирлашиб кетади. Лекин ҳеч буларнинг сабабини тушуна олмас эдим. Шу йилнинг баҳорида бизга қўшни аёлнинг юз томирлари шамоллаб, хасталаниб қолди. У массажга қатнар, баъзан бизникига ҳам чиқиб турар эди. Бир куни менга негадир тафти иссиқми деб қўлимни юзига босиб турди. Кейинчалик у бизникига тез-тез чиқадиган бўлди, хасталиги ҳам тузалиб кетди. Ўша хотин айтганми, билмайман, мени кўриб қўйинг дейдиганлар кўпайиб қолди. Баъзилари енгил бўлдим, шифо топдим деб қайта-қайта келадиган бўлди.

Мен бу гаплар билан менда ўзгача бир қобилият бор демоқчи эмасман. У борми ёки йўқми, буни олимларимиз, мутахассисларимиз айтгани маъқул. Лекин мен мурожаат қилган муассасалар, аттанг, тиббий маълумотингиз йўқ экан-д деб елка қисишди. Ҳайронман, бу борада бирор дурустроқ маслаҳат, йўл-йўриқ берадиган идора бўлмаса?! Фикрингни маъқуллатиш ёки рад жавоби олишнинг ўзи ҳам мушкул бир иш бўлса!

Р. ОБИДОВ: — Ҳозирги пайтда республикамизда турли область ва район газеталарида ҳам маҳаллий «экстрасенслар» ҳақида мақолалар босилмоқда. Уларнинг кўпчилиги шов-шув характерида бўлиб, умумий ишимизга халақит бериши мумкин. Айтмоқчимизки, экстрасенслар ҳақида мақола ёзганда ғаройиб хислатли кишиларни синчиклаб текшириб, уларнинг қобилиятига ишонч ҳосил қилингандан кейингина ишларини, даволаш усулларини тарғиб этиш керак.

М. ОМОНОВ: — Халқ табобатининг баъзи соҳаларига эътибор кучайгани, албатта, асоссиз эмас. Кексаларимизнинг «Ҳозир докторлар ҳам кўпайган, касаллик ҳам кўпайган» деган гапларида жон бор. Экологик мувозанатнинг издан чиқиши оқибатида инсон танасига ҳаво, сув, мева ва сабзавотлар орқали кираётган заҳарли моддалар организмда муттасил бўлиниб, кўпайиб турадиган 10 миллионлаб янги ҳужайраларнинг таркибини бузмоқда. Сариқ касаллигининг кўпайиб кетганлиги бунга далил. Бунга вирусларнинг юқаётгани эмас, балки заҳарли моддалар ҳужайраларни емириб, унинг хусусиятларини ўзгартириб юбораётгани асосий сабабдир.

Медицина амалиётида нуқул кимёвий препаратлардан тайёрланган дори-дармонлар қўлланаётгани ҳам бу ҳолни кучайтирмоқда. Шарқ табобати, айниқса бизнинг халқ табобатимиз ҳар хил табиий гиёҳлардан фойдаланган. Олтин илдиз туркумига кирувчи ўсимликлар, женшень, Хитой лимонниги, шохилдиз (королевский корень), ялпиз, зуптурум, наъматак ҳар хил меваларнинг шарбатлари, шунингдек, ҳайвон органлари: айиқ ўти қўшилган дорилар, ошқозон суюқлигидан, ферментларидан ажратиб олинган дорилар кўпроқ қўлланилган. Бу дорилар ҳужайраларнинг хусусияти ва таркибини ўзгартирмайди.

Бизнинг ихтиёримизда инсон вужудининг, руҳий ҳолатининг ҳадсиз имкониятлари билан боғлиқ, беморлардаги шу жараённи бошқариш билан боғлиқ катта бойлик турибди. Уни ўрганиш, амалиётга татбиқ этиш, бефаҳмларча бой бериб қўймасдан умумхалқ мулкига айлантириш, бу — бизнинг бурчимиз. Халқ табобати марказлари ва институтлари ташкил қилиш бу йўлда муҳим қадам бўлур эди.

Давра суҳбатини Маҳмуд САЪДИЙ ва Мурод АБДУЛЛАЕВ уюштирди

РЕДАКЦИЯДАН:

Бу суҳбатни эълон қилар эканмиз, газетхонлардан редакциямизга «Экстрасенсларни қаердан, қандай топамиз!» деган мазмунда сон-саноқсиз мактублар келишини сезиб турибмиз. Маълумки, мазкур соҳа эндигина рўёбга чиқаётир. СССР ФА президенти, академик Г. Марчук ҳам бу ҳақиқатни эътироф этиб: «Экстрасенслар фанда янги йўналишнинг туғилишига сабабчи бўлдилар», деди. Демак, бу — бошланиши, асосий ишлар ҳали олдинда. [illegible]

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
БАҲОСИ 10 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТО
АДАБИЁТИ ва САНЪАТ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Орган Союза писателей Узбекской ССР и Министерства культуры Узбекской СС

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ.
Таҳрир ҳайъати: Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, Усмон АЗИМОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Рамз БОБОЖОН, Одил ЁҚУБОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Тоҳир ШАМСИЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Тўлапберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Малик ҚАЮМОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Пиримқул ҚОДИРОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ (масъул котиб)

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент — 700083, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: бош муҳаррир — 33-52-91, 32-57-42; бош муҳаррир ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул котиб — 33-49-93; секретариат — 32-58-49; БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; поэзия ва проза — 32-55-78; санъат — 32-56-48, 32-54-56; хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-49; сатира ва юмор — 32-54-71.

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар авторларига қайтарилмайди. Ҳикоялар уч интервалда 14 бет, очерк ва мақолалар 12 бетдан ошмаслиги керак.

Р — 12037. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593. Б. — 3155. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12